


O'ZBEKISTON

ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№4. 2022



ПОЛИЗЧИЛАР ИЛМИЙ МАСЛАХАТЧИСИ



8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиздан бир гуруҳи Президентимиз Фармони асосан давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари билан мукофотландилар. Улар орасида аграр соҳа меҳнаткашлари ва олималари ҳам бор. Биз журналимизнинг ушбу сонидида мукофотланган опа-сингилларимизнинг илм ва амалиётда эришаётган ютуқлари хусусида ҳикоя қиламиз.

Мастура Халимова қарийб 50 йилдан буён аграр соҳа илмига ва амалиётига беминнат хизмат қилиб келаётир. У меҳнат фаолиятини давлат ҳўжалигида оддий ишчиликдан бошлаб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқиб, олий маълумотли бўлди. Бугунги кунда Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Селекция лабораторияси катта илмий ходими бўлиб меҳнат қилмоқда.

М. Халимова мамлакатимизда полизчиликни янада ривожлантиришда, мазкур тармоқни фан билан узвий боғлиқлигини мустаҳкамлашда, илм-фанни соҳа бўйича тарғиб қилишда салмоқли ҳисса қўшиб келаётир. Бугун юртимиз полизчилари унинг илмий маслаҳат ва тавсиялари асосида меҳнат қилиб, юксак натижаларга эришяпти, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки унинг кўп йиллик изланишлари, номзодлик илмий иши ҳам қовун етиштиришга бағишланган.

Полизчилар олима опанинг радио ёки телевизор орқали мунтазам равишда чиқишларидан ўзларига ҳар доим қимматли маълумотлар олиб туришади. Шу маънода айтиш мумкинки, Мастура опа полизчилик илми ва амалиётини боғлаб турувчи мустаҳкам кўприқдир.

Олиманинг илмий изланишлари хусусида тўхталадиган бўлсак, у полиэкинлари ва навшунослиги борасида қовуннинг жами 11 та – “Роҳат”, “Кичкинтой”, “Дилхуш”, “Кўк мағиз”, “Гандмиён”, “Офтоб”, “Ўринбой”, “Манзур”, “Ширин”, “Шарқ неъматини” навлари ва F₁ чиллаки дурагайларининг муаллифларидан биридир. Ушбу навлар ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган бўлиб, катта майдонларда экилиб, юқори ҳосил олинмоқда.

М.Халимованинг илм-фан олдидаги энг катта хизматларидан бири бу қовуннинг қадимги маҳаллий навларини сақлаб қолиш борасидаги саъй-ҳаракатидир. У кўп йиллар изланиб, тадқиқотлар олиб бориши натижасида қовуннинг йўқолиб кетиш хавфи остидаги 350 дан ортқ маҳаллий нав намуналари коллекциясини ўрганди. Натижада 274 та нав намуналари уруғлари унвчанлигини сақлаб қолишга эришилди. Улардан айримларининг номларини келтирамиз, шунда сиз ота-боболаримиз нақадар селекционер бўлганлигини, ўзимизнинг маҳаллий қадимий навлар ҳозиргиларидан қолишмаслигига амин бўласиз: Оқ босвол-

ди, Хон қизи, Урганчи, Олла ҳамма (эти қизил), Оқ сут, Қўтир бешак, Хива бешаги, Қора гулоби, Бижир, Бешак 5, Олмурта гулоби, Нон гўшт, Ола бўрикалла, Ола гурбек, Жийда гули, Кўк гулоби, Заргулоби, Жийда япроқ, Ёз бешак, Оқ бош бешак. Бу қовун навлари ўзига хос серҳосиллиги, ширин таъми билан ажралиб туради.

Самарали хизматлари учун у 2020 йилда мамлакатимизда жорий этилган “Mo'tabar ayol” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Шунингдек, олима ўтган йили Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган Economic Cooperation Organization 15-ECO Summit анжуманида қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун нуфузли медаль билан мукофотланди. Бу ҳам олиманинг полизчилик илмида эришган натижалари эътирофидир.

Олим аҳлига хос бўлган камтарлик, ўз эътиқоди йўлида собитқадамлик, ва хушмуомалалик каби барча фазилатлар опада мужассам. Шу боис, Мастура опани Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоасидаги ёш изланувчилар учун ибрат ва илм мактаби десак, хато қилмаймиз.

— Мастура опа ўзининг меҳнатсеварлиги, бошлаган ишини сабр-тоқат билан охирига етказиши, кўп йиллик илмий ва амалий тажрибаси билан жамоамиз ёш тадқиқотчиларига ўрнак бўлиб келаётир, — дейди Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Рустам Низомов. — Институтимиз жамоаси эришаётган ютуқларда опа каби фахрийларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки жамоамиз яратаётган янги навлар ва технологияларда етук олим ва олималарнинг роли катта бўлаётир.

Дарахт бир жойда кўкаради деганларидек, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди М.Халимова қарийб ярим аср мобайнида шу даргоҳда камол топди, изланди, интилди. Қийинчилик ва машаққатларни метин иродаси ила енгиб ўтди. Ва ниҳоят, фанда кўплаб ютуқларга эришди. Жамоада ва жамиятда обрў-эътибор орттирди. Фикримизга олиманинг Президентимиз фармони биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирланиши ҳам исбот бўлиб турибди.

Бахтиёр ЭСАНОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА МАЙДОНЛАРИДА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ВА ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ, СУҒОРИШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни янада ошириш, суғоришнинг янги технологияларига ўтиш, ўсимликлар ҳимояси бўйича хизматларни йўлга қўйиш, замонавий лабораториялар барпо этиш, фермерларни ўқитиш каби тадбирларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчи (ижарачи) лар томонидан пахта майдонларида **тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2022-2023 йилларда синов тариқасида рағбатлантиришнинг қуйидаги механизмларини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:**

тупроқ унумдорлигини ошириш ва эрозиядан муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширганлик учун солиқ имтиёзлари бериш;

тасдиқланган ер тузиш ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ерларини тиклаш, қайта фойдаланишга киритиш ва янгидан ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини рекультивациялаш ва мелиорациялаш тадбирларини бажариш учун субсидиялар ажратиш ва ер солиғидан қисман озод этиш.

2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ **2022-2023 йилларда синов тариқасида:**

а) тупроқ унумдорлиги ва пахта

ҳосилдорлигини ошириш, илмий асосланган алмашлаб экишни ва суғоришнинг янги технологияларини жорий этиш ҳамда ўсимликлар ҳимояси бўйича хизматларни йўлга қўйиш ва замонавий лабораторияларни барпо этиш, шунингдек, деҳқончилик соҳасидаги янгилар ва илғор тажрибалар бўйича фермерларни ўқитиш учун ердан фойдаланувчи (жумладан, кластер) ларга **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар майдонга бир миллион сўмдан субсидия ажратилади. Бунда:**

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни бажариш учун дастлаб ҳисобланган **субсидиянинг 70 фоизи ажратилади;**

субсидиянинг қолган **30 фоиз қисми ҳосилдорлик олдинги мавсумга нисбатан ўртача 15 фоизга оширилиб, Давлат статистика қўмитасининг таҳлилий маълумотларида ўз аксини топганда, ўтказиб берилади;**

б) пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширганлик учун **солиқ имтиёзлари тупроқ бонитировкаси таҳлили натижалари бўйича тупроқ унумдорлиги ошган ердан фойдаланувчиларга татбиқ этилади. Бунда:**

ердан фойдаланувчилар учун ер участкаси тупроғи бонитет бали амалдаги бонитет баллга нисбатан 3 баллгача ошган ҳолларда ер солиғи ставкаси 25 фоизга, 3 балл ва ундан ошган ҳолларда 50 фоизга камайтирилади;

ер солиғи бўйича имтиёзлар уч йил муддатга амал қилади.

3. Қуйидагилар:

2022-2023 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини яхши-

лаш учун субсидия ажратиш тажрибаси синовдан ўтказиладиган туманлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларига ўтишда амалга ошириладиган илмий асосланган тадбирлар бўйича “Йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **икки ой муддатда** пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни бажариш учун субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли орган томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни рағбатлантириш тўғрисида мурожаатларни кўриб чиқиш учун асос бўладиган ҳужжатлар;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни бажариш учун субсидия ажратиладиган ердан фойдаланувчилар рўйхатини шакллантириш тартиби;

Давлат бюджетидан субсидия ажратиладиган ер участкаси майдонини аниқлаш ҳамда субсидия миқдорини ҳисоблаш ва тақдим этиш муддати;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича бажариладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш тартиби назарда тутилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** мазкур қарорнинг 1-илова-сига асосан субсидия ажратиладиган туманлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан

масъуллар ва муддатларни аниқ белгилаган ҳолда **ҳар бир туман учун алоҳида “Йўл харитаси”ни тасдиқласин.**

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2023 йил 15 декабрга қадар** мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ **синов тариқасида субсидия ажратилган туманларда пахта хомашёсини етиштириш натижаларини таҳлил қилиб**, мазкур тажрибани республиканинг бошқа туманларида жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда мазкур қарор доирасида Давлат бюджети ҳисобидан

маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини **муҳокама қилиб бориш**, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 март*

ПАХТАКОРЛАР УЧУН ЯНА БИР РАҒБАТ

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳанинг турли тармоқларини субсидиялаш жорий этилмоқда.



Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 25 мартда қабул қилинган “Пахта ер майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимиз пахтакорлари учун яна бир иқтисодий рағбат бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, ишлаб чиқарувчиларнинг умуммиллий бойлигимиз бўлган ерга муносабатини тубдан ўзгартиради.

Бутун дунёда экин майдонларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг табиий ҳолатини сақлаш ва муҳофаза қилишдек долзарб масала мамлакатимизга ҳам тааллуқлидир. Чунки Республикаимизда суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 68,6 фоизиди тупроқ профилининг устки ҳайдалма қатламида 0,5-1,0 фоиз атрофида гумус мавжуд бўлса, 29,6 фоизиди 1,1-2,0 фоизгача, 1,7 фоизиди 2,1-3,0 фоизгача ва атиги 0,1 фоизиди 3,0 фоиздан юқори даражада

гумус мавжуд, холос.

Бу ҳолат бугунги кунда, ердан фойдаланувчилар томонидан тупроқ унумдорлиги ва агротехник тадбирларини илмий асосда ташкил этмаётганлигидан далолатдир.

Шунинг учун ҳам, Президентимизнинг мазкур қарорига асосан жорий этилаётган қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини Давлат томонидан иқтисодий рағбатлантиришнинг янги механизми пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорга асосан иқтисодий рағбатлантиришнинг куйидаги механизми йўлга қўйилади:

ердан фойдаланувчиларга, жумладан кластерларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар пахта майдонининг ҳосилдорлигини ошириш учун бир миллион сўмдан субсидия ажратилади. Бунда, субсидиянинг 70 фоизи ердан фойдаланувчи ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Қолган 30 фоизи эса ҳосилдорликни олдинги мавсумга

нисбатан ўртача 15 фоизга оширган ва у Давлат статистика қўмитасининг таҳлилий маълумотларида ўз аксини топган тақдирда ўтказиб берилади;

тупроқ бонитировкаси таҳлили натижалари бўйича тупроқ унумдорлиги ошган ердан фойдаланувчилар учун солиқ имтиёзлари татбиқ этилади. Бунда, ердан фойдаланувчилар ер майдонининг тупроқлари амалдаги бонитет балига нисбатан 3 баллгача ошган ҳолларда ер солиғи ставкаси 25 фоизга, 3 балл ва ундан ортиқ ошган ҳолларда эса 50 фоизга камайтирилади ва бу имтиёз 3 йил муддатга амал қилади.

Демак, пахта етиштирувчилар ҳосилдорликни ошириш баробарида моддий манфаатдорлиги ҳам ортади. Экин майдонларининг тупроқ унумдорлигини ошириб, балл бонитетини яхшилаган сари ер солиғи камайиши ҳисобига тегишлича маблағни иқтисод қилишга эришади.

2022 – 2023 йилларда тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш учун субсидия ажратиш тажрибаси дастлаб Қорақалпоғистон Республикасида Эппикқъла, Андижонда Улуғнор, Бухорода Вобкент, Жиззахда Шароф Рашидов, Қашқадарёда Қарши, Навоийда Навбахор, Наманганда Поп, Самарқандда Нарпай, Сурхондарёда Жарқўрғон, Сирдарёда Сайхунбод, Тошкентда Қуйичирчиқ, Фарғонада Бешариқ ва Хоразмда Қўшқўпир туманларида 127 минг гектар пахта майдонида синовдан ўтказилади.

Шунингдек, мазкур қарорга асосан, Вазирлар Маҳкамасига пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш тадбирлари учун субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиш юклатилган.

Қарорда белгиланган молиявий рағбатлантиришнинг янги механизмини тезкор жорий қилиш мақсадида Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 19 март кuni келиши учун ягона электрон тизимга жойлаштирилган.

Мазкур ҳужжат лойиҳасида субсидия ажратишнинг қуйидаги тартибини жорий қилиш кўзда тутилмоқда:

1. Субсидия ажратиладиган ер эгалари билан биргаликда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан пахта экиладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш бўйича бажариладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Бунда:

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти томонидан шудгор қилиш ва ерларни текислаш, эрозияга қарши курашиш, гумус миқдорини ошириш, минерал ва органик ўғитларни тўғри қўллаш, шўрланган ерларда мелиорациялаш;

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос ғўза уруғи ва на-

вларини танлаш, илмий асосланган агротехник тадбирларни қўллаш, алмашлаб экиш, оралиқ ва сидерат экинлардан фойдаланиш, озиқлантириш, стимуляторлар ва микроэлементлардан фойдаланиш тадбирлари белгиланади.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ердан фойдаланувчиларга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса тайёрланиб, Молия вазирлигига тақдим қилинади;

3. Молия вазирлиги томонидан субсидиянинг дастлаб 70 фоизи, шундан 60 фоизи ердан фойдаланувчига, 6 фоизи Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтига, 4 фоизи Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтига тўғридан-тўғри тақсимланади.

4. Субсидиянинг қолган 30 фоизи пахта ҳосилдорлиги олдинги мавсумга нисбатан ўртача 15 фоизга оширилганда ва у Давлат статистика қўмитасининг маълумотларида ўз аксини топганда ердан фойдаланувчига ўтказиб берилади.

5. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш тадбирларининг бажарилиши мониторинг қилиб борилади.

Мониторинг натижалари бўйича тайёрланган маълумотлар тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш учун ердан фойдаланувчига ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этилади.

Олимлар даврий равишда тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш юзасидан ердан фойдаланувчиларга қўшимча илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериб боради.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2022 – 2023 йилларда 127 минг гектар пахта майдонида субсидия ажратилиши натижасида тупроқ унумдорлиги яхшиланиши ва ҳосилдорликнинг 15 фоизга оширилиши ҳисобига бир йилда қўшимча 66,4 минг тонна пахта хомашёси олишга эришилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, ушбу қарор пахта етиштиришда илм-фан ютуқлари, илғор ресурстежамкор технологияларни қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни, пахтакорларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга раҳбарий ҳужжат бўлади.

Ойбек СОАТОВ,

*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ер тузиш ва ер муносабатларини
тартибга солиш бошқармаси
бошлиғи.*



Баҳорнинг ҳар кунини танилат

серёғин об-ҳаво шароитида ерларни экишга тайёрлаш ва чигит экиш

Республика Гидрометеорология хизмати маркази маълумотларига кўра, жорий йил март ойида республиканинг барча ҳудудларида сўнги ўн йилликда рўй бермаган сурункали ёғингарчиликлар кузатилиб, ойлик меъёрдан 3-4 баробар кўпроқ ёмғир ёғди ва йиллик ёғингарчилиكنинг деярли 40% ни ташкил этди. Жумладан, аксарият ҳудудларда ёғингарчилик миқдори ойлик меъёрдан 120-200%, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 215-295%гача ортгани кузатилди.

Март ойининг учинчи ўн кунлигида ҳам ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, вақти-вақти билан ёмғир ва қор ёғиб ўтди, ҳаво ҳарорати 3-5°C гача пасайиб, бу йилги эрта баҳорги дала ишлари ва чигит экишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Шундай ўзгарувчан ва серёғин об-ҳаво шароитида пахтачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари чигит экиш ишларини қайтарзда амалга ошириши ҳамда агротехник тадбирларни қандай бажаришлари ва нималарга эътибор беришлари керак? Қуйида шулар тўғрисида илмий асосланган тавсияларни бериб ўтамыз.

ПСУЕАИТИ олимларининг тавсияларига кўра, ерларни экишга тайёрлашда нам кам ёки кўп бўлиши бир хил салбий таъсир кўрсатади. Баҳорда тупроқ оби-тобига келганда чигит экиладиган майдонларни аввал бороналаш тавсия қилинади. Бунда икки қатор борона тиркалган занжирли тракторлардан фойдаланиш яхши самара беради ва ер кам зичлашади.

Яхоб суви берилган ёки шўри ювилган тупроқларнинг ҳайдов қатлами кучли зичлашган ерлар борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискаланади.

Баҳорда пушта олинган майдонларда тупроқ етилиши билан пушта олинган бўлиши керак. Агар шундай қилинмаса, кесак қўчиши, ер нотекис бўлиб катта кесаклар кўпайиб, чигит экишни қийинлаштиради.

Кучли бегона ўт босган майдонларда чизель-культиваторларга тиркалган бороналар воситасида кўп йиллик бегона ўтлар илдизлари даладан тозалаб чиқарилади. Тупроқ юзасида қолган илдизлар эса қўлда териблиб, ёқиб юборилади.

Ўртача ўт босган майдонлар 8-10 см чуқурликда борона қилинади ёки ясси кесувчи ишчи органлари ўрнатилган ҳолда 12-14 см чуқурликда чизелланади ва бир йўла бороналанади, бегона ўтлар илдизларидан тозаланади ҳамда мола бостирилади.

Механик таркиби энгил ва ўртача бўлган ўтлоқи тупроқларда чизеллаш ўрнига дискаланиб, бороналанади ва сўнгра мола-ланади.

Ташқи муҳит шароитлари – ҳаво ва тупроқ ҳарорати, тупроқ намлиги мақбул бўлганда ташкилий ишлар тўғри

уйғунлаштириб олиб борилганда экилган чигит қийғос униб чиқади.

Ерости сувлари яқин жойлашган, бу йилгидан ёғингарчиликлар кўпайиб, намлик юқори бўлган ерларда ёки кучли қатқалоқ ҳосил бўладиган ҳамда сифатсиз уруғлик чигитлар экилган ёки чигит жуда чуқур экилган ерларда илдиз чириш касаллиги кўпайиб кетиши мумкин.

Агар тупроқ ва ҳаво ҳарорати паст, ерда намлик юқори ва юза қисмида қатқалоқ ҳосил бўлганда ҳамда тупроқда касаллик чақирувчи патогенлар учраганда ёки чигит фунгицидлар ва стимуляторлар билан ишлов берилмаган бўлса ҳам, гоммоз касаллиги кенг тарқалиб кетиши кузатилади.

Шу сабабли илдиз чириш ва гоммоз касалликларига қарши ўз вақтида қарши кураш чоралари кўрилиши фунгицид, ёки Узгуми, Узбиогумин, Фитовак, Биодукс ва бошқа стимуляторлар билан экиш олдида ишлов берилиши, уруғлик чигит сифати юқори бўлиши, экишга ҳам сифатли тайёрланиши ва мақбул муддатларда ер оби-тобига етилиши билан экилиши лозим.

Чигитни экиш олдида тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ҳарорати 12-14°C, намлиги 60-70 фоиз бўлганда далаларга экиш мақбул ҳисобланади, агар плёнка остида чигит экиш режалаштирилган бўлса, бунда тупроқ ҳарорати 10°C даражани ташкил этганда бошлаш тавсия этилади. Тупроқда шундай ҳарорат бўлиши, чигитнинг униш қуввати ҳисобида ниҳоллар тез ва бир текис униб чиқишини таъминлайди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, чигит экилгандан кейин ўртача ҳаво ҳарорати пасайиб 15-16°C ни ташкил этса, экилган чигитларнинг униб чиқиши чўзилиб кетади, тупроқда узоқ вақт қолиб кетиб, тупроқ остида барг ёзиб, ниҳолларнинг касалланишига ва сийрак униб чиқишига олиб келади. Агар ўртача суткалик ҳарорат 23-25°C атрофида бўлса, чигит жуда қисқа муддатда 7-8 кунда ёппасига униб чиқади.

Чигит униб чиқиши тупроқнинг намлигига ва ернинг экишга қандай тайёрланганлигига ҳам боғлиқ. Жорий йил шароитида тупроқдаги нам захираси баъзи майдонларда юқори ёки етарли даражада, шу билан бирга, кун исиб кетиши билан намлик камайиб кетиши ҳам мумкин. Яъни, тупроқда нам хаддан ортиқ бўлса ёки камайиб, қуруқ бўлиб қолса ҳам, чигит униб чиқиши чўзилиб кетади ва сийрак униб чиқади. Чигит экилгандан сўнг агар сурункасига ёмғир ёғса, қатқалоқ ҳосил бўлиши ва чигит унишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Республикамизнинг ноқулай об-ҳаво шароитида чигитни хатосиз, соғлом ва эрта ундириб олиш муаммосини ҳал этиш йўлларида бири уруғлик чигитларга биостимулятор ва ўсишни созловчи моддалар билан ишлов беришдир.

Бу йилги шароитда уруғлик чигитларни экиш олдидан намлаш даврида ёки экишдан аввал Витавакс 200ФФ 5,0 л/т, Узгуми 0,7-0,8 л/т, Узбиогумин 0,8-1,0 л/т, Фитовак 200-300 мл/т, Биодукс 2-3 мл/т, Байкал ЭМ1 3,0-3,5 л/т, Хосилдор 0,4-0,6 л/т, Геогумат 1,0 л/т, Гумми 20 1,0 л/т, Альбит 75 мл/т каби стимуляторлар билан ишлов берилса, ноқулай об-ҳаво ва тупроқ шароитига қарамасдан чигитнинг унувчанлиги ошади, илдиз тизими бақувват ривожланади.

Кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасида, Республикамиз вилоятларида чигит экишнинг мақбул муддатлари аниқланган. Унга кўра, чигит экишни мақбул муддати Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида 10-25 апрель, шимолий туманларда 15-30 апрель, Хоразм вилоятида 10-25 апрель, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 5-15 апрель, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 1-15 апрель, Наманган ва Андижон вилоятларида 1-15 апрель, Самарқанд вилоятида 5-20 апрель, Бухоро ва Навоий вилоятларида 1-15 апрель, Қашқадарё вилоятининг жанубий чўл туманларида 25 мартдан-15 апрелгача, тоғолди туманларида 1-15 апрель, Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларида 25 март-10 апрель, шимолий туманларида 1-15 апрелга тўғри келади. Лекин, жорий йилдаги серёгин об-ҳаво шароитига қараб, ушбу мақбул муддатлар бироз фарқланиши ва 5-7 кун эрта ёки кечроқ муддатларга тўғри келиши мумкин.

Чигит экишни биринчи навбатда тез етилиб, тез қизийдиган енгил, ўртача қумоқ тупроқларда, кейин эса оғир механик таркибли, кечроқ етиладиган тупроқларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Тупроқ ҳарорати паст бўлганда, лой тупроққа экилган чигитнинг бир қисми чириб кетади ва ниҳоллар сийрак униб чиқади ҳамда бузиб қайта экишга тўғри келади ва бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, аввал сифатли уруғлик чигитлар экилиши, кейинчалик сифати паст уруғлик чигит экилишига ҳамда пахта ҳосили ва сифати пасайишига ёки кечки бўлиб

қолишига олиб келиши мумкин.

Чигит механик таркиби оғир, секин қизийдиган тупроқларда 3-4 см, бошқа барча тупроқларда 4-5 см чуқурликда экилади. Шунингдек, ҳар бир дала шароитидаги тупроқ намлигидан келиб чиқиб, ҳар бир дала учун алоҳида экиш чуқурлиги тўғри белгиланиши, агар намлик юқори бўлса, бироз саёзроқ экилиши ҳам мумкин.

Чигит экишда унинг меъёрига алоҳида аҳамият бериш лозим. Тукли чигит гектарига 45-55 кг экилса, туксиз чигитлар 25-30 кг миқдорда экилади. Қўшқатор усулида экилганда яқка қаторларга нисбатан 20-25 кг кўпроқ уруғлик сарфланади. Шу меъёрларда экилган чигитлар далада мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилишни таъминлайди. Агар ерда намлик юқори бўлса, ёки экиш кечикса, экиш меъёрини ошириш мумкин эмас.

Чигит экиш билан бир вақтда ёки экишдан кейин эртасига бегона ўтларга қарши “Стомп” 0,8-1,0 л/га, “Которан” 1,0-1,2 кг/га ва бошқа гербицидлар ОВХ пуркагичлари ёрдамида сепилса, бегона ўтлар зарари камаюди, ортиқча чопиқ ишларини ўтказишга ҳожат қолмайди, ниҳоллар дуркун ва жадал ривожланади.

Чигит экишда кенг қамровли (6-8 қаторли) сеялкалардан фойдаланиш тупроқ зичланишининг олдини олади, иш унумини оширади ва қисқа муддатда чигит экишни ва ундириб олишни таъминлайди.

Шундай қилиб, чигит экиш мавсумини юқорида келтирилган тавсияларга амал қилган ҳолда қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш ғўзадан эртаги ва мўл ҳосил олишга замин яратади.

Шухрат АБДУАЛИМОВ, қ.х.ф.д., профессор,
Шарофиддин КАРИМОВ, қ.х.ф.ф.д.,
Файзулла АБДУЛЛАЕВ, қ.х.ф.ф.д.,
Карим ТАДЖИЕВ, қ.х.ф.н.,
Фазлиддин ШАМСИТДИНОВ, илмий ходим,
ПСУЕАИТИ.

ТАВСИЯ

ЧИГИТ ЭКИШ ВА ДАСТЛАБКИ КУЛЬТИВАЦИЯНИ СИФАТЛИ БАЖАРИШ

Пахта-тўқимачилик кластерлари агрономлари, фермерлар ва механизаторлар чигит экиш ва ғўза ниҳоллари униб чиққан қатор оралари тупроқларини дастлабки юмшатишнинг муҳим агротехник тадбирлар сирасига киришини, уларнинг сифати сеялкалар, культиваторлар ва чопиқ тракторларининг техник ҳолатига боғлиқ эканлигини яхши билишади. Бундай машиналарнинг техник ҳолати эса мавсум олдидан ва иш давомида қисмларнинг созлик даражасига қараб баҳоланади. Саз машина ўз вазифасини сифатли бажаради, смена ва мавсум давомида бузилмасдан ишлайди.



Трактор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ёнилғи, мой ва бошқа суюқликлар томчиламайди; ҳамма детал, узел ва агрегатлар пухта маҳкамланган;

ўлчов, ёритиш ва электрон асбоблар яроқли; капотлар, ойналар ва кабина эшиклари шикастланмаган ва синмаган;

ишқаланувчи қисмлар мойлаш схемасига асосан ёлланган;

двигател енгил ўт олади, барқарор ишлайди, бегона шовқин ёки товуш чиқмайди;

ёнилғи ва мой сарфи меъёрда, ёнилғи билан таъминлаш ва газ тақсимлаш системасининг бирикмалари маҳкам;

двигателнинг қуввати номинал даражада, трактор зўриқмасдан ишлайди; илашиш муфтаси зарур узатмаларни эркин, қадалишларсиз қўшилишини ва ажралишини таъминлайди, шатаксиямай ишлайди;

карданли узатма бирикмаларидаги радиал ва бўйлама тирқишлар меъё-

рида, “тепмасдан” айланади;
орқа кўприк ва бошқариш механизми тақиллаш, шовқиндан холи;

тракторнинг равон ва кескин бурилиши, ишончли тормозланиши таъминланади;

рул чамбарагининг эркин буралиш йўли меъёрида, рул механизми ва ғилдираклар соз;

гидравлик осиш системаси машиналарни равон кўтарди ва туширади, механизмлар ишончли, бирикмалардан суюқлик томчиламайди;

электр қурилмалари двигателни равон юргизишни ва тунда йўлнинг яхши ёритилишини таъминлайди;

Чигит экиш сеялкаларининг созлик шартлари қуйидагича:

– чигит солинадиган банкаларда тешикларнинг бўлмаслиги (чигит илиниб қолмайди, ерга тўкилмайди);

– банка тубига жойлашган чигит тўзитгич ва узатмалар тишларининг бутунлиги (банкага солинган чигитлар бир-бирига ёпишиб қолмайди, деталлар яхши айланади);

– чигит сарфи меъёрини ростлайдиган заслонка дарчаларининг енгил очилиб-ёпилиши (дарчалар енгил созланади);

– уруғ ўтказгичларда ёриқлар ва тешиклар йўқ (чигит тўкилиб кетмайди);

– сошникнинг тагидаги пичоғи ўткир, жағлари керилган, полозининг олд томони ёй шаклида кўтарилган бўлиши (чигит тушадиган ариқчалар белгиланган ўлчамларда очилади, полоз олдида тупроқ тўпланиб қолмайди);

– сошник орқасида жойлашган зичлагич ғилдиракча, загортачлар ва прикатканинг ўз ўқлари атрофида эркин айланиши, юзаларининг текис бўлиши (эгатлар сифатли чиқади, уруғ устидаги тупроқ яхши зичланади);

– сошник секциясидаги пружиналарнинг созлиги ва тўғри ўрнатилганлиги (пружиналарда зарур таранглик ва унинг миқдорини тўғри танлаш имкониятлари бўлади);

– сеялкадаги барча ростлаш механизмларининг (чигит сарфи меъёри, экиш чуқурлиги, пружиналарнинг таранглиги) созлиги (чигит фермер, агроном томонидан белгиланган миқдорда ва чуқурликда экилади);

– “Кейс-1200” сингари пневматик сеялкаларда уяга тушадиган чигит сони, чигитнинг кўмилиш чуқурлиги, уялар орасидаги масофа, уяларнинг тупроқ билан зичланиш даражаси талаблар даражасида ростланади.

Пахтачилик культиваторининг созлик шартлари:

– культиватор рамалари эгилмаган, улар тракторга маҳкам қилиб, ерга нисбатан параллел ҳолда ўрнатилсин (ишлов бериш чуқурлигининг бирдайлиги таъминланади);

– олдинги ва орқа грядиллар стойка, тутқич ва қулфлар воситасида рамаларга пухта бириктирилсин, бунда штангалар ерга параллел бўлсин (ишлов бериш кенлиги бирдай сақланади);

– грядилларнинг носоз втулкалари янгиларига алмаштирилсин, қулфлардаги маҳкамловчи болтларнинг резбалари едирилмаган бўлсин (грядиллар ортиқча тебранмайди);

– минерал ўғит бункерларида тешиклар ва ёриқлар бўлмасин, ўғит солиш аппаратининг ҳамма қисмлари енгил айлансин, ўғит солиш меъёрини ростловчи механизм соз бўлсин (ўғит нобуд бўлмайди);

– пичоқлар ва стрелкасимон панжалар штангаларга шундай маҳкамлансинки, бунда уларнинг тиглари узунасига ер сатҳига тегиб турсин, юмшаттич панжалари ва очарларнинг ерга ботиш бурчаги тупроқ шароитига қараб созлансин (агрегатнинг тортишга қаршилиги ошмайди);

– ишчи органларнинг кўтарилиш баландлиги ҳамда ерга ботиш кучи грядил поводокларидаги пружина қулфи халқаларини суриш билан ростлансин (баландлик ва куч меъёрида сақланади);

– ишчи органлар завод шароитида тайёрланган ва стойкаларга пухта маҳкамланган бўлсин (ишчи органлар тезда едирилмайди, сифат таъминланади);

– пичоқлар ва панжаларнинг қирқиш қирралари ўткир, қийшаймаган ва кертисиз бўлсин (бегона ўтлар тўла нобуд бўлади, тупроқ майин чиқади);

– барча ишқаланувчи сиртлар мойлансин, культиватор бўялсин (деталлар узоққа чидайди).

Пахта сеялкалари ва культиваторлари юқоридаги талабларга жавоб берса, чигит белгиланган меъёردа сарфланади, экишда сифат таъминланади, ғўза қатор ораларидаги тупроққа майин ишлов берилади ва нимжон ниҳоллар шикастанмайди.

Ќўза ниҳолларини тўла ундириб олиш, уларнинг ривожланишини тезлаштириш ва пахта майдонларини бегона ўтлардан тозалашда ғўза қатор ораларини тўлиқ ва сифатли юмшатиш катта аҳамиятга эга. ғўза қатор ораларида майин, майдаланган тупроқ хосил қилиш, ундаги намликини узоқ сақлаб туриш ва далаларда бегона

ўтларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймаслик культивациянинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Механизаторлар ғўза қатор ораларини биринчи культивациялашга пухта тайёргарлик кўришлари ва бу тадбирни ўта зийраклик билан амалга оширишлари керак. Чунки бу пайтда ғўза ниҳоллари ва уларнинг илдишлари ниҳоятда нозик ва мўрт бўлади. Эътиборсизлик билан берилган биринчи ишлов бир қисм ниҳолларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва тадбирни сифатли ўтказиш тубандаги талабларнинг тўла-тўқис бажарилишига боғлиқдир:

далаларда ғўза ниҳоллари униб чиқиб, қаторлар яққол кўриниши билан биринчи культивацияни бошлаш (акс ҳолда агрегатни тўғри юргизиб бўлмайди);

ишчи органларни тупроққа бирмунча юза ботадиған қилиб ўрнатиш (акс ҳолда нозик ғўза илдишлари ўрнидан кўзғалади ва ниҳоллар нобуд бўлади);

биринчи культивацияда трактор тезлигини пасайтириш;

ёмғирдан кейин тупроқ бетини қатқалоқ босган ёки бегона ўтлар эндиғина униб чиқаётган бўлса, культиваторларга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: ротацион юлдузча – 8 комплект (ниҳоллардан 3-5 сантиметр узоқликда ва 3-5 см чуқурликда); пичоқлар – 8 та (4 – та чап кесувчи, 4 – та ўнг кесувчи) 6-8 см чуқурликда; стрелкасимон панжалар (ғозпанжалар) – 5 дона, 12-14 см чуқурликда;

қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культиваторга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: дисксимон юмшаткич – 8 дона (4 таси чап кесувчи, 4 таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5-7 см узоқликда ва 6-8 см чуқурликда; пичоқлар-8 дона (4 таси чап кесувчи, 4 таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9-10 см узоқликда ва 6-8 см чуқурликда; стрелкасимон панжаларни (ғозпанжалар) – 5 дона, эгатнинг ўртасига 12-14 см чуқурликда ўрнатиш.

Ќўза қатор ораларини иккинчи ва кейинги культивациялаш пахта майдонларини ҳар галги суғоришдан сўнг тупроқ тобига келган пайтда ўтказилади. Шундағина майда ва дондор тупроқ ҳосил бўлади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор,
Абдирасули ИБРАГИМОВ,
т.ф.д.,
ҚХМИТИ.

ҒАЛЛАКОРЛАР ШАШТИ БАЛАНД

Об-ҳаво серёғин келганда ғалла парваришида амалга ошириладиган долзарб агротехник тадбирлар



Кадимдан баҳор ойлари серёғин келганда дунёнинг барча мамлакатларида ғалладан мўл ҳосил олинган. Республикаимизда бу йилги кузатилаётган 15-20 кунлик тинимсиз ёққан баҳор ёмғирлари ғалланинг ривожига ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ғалла майдонларида ўсимликларнинг ўсиш ривожланиш фазаларини ва айрим кеч экилган майдонларда сийрак униб чиққан ғаллаларни ривожини яхшилаш билан бирга туплаш жараёнини тезлаштирди. Ёмғир натижасида Республикаимизда экилган ғалла майдонларидаги ҳар бир ниҳол 5-7 тагача тупланишига олиб келди.

Ушбу шароитларда бошоқли дон экинларининг парваришига жиддий эътибор бериш ва ғалланинг ҳосилдорлик потенциал имкониятидан унумли фойдаланиш лозим.

Биринчидан, ғалла майдонларига шу кунгача берилган минерал озуқа моддаларни таъсир қилувчи концентрациясини бир оз паслати ва тупроқ чуқур қатламларига ўтказди. Натижада, ғаллага берилган минерал озуқа моддалар ўсимлик тўлиқ ўзлаштириши камаяди.

Иккинчидан, ёғингарчилик ғалла майдонларида ниҳолларнинг ўсиш ва ривожланишини тезлаштирди. Натижада, ўсимликнинг туплаш ва найчалаш фазаси бир мунча тезлашди. Ғалланинг ҳозиргача берилган ўғитга нисбатан яна 150 кг қўшимча азотли ўғит беришни талаб қилади.

Учинчидан, бу йилги ёғингарчилик шароитда ўсиш ривожланиши тезлашиши натижасида ғалла экилган майдонларнинг микрофлораси ўзгаради. Натижада, сариқ занг ва бошқа замбуруғли касалликлар тушишини тезлаштиради.

Тўртинчидан, узлуксиз ёққан ёмғир ғалла майдонларида бегона ўт кўпайишига олиб келади. Натижада, ғаллага берилган минерал озуқа моддаларни бегона ўтлар ўзига олиб, ғаллага зарур бўлган минерал озуқа моддалар етишмай қолади.

Бешинчидан, серёғингарчиликда ҳашаротларнинг ғумбак ва тухумлари нобуд бўлмасдан тез ривожланади. Оқибатда, ғалла майдонларида муддатидан илгари зарарли хасва, пявица, ғалла арракаши, ғалла трипси каби ҳашаротлар ривожланиши кузатилади.

Шунинг учун бундай ҳолатларга барҳам бериш учун қуйидаги тавсиялар берилади.

Бошоқли дон экинларининг ҳолатидан ва ҳосил бериш потенциал имкониятидан фойдаланиб, учинчи ўғитлашда 300-350 кг дан азотли, 50 кг дан калийли ва имконият даражасида фосфорли ўғитлар билан қўл ва механизмлар ёрдамида тезда озиклантириш лозим.

Кунлар исиб, далага техника кириш имконияти бўлиши билан ғалла майдонларига занг касалликлари тушиши ва тушмаслигидан қатий назар, 1-ишловни 5 апрелгача Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган қуйидаги кимёвий воситалар билан ишлов бериш даркор. Цериакс плюс 14.4% к.э. 1,0 л/га, Титул Про 40% эм.к. 0,25 л/га, Альто Супер 33% эм.к. 0,3 л/га, Azote 320 SC 0,75-1,0 л/га, R-ULTRA Super 33%

к.э. 0,3 л/га, Титул Дуо к.э.к. 0,2 л/га, Топ-Кроп 40% к.э.к. 0,25-0,3 л/га, Титул Микс 40% к.э.к. 0,2 л/га, Диканазол 40% к.э. 0,2 л/га препаратлар билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ўтказиш керак. Фунгицид ишлатишда тўлиқ системали таъсир этувчи фунгицидлардан фойдаланиш керак. Ғалланинг ривожланиши тезлашгани муносабати билан фунгицид ҳамда суспензияни биргаликда қўллаш тавсия этилади.

Энг катта зарар келтирувчи бир йиллик бошоқдошлар оиласига мансуб (ёввойи сули, райгрес, тулки дум) бегона ўтларга қарши ҳаво ҳарорати +17+20°C бўлганда, ғаллазорлар АГРО-ПИК 8% эм.к. 0,3-0,4 л/га, ЭНТОПИК СУПЕР к.э. 0,15 л/га, OXIAL PRO 10% ЕС 1,0 л/га, PROPIK 24% ЕС 0,15 л/га каби гербицидлар билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериш керак.

Ғаллазорларда энг кўп тарқаладиган бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши ҳаво ҳарорати +17+20°C бўлганда, далаларга бундай бегона ўтларга қарши АЗАНСТАР 75 в.д.г. 20 гр/га ФИНИТО 750 в.д.г. 20 гр/га, Евростар 75% в.д.г. 20 гр/га, Зарстар в.д.г. 20 гр/га, Тристар в.д.г. 20 гр/га, Энтостар в.д.г. 20 гр/га ҳамда кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Винстар Плюс 75% в.р.г. 30 гр/га, Энтостар плюс в.д.г. 30 гр/га, Зарстар плюс в.д.г. 30 гр/га, Простар 75% в.д.г. 30 гр/га препаратлар билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериш тавсия этилади.

Далага бегона ўтлар ва ҳашаротларга бирга гербицид билан инсектицидни қўшиб уйғунлашган ҳолда берилиши тавсия этилади.

Имконият борица жамғарилган маҳаллий ўғитларни кейинги сувлар билан шарбат усулида суғорилиши сарғайган, нимжон майсаларнинг ўсишини тезлаштиради.

Март ойидаги ёғингарчилик 200-250 мм бўлиши тупроқнинг дала нам сифимининг 50-60 см гача пастга тушишини таъминлади. Бу апрель, май ойларида бўладиган иссиқда ҳам ғалла бошоқларининг тўлиқ шаклланиши ва донининг оғирлигини таъминлайди ҳамда бошоқларнинг тўлиқ бўлишига сабаб бўлади. Натижада, ғалладан 80-100 центнер ҳосил олишга эришилади.

Шунинг учун кластер ва фермер хўжаликлари мутасаддилари ушбу тавсияга амал қилишлари жорий йил ҳосилининг мўл бўлишига эришадилар.

Равшанбек СИДДИҚОВ,

ДДЭИТИ директори,

қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

БОҒБОН ИШЛАРИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

боғларда апрель ойида бажариладиган агротехник тадбирлар

Мамлакатимизда кейинги йиллари об-ҳаво кескин ўзгариб бормоқда. Жорий йилда январь, февраль, март ойларида ҳарорат анча кўтарилиб кунлар исий бошлади. Натижада ўрик, олхўри, шафтоли, айрим ҳудудларда гилос, эртанги олма ва нок навлари гуллай бошлаган вақтда март ойининг иккинчи ярмида ҳаво ҳарорати кескин пасайиб доимий ёғингарчилик бўлиши сабабли гуллаб турган дарахтларнинг гулларини зарарлади. Ана шу зарар етказилган боғлардан кўшимча даромад олиш мақсадида боғ қатор ораларига сабзавот, картошка экинларини экиб даромад қилиш мумкин.



Мамлакатимизда март ойида ўз боғларини қисқа муддатли совуқлардан сақлаш мақсадида омилкор боғбонлар туну кун ҳаракат қилишди. Улар гўнг, хашак ва ҳазон аралашмасини тутатиб қўйишди. Шу билан бирга боғ қатор ораларида суғориш ариқларини олиб, совуқ келиш олдида ариқлардан оз миқдорда жилдиратиб сув оқизиб қўйдилар. Бунда ҳаво ҳарорати 2-3°C кўтарилиб, баҳорги қисқа муддатли совуқлардан дарахтларнинг гул куртакларини сақлаб қолишга мувофиқ бўлишди.

Энди тезда ҳосилли боғларимизда гуллаб бўлган дарахтларда ҳосил бўлган мева довуччаларини аниқлаб чиқиб, мавжуд меваларни сақлаб қолиш ҳамда сифатини ошириш мақсадида тезлик билан боғларга минерал ўғитлар солиб, озиклантириш зарур.

Бунда минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли ўғитлардан 100-120 кг, фосфорли ўғитлардан 70-90 кг. калий ўғитидан 45 кг. ҳисобида тупроққа чуқур солиб кетидан суғориш керак.

Мамлакатимизнинг айрим вилоятларида совуқ урмаган мевали дарахтларнинг гуллари кўп бўлиб, юқори ҳосил кутилмоқда. Оладиган ҳосилмизини сифатли қилиб етиштириш мақсадида дарахтлардаги ҳосил бўлган меваларининг маълум бир қисmini камайтириш мақсадида уларда тоқалаш усули қўлланилади. Тоқалаш усули қуйидагича бажарилади: агарда мева бандида 4-5 та мева ҳосил бўлган бўлса, улар ичидан нимжон, ривожланиш даврида бир-бирига ҳалақит берадиган мевалари (довуччалари) олиб ташланади. Бунда мевалар бир-бирига тегиб турмаслиги керак. Агарда мева бандида 4-5 та мева бўлса, улардан 2 та мевани қолдириб, 2-3 таси олиб ташланади. Ушбу усулни уруғли мевалиларда (олма, нок, беҳи) ўтказиш зарур.

Бу тадбирнинг ўтказишдан мақсад агар гулдан сўнг чангланган меваларни қолдирсак, мева дарахтларида ҳаддан ташқари кўп мева бўлиб, дарахт уларнинг яхши ривожланиб, сифатли мева бўлиши учун етарли миқдорда озуқа моддаларни етказиб бера олмайди.

Боғларда тоқалаш усули тўғри ташкил қилиниб, ўз вақтида бажарилса, дарахтлардаги мевалар яхши ривожланиб, бир хил шаклда сифатли маҳсулот олишга эришилади.

Жорий йилда ҳавонинг илиқ ҳамда март ойида ёғингарчилик кўп бўлиши боис кўпгина касаллик ва зараркунандаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун дарахтлар гуллаб бўлгач, тезлик билан уларни Бордо суюқлигининг 1% лиги билан (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва шунча сўндирилмаган оҳак қўшиб) пуркаш зарур. Ушбу пуркашни 8-10 кун оралатиб, 1-2 марта қайтариш керак. Бундан ташқари чуқур таъсир этувчи фунгицидлар билан ишлаш ҳам яхши самара беради.

Бунинг учун дарахтлар гуллаб бўлгач Топсин-М (1 л/га) препаратини 0,1% қилиб сепилади. Вектра (0,3 л/га), Байлетон (0,2-0,3 л/га), Фоликур (0,25 л/га) препаратларидан ҳам фойдаланса бўлади.

Резавор мевали экинлардан қулупнайзорларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, тупроқда намлик меъёрида бўлган вақтда қулупнайзор қатор оралари культивация қилиниб, туп атрофлари қўлда юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Апрель ойининг бошидан қулупнай қийғос гуллай бошлайди. Бу даврда ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигига қараб 1-2 марта

суғорилади.

Қорағатзорлар қатор оралари 25-30 см. чуқурликда юмшатилиб, гектарига 120-150 кг. соф ҳолда азотли, 90-120 кг. соф ҳолда фосфорли ўғит солиниб суғорилади.

Туп таглари 15-20 см. чуқурликда чопилиб юмшатилади ҳамда бегона ўтлардан тозаланади. Қорағат туплари қийғос гуллаётган вақтда қорағатзор бир марта суғорилади.

Малиназорда эски, нимжон новдалар кесиб ташланиб, қатор оралари 15-20 см., туп оралари 4-5 см. чуқурликда юмшатилади. Малина новдалари узун ўсган бўлса, новданинг 150-160 см. дан юқори қисми кесиб ташланади. Малиназорга туп атрофлари юмшатиш, эрта баҳорда азотли ўғитдан соф ҳолда 50-60 кг. солиб, кетидан суғорилади. Тупроқ намлигига қараб, малиназор апрель ойида 1-2 марта суғорилади.

Иссиқхоналар ва хандакларда ўстирилаётган цитрус ўсимликларининг (лимон, апельсин, мандарин) яхши ўсиб, ривожланиши ҳамда мева беришини яхшилаш мақсадида тупроқнинг намлик даражаси 70-80% ташкил этиши лозим.

Апрель ойи бошларида ҳаво ҳарорати 18-22°C бўлганда цитрус ўсимликлари гуллай бошлайди. Бу вақтда ўсимликларни озиклантириш зарур бўлиб, ҳосилли дарахтларнинг ҳар бир түпи тагига 20-25 кг. чириган гўнг ва 80-120 г. азотли, 80-100 г. фосфорли ҳамда 40-60 г. калийли ўғитлар солиниб, туп таглари 25-30 см. чуқур юмшатилиб, сўнг суғорилади.

Юқоридаги минерал ўғитларни иккига бўлиб икки муддатда: ярми апрель ойи бошида, қолган иккинчи қисми май ойи охири июнь ойи бошларида берилади.

Цитрус ўсимликлари гуллаётган вақтда дарахтларда гулларни яхши чангланиши учун иссиқхона дарчалари очилиб қўйилади, яъни иссиқхонани шамоллатиб туриш керак.

Кейинги йиллари иссиқхоналарда цитрус ўсимликларининг гуллаш даврида гулбанди ҳашаротлар билан зарарланиши кузатилмоқда. Бунда цитрус ўсимликлари юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, шира, каналар билан зарарланади. Бу вақтда иссиқхоналарни шамоллатиш билан бирга ҳашаротларга қарши гуллашдан олдин ва гуллашидан сўнг кимёвий препаратлардан ВЭРТЕМЭКС препаратини 0,5-0,8 фоизли эритмаси 5-6 кун оралатиб 2 марта пуркалади. Бунда ўсимлиكنинг барча қисми, айниқса барглариининг пастки тарафидан ҳўллаш зарур. Қора куясимон замбуруғлар барглари ювилганда кетмайди. Барглари 1%ли Бордо суюқли эритмаси ёки 0,5% мис, хлор оксиди эритмаси билан кўшимча пуркалганда замбуруғлардан холос этилади.

Барглари вақти-вақти билан ювиб туриш ҳам фойда беради. Касаллик ва зараркунандаларга қарши иссиқхоналарда ишлов эрталаб ва кечга томон ёки булутли кунларда ўтказилади. Бошқа вақтда ишлаш мумкин эмас.

Ушбу агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилса, боғлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони яратилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,
қ.х.ф.ф.д.(PhD), катта илмий ходим,
Академик М.Мирзеев номидаги БУВаВИТИ.

САБЗАВОТЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА АПРЕЛЬ ОЙИ ЮМУШЛАРИ

Мамлакатимизда иссиқсевар сабзавотлардан помидор, ширин қалампир, аччиқ қалампир ва бақлажон кўчатларини экишнинг энг мақбул муддати апрел ойи ҳисобланиди.

Сабзавотлар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган, кўп истеъмол қилинадиган ва катта майдонларда етиштириладиган помидор, ширин қалампир, аччиқ қалампир ва бақлажоннинг фойдали жиҳатлари жуда кўп.

Помидор юқори озиқавий қийматга эга сабзавот экинларидан бири ҳисобланади. Унинг пишган меваси ниҳоятда лаззатлилиги, парҳезилиги билан ажралиб туради, таркибида турли витаминлар, минерал тузлар, органик кислоталар ва углеводлар сақлайди.



Ширин қалампир меваси витаминлар, минерал тузлар ва қуруқ моддага бой. Унинг меваси аскорбин кислота (витамин С) ҳосил қилиши жиҳатидан барча сабзавотлардан устун туради. Меваси техник етилган даврда 100 г ҳосил массаси таркибида 54-118 мг/%, тўлиқ биологик етилганда эса 368-535 мг/г аскорбин кислотаси бўлади.

Бақлажон инсон организмдаги холестеринни камайтириш, подагра, атеро-склероз, юрак-томир касалликларининг олдини олишда ва даволашда фойдаланилади. Бақлажоннинг барра мевалари мазалилиги учун озиқ-овқатга ишлатилади ва консерва саноати учун хомашё ҳисобланади.



Бундай маҳсулотлардан ҳар хил жуда яхши салатлар тайёрланади.

Ушбу иссиқсевар экинларининг кўчатларини етиштириш ишлари феврал ойидан бошланган бўлиб, апрел ойида кўчатларининг ёши 40-45 кунлик, илдиз тизими яхши ривожланган бўлади. Яхши натижалар олиш учун бақлажоннинг бўйи 18-20 см, барглари 5-7 донани ташкил этадиган кўчатларини экиш тавсия этилади. Шу билан касалликлардан ҳоли кўчатлар экиш учун танлаб олинган ҳисобланади.

Ширин қалампир, аччиқ қалампир ва бақлажон кўчатларини экиш муддатлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, кўчатлар Республиканинг жанубий вилоятларида: эртаги навлар мартнинг III ўн кунлигида, ўрта ва кечпишар навлар апрелнинг I-II ўн кунлигида; марказий вилоятларда эртапишар навларни апрелнинг I-II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарларини эса апрелнинг II ярмидан бошлаб май ойининг I ярмигача; шимолий вилоятларда эртапишар навлар апрелнинг II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг III ўн кунлигидан то майнинг I ўн кунлигигача, уруғи эса очик майдонга апрелнинг II ўн кунлигида экилади.



Кўчатларни очик майдонга экишда ҳам уларнинг ўсув ва мева пишиш даврига эътибор қаратиш лозим. Масалан, помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари кўчати у қадар нишаб бўлмаган далаalarda 70x25(30) см, текис майдонларда 90x25(30) см, узун палакли навлари 90x40 см, (140+70)x25см, ширин қалампир эса 70x30 см ёки бўлмаса 90x25 см, бақлажон 70x30(40) см ёки 90x25(30) см схемаларда экилиши тавсия этилади.

Очиқ майдонга кўчатлар экишда, албатта, тупроқ нам бўлиши лозим, кўчатларни экиш ишлари тугатилгандан сўнг, ушбу майдонлар яхшилаб суғорилади.

Томатдош экинлардан помидор тупроқ намлигига талабчан бўлиб, ўсув даври давомида сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳар галги суғоришда 500-600 м³/га ҳисобида ўртача 18-20 мартаба, сизот суви юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли майдонларда 600-800 м³/га ҳисобида бир оз камроқ 12-15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8-12 ҳосил ёппасига пишиш арафасида 5-7 кунда суғорилади. Ўсув даврида ширин қалампир ва бақлажонни помидорга нисбатан бир оз камроқ суғориш лозим.

Помидор, ширин қалампир ва бақлажонни қўшимча озиқа сифатида органик, яъни йирик шохли чорва моллари гўнги (шалтоғи) билан “шарбат” усулида озиқлантириш яхши самара беради.

Оқбош карамнинг ўртаги муддат учун маҳаллий “Тошкент-10”, “Саратони” ҳамда “Термез-2500” навлари кўчатлари жанубий минтақаларда 10-20 май, марказий минтақаларда 15 апрелдан 1 майгача ва шимолий минтақаларда 1-15 апрелда 70x35(40) см схемада экиш тавсия этилади.

Экилган кўчатлари тўлиқ тутиб олгандан 16-18 кун ўтгач, ўсимликларга комплекс ишлов берилади, бунда ўсимлик қатор оралари 15-16 см чуқурликда юмшатилади, бегона

ўтлардан тозалангач, суғорилади.

Юмшатиш билан бирга ўсимлик минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимлик 150 кг. азот, 100 кг. фосфор, 50 кг. калий билан соф ҳолда озиқлантирилади.



Бодрингнинг маҳаллий “Ранний-645”, “Ўзбекский-740”, “Зилол”, “Наврўз”, “Ифор”, “Шабнам” сингари серҳосил навлари уруғлари республиканинг жанубий минтақаларида 1-15 апрел, марказий минтақа вилоятларида 10-20 апрель, шимолий минтақаларида эса 20-30 апрелда

экиш тавсия этилиб, уруғлар 70х30 см, 90х20 см экиш схемасида, 4-5 см чуқурликка экилади.

Уруғ сарфи гектарига ўртача 4-5 кг.ни ташкил этади. Бодринг ниҳоллари уруғпалла чиқарганда биринчи, битта чинбарг даврига кирганда иккинчи марта яғналаш тадбирлари ўтказилади.



Парваришlash ишларида ўсимлик қатор ораларига махсус агрегатлар билан 15-16 см чуқурликда ишлов берилади, ўсимлик атрофи мунтазам юмшатилиб, озиклантириб борилади. Бодрингни озиклантиришда соф ҳолда 180 кг. азот, 100 кг. фосфор ва 75 кг. калий ўғити бериш тавсия этилади. Ерга асосий ишлов берилганда органик ўғитнинг ҳаммаси, фосфор ва калийнинг 75% солинади. Биринчи озиклантиришда фосфор ва калийнинг қолган 25%, азотнинг 50%, иккинчи озиклантиришда азотли ўғитнинг қолган 50% берилади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда кўкламда экилган бодринг ҳар 7-8 кунда суғориб турилади. Ҳосил тўплаш даври бошланиши биланоқ экин тез-тез, ёппасига ҳосилга кирганда эса ҳар қайси теримдан кейин, яъни камида 2-3 кун оралатиб суғорилади. Ана шундай қилинганда сизот суви чуқур участкаларда эртаги бодрингнинг ўсув даврида 16-18, юза ерларда эса камроқ, 9-11 марта сув берилади.

Тарвуз, қовун сингари полиз экинларининг сифатли уруғлари республиканинг марказий минтақасида эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10-20 апрелда, шимолий минтақаларда эртаги навларни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача экиш тавсия этилади.

Экиш учун қовуннинг маҳаллий эртапишар “Роҳат”, ўртапишар “Кўк тинни”, “Суюнчи-2”, “Олтин водий”,

“Лаззатли”, “Олтинтепа”, “Кичкинтой”, “Оби новвот”, “Гурвак”, “Бўриқалла”, кечпишар “Тўёна”, “Гурлан”, “Амударё”, “Гулоби Хоразмий”, “Зар гулоби”, “Саховат”, тарвузнинг эртапишар “Ўринбой”, “Ширин”, “Манзур”, F₁ Чиллаки, “Крисби”, “Кримстар свит” навлари тавсия этилади.

Полиз экинлари уруғини экишда қатор оралари 210-280 см.ли кенг эгат олинади. Бу полиз экинлари қатор ораларига тўрт гилдиракли тракторлар билан ишлов бериш имконини беради. Экиш шакли қовун учун (210+70):2х70, тарвуз учун (270+90):2х70 см. схемада уруғлар 3-6 см чуқурликка экилади. Бунда уруғ сарфи гектарига майда уруғли қовун ва тарвузларда 4 кг.ни, йирик уруғли тарвузларда 5-6 кг. уруғни ташкил этади.



Бамия - бу ноанъанавий экин бўлиб, йилдан-йилга Республикаимизда оммалашаётган сабзавотлардан биридир. Бамиядан озиқавий, иқтисодий ва саноатда фойдаланиш усуллари мавжуд.

Истеъмол қилинадиган бамия мевалари таркибида углевод, оқсил, мой, темир, кальций, тола, тиамин, никотинамид, рибофлавин ва аскорбин кислотаси мавжуд. 100 г. бамиянинг пишган уруғи таркибида 20% гача ёғ ва 20-23% хом борлизин микдори юқори бўлган протеин ҳамда С витамини мавжуд. Бамияни нафақат сабзавот экини сифатида, балки қуритилган уруғлари сабзавотли творог тайёрлаш учун ишлатилиши мумкин ёки қовурилган ва майдаланган уруғларини қаҳва ўрнини босувчи восита сифатида ишлатиш мумкин.

Бамиянинг техник етилган меваларини қайнатиб, қовуриб, дудлаб, бошқа сабзавотлар билан пишириб ёки ўзини ҳам истеъмол қилса бўлади. Бундан ташқари, бамиядан турли хилдаги консервалар тайёрласа бўлади. Бамия жуда ҳам фойдали сабзавот бўлиб, меваси таркибида шифобахш витамин

ва минераллар мавжуд.

Бамия сабзавоти учун беда, кўкат ва дуккакли сабзавотлар, пиёз, саримсоқ, полиз экинлари, бодринг ва карам яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Бамия уруғлари қулай шароитда ўзининг унувчанлигини 4-5 йил давомида сақлайди. Бундай уруғларнинг унувчанлиги 85-95 фоизни ташкил этади.

Кўчатидан етиштириш учун бир гектар ерга бамиянинг уруғларидан 2-3 кг. киёфоя қилади. Уруғлар экишолди сувда ёки 0,01-0,05 фоизли ўстирувчи стимуляторлар, микроэлементлар эритмасида 10-12 соат давомида ивителиди, сўнгра ТМТД ёки бошқа шунга ўхшаш фунгицидлар билан ишлов берилади (100 грамм уруғга 30-40 грамм). Бамия кўчатларини экиш учун кассеталар ва озиқали аралашмалар (40% чириган маҳаллий ўғит+40% шולי тўпони+20% эланган соз тупроқ) тайёрланади.

Уруғлар кўчатхоналарга март ойи бошида 0,5-1,0 см чуқурликда экилади. Майсалар униб чиқиши учун ҳарорат 20-25°C, кўқаргач 10-15°C бўлиши зарур. Ўсув даврида озиклантириш, суғориш, бегона ўтлардан тозаланиши керак.

Бамиянинг 45-50 кунлик 3-4 чинбарг чиқарган ниҳоллари апрель ойида далага ўтказиш учун тайёр бўлади. Кўчатларни 25-30 апрелда, 70×40 см схемада экиш тавсия этилади.



Бамияга бизнинг шароитимизда органик ва минерал ўғитлар бирга солинганда яна самарали бўлади. Бунда кузги шудгорлашдан олдин 20-30 тонна гўнг, 150-200 кг. калий хлор, 230-250 кг. аммофос солинади. Бўз тупроқларда гектарига азот 120-200 кг, фосфор 140-150 кг, калий 90-100 кг, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда азот 140-150 кг, фосфор 140-150 кг, калий 100 кг ҳисобида берилади.

Рустам НИЗОМОВ,

қ.х.ф.д.,

Фахриддин РАСУЛОВ,

қ.х.ф.ф.д.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

СОҒЛОМ ЧОРВАДА БАРАКА БОР

ёки гельминтозларга қарши курашнинг долзарб муаммолари хусусида



Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда чорва молларининг асосий гельминтозларига қарши ветеринария фани ва мутахассислари томонидан асосий чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган, бозустига юқори самарали, қўлланилиши қулай антгельминт дори-дармонлар, уларни қўллашнинг замонавий услублари ишлаб чиқилган ва матбуотда кенг ёритилган, жумладан “Veterinariya meditsinasi” журналнинг 2021 йил 5-сонида асосий гельминтозларга қарши замонавий услуб-воситалар мажмуаси акс эттирилган.

Жумладан, чорва моллари – қорамол, қўй-эчки ва бошқа маҳсулдор молларнинг асосий, бизнинг республикамиздагина эмас, дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган гельминтозлар – фасциолёз, шистосомоз ва парамфистоматозларга қарши тадбир, яъни бу касалликларни тарқатувчилари бўлмиш чучук сув моллюскаларга қарши кураш ҳозирги давр, шу кеча-кундузнинг долзарб ва энг муҳим чора-тадбирларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, оддий тил билан айтганда, бу жонзотлар, яъни чучук сув моллюскалари ҳавонинг исиши билан “уйғониб”, сув ҳавзалари, ариқ-завурларда кўпайиб юқорида қайд этилган гельминтозлар кўзғатувчиларини тарқата бошлайди. Бу жараён республикамиз иқлими шароитида апрел ойининг охири май ойидан бошланиб куз – октябрь-ноябргача давом этади ва бу даврда моллюскалар гельминтозларнинг кўзғатувчиларини тарқатиб, молларнинг зарарланиши ва оғир касал бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун баҳор ва ёз ойлари, яъни май ойидан бошлаб кузгача хўжаликлар ҳудудида малакологик текширишлар олиб бориб моллюскалар бор-йўқлигини аниқлаш ва уларни йўқотиш чораларини амалга ошириш талаб қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, моллюскаларга қарши курашда бизнинг республикамизда охириги йилларда маҳаллий, ўзимизда мавжуд ва қўлланилиши қулай бўлган моллюскоцид воситалар яратилган. Жумладан, минерал ўғитлар – аммоний сульфат ёки калий хлоридларнинг 0,1-0,2 фоизли эритмалари моллюскаларни 24-48 соатда йўқ қилиши ва улар яшаб кўпаядиган сув манбаларининг зарарсизлантириши аниқланган ва бу воситаларни ветеринария амалиётига татбиқ этилган, яъни тегишли “Қўлланма”лар ишлаб чиқилиб Республика ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган ва амалиётда кенг-қўламда қўллаш учун тавсия этилган. Бу воситалар ўзимизнинг республика кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқилади ва ҳар бир фермер-деҳқон ёки бошқа турдаги хўжаликлар учун топиладиган восита ҳисобланади.

Бу воситалардан ташқари яна бир қатор воситалар, жумладан калий перманганат, яъни марганцовканинг 1:400000 нисбатдаги концентрацияси, перекис водород (H_2O_2)нинг 1:40000 нисбатдаги концентрацияси, яъни сувдаги эритмалари, моллюскаларни 24-72 соат давомида тамоман йўқ

Маълумки, чорва моллари касалликлари орасида гельминтоз (гижжа касаллик)лар алоҳида эътиборни талаб қилади. Чунки гельминтозлар кўп ҳолларда кескин кўзга ташланадиган белгиларсиз кечади, аммо ҳайвон организмнинг иммунобиологик хусусиятлари ва маҳсулдорлигининг жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам чорва моллари орасида “мол чиқими”га ва уларнинг маҳсулдорлигига кескин камайишига йўл қўймаслик учун бу касалликларга қарши махсус даволаш-профилактика чора-тадбирларни амалга оширабориш чорвадорлар ва мутахассисларнинг диққат эътиборда бўлиши ва бу тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ҳамда сифатли амалга ошириш лозим.

қилиши аниқланган. Ҳатто, кундалик ҳаётимизда керакли воситалар – ош тузи ($NaCl$)нинг 0,4-0,5% концентрацияси, чой содаси (натрий бикарбонат- $NaHCO_3$)нинг 0,3 фоизли эритмаси ҳам қониқарли моллюскоцид хусусиятга эга эканлиги аниқланган. Бу воситаларни қўллаш, албатта, хавфли гельминтозлар – фасциолёз, шистосомоз (ориентобильгарциоз) ва парамфистоматозларнинг олдини олишда ижобий натижа беради.

Яна бир гуруҳ гельминтозлар – ошқозон-ичак нематодозлари, диктикаулёз ва аноплоцефалитозлар (ичак цестодозлари) – мониезиз, тизаниезиз ва авителлиоз каби хавфли гельминтозларга қарши, аниқроғи бу касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбир, бу ҳам бўлса кимёвий профилактика воситаларидан фойдаланишга асосланган чора-тадбирлардир. Бу йўналишда ўтган асрнинг 50-60 йилларида гельминтозларига қарши кимёвий профилактика воситаси – фенотиазинли туз аралашмалар ишлаб чиқилиб кенг-қўламда амалиётга татбиқ этилган ва бу тадбир ўзининг ижобий натижасини берган эди. Аммо, собиқ Совет Иттифоқи тугатилгандан кейин бу воситани қўллаш имконияти йўқ бўлди ва бизнинг чорвадорларимиз бу воситани қўллаш имко-

ниятидан маҳрум бўлдилар. Бу ҳолатни эътиборга олиб биз янги, ҳозирги замон антигельминт воситаларга асосланган гельминтозларнинг олдини олишга ва моллар маҳсулдорлигини оширишга мўлжалланган кимёвий профилактика воситалар ва уларни қўллаш услубларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бордик.

Ушбу тадқиқотлар натижасида ҳозирги даврда кенг қўлланиладиган, “машҳур” антигельминт препаратлар – албендазол (албен, албенол, валбазен ва бошқ.), фенбендазол (панакур, фенкур ва бошқ.) нилверм (тетрамизол, левомизол ва бошқ.) асосида янги антигельминтли туз аралашмалар яратилди. Булар: албендазол, мис купороси ва туз (ош тузи)дан иборат 0,02:1:98,98 нисбатдаги аралашма, албендазол, мис купороси, бентонит (гилмоя) ва туздан иборат 0,02:1:49:49,98 нисбатдаги аралашма ҳамда бу аралашманинг турли микроэлементлар билан (Mg, Mn, Zn, Co, I) бойитилган аралашмалар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этишга қарор қилинди. Албатта, ушбу турли таркибли антигельминтли-туз аралашмаларни қўллашдан олдин ҳар бир ҳудуд ер (тупроғи)нинг кимёвий таркибини аниқлаш, унда “дефицит”, яъни етишмайдиган микро-макроэлементларни аниқлаш ва шу маълумотлар асосида антигельминт-туз аралашмалар таркибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, қўйчилик, жумладан, қоракўлчилик хўжаликларда антигельминт-туз аралашмаларни мунтазам тарзда қўллаш бу хўжаликларни гельминтозлардан соғломлаштириш билан бир қаторда етиштириладиган маҳсулот сифат

кўрсаткичларига ва миқдорига ижобий таъсир қилади. Қорамолчилик хўжаликларига гельминтозлар “хуруж олиб кетиши”нинг олдини олиш учун антигельминтли туз яламалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбирни амалга ошириш учун юқорида келтирилган антигельминтли-бентонитли туз аралашмаларни ўз ҳолида



эмас, балки улардан махсус қолипларда яламалар тайёрлаб қорамолларга эркин ялатиш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбир ҳам гельминтларга қарши ижобий натижа бериш билан бир қаторда, молларнинг маҳсулдорлигини оширади ва касалликларга чидамлилигини мустаҳкамлайди.

Худди шу йўналишда паррандачилик хўжаликларда турли биологик рағбатлантирувчи воситалар – госсипрен, микроэлементлар (Co, I, Zn,

Mn, Mg) йиғиндиси қўшилган озуқавий аралашмалардан фойдаланиш ижобий натижа бериши билан бу тадбир парранда гельминтозларининг олдини олиши аниқланди, яъни госсипрен ва микроэлементлар йиғиндиси қўшилган озуқа берилган товуқларнинг тухум маҳсулдорлиги 35-51 фоизгача ошиши, жўжаларнинг “тухумга кириш” муддати

10-15 кунга қисқариши, олинган ҳар бир тухум оғирлиги 4-5 фоизга ошиши ва паррандаларнинг турли гельминтлар (аскаридия, гетеракис, капиллярия) билан зарарланганлиги кескин (5-10 баравар) камайиши аниқланди.

Гельминтозларнинг олдини олиш, улар етказадиган иқтисодий зарарни минималлаштириш, энг асосий омил гельминтозлар туфайли юзага келадиган мол чиқимига йўл қўймаслик учун бу касалликларга қарши даволаш-профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида, тўла ҳажмда ва сифатли амалга ошириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Асосий гельминтозларга қарши даволаш-профилактик дегельминтизация асосан йилнинг икки мавсумида, яъни баҳор ва куз ойларида амалга оширилиши лозим.

Анвар ОРИПОВ,

ветеринария фанлари доктори,
профессор,

Шухрат ДЖАББОРОВ

ветеринария фанлари доктори,
профессор,


Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,

ветеринария фанлари доктори,
катта илмий ходим,

Ветеринария илмий-тадқиқот
институтини.



СУВ ХЎЖАЛИГИ АХБОРОТ-БОШҚАРУВ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ



Фойдаланилаётган жами сув ресурсларининг 20 фоизи мамлакат ичкарисиди, 80 фоизи эса қўшни Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида шаклланидиган Ўзбекистон учун сувнинг ҳисобини аниқ юритиш ниҳоятда муҳим ва зарур. Бунда жаҳоннинг илғор тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларига доир маълумотларни тезкор олиш, тўплаш ва таҳлил қилиш бўйича дастурий таъминотларни яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва соҳага замонавий бошқарув усулларини татбиқ этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Стратегиясида сув ресурслари ҳисобини юритишни такомиллаштириш, сув хўжалиги ахборот-бошқарув миллий тизими ва сув ресурслари бўйича шаффоф ахборот тизими, жумладан, сув хўжалиги бўйича барча дастурий таъминотлар интеграция қилинган ҳолда вазиятлар марказининг ахборот тизимини яратиш бўйича вазифалар белгиланган.

Бунда Сув хўжалиги ахборот-бошқарув миллий тизими (СХАБМТ) барча сув ресурсларининг интеграциялашган ҳолда ҳисоб-китобини юритиш, мониторингини олиб бориш ҳамда назорат қилиш, сув ресурсларини прогнозлаш, улардан фойдаланишда идоралараро ахборот алмашиш, шунингдек, ер усти, ер ости ва қайтар сувлар сифати ва миқдорига оид маълумотларни ўзида жамлаган барча сув ресурсларининг умумлашган маълумотлар базасини яратиш имконини беради.

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, II босқич” доирасида бу борада Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Жумладан, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги СХАБМТ концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу мақсадда Сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш (СРИБ)га алоқадор барча ташкилотларнинг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)га бўлган эҳтиёжини баҳолаш,

СХАБМТ концепциясининг муҳим жиҳатларининг ҳукумат томонидан қабул қилинган СРИБ тузилмасига киритилишини таъминлаш бўйича ташаббусларни илгари сурган эди.

СРИБга алоқадор барча ташкилотларнинг вакилларида иборат ишчи гуруҳи тузилиб, унинг фаолияти йўлга қўйилди. СХАБМТ концепцияси лойиҳаси ҳам яратилиб, унинг асосий жиҳатларини Сув стратегияси-2030 га киритиш назарда тутилган. Шу билан биргаликда, СХАБМТ салоҳиятини ошириш дастури ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш ишлари бошланган.

Айтиш керакки, СХАБМТ босқичма-босқич яратилади. Яъни, АТРМ Билимлар базаси портали, ТОМСНІ реестри, Сувдан фойдаланиш режаси, “Ақлли сув” ва шу каби тизимлар тўла ишга туширилиб, бошқа вазирликларнинг ҳам тегишли тизимлари билан ўзаро интеграция қилиниши натижасида юзага келади.

Бу тизим миллий электрон ҳукумат мақсадлари доирасида технология ютуқларидан фойдаланиб сув секторидagi иш жараёнини рақамлаштириш, сув ресурслари бўйича маълумотлар тақдим этувчи ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, сув ресурсларига оид маълумотларни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш, сув ресурсларига оид маълумотлар стандартларини қабул қилиш ва ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, ақлли суғориш тизимлари имкониятларини кенгайтириш, замонавий АКТ жорий этилишини кенгайтиришга хизмат қилади.

М.МУҲАМЕДОВА.

ҚУЙИ БЎҒИНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Глобал иқлим ўзгариши натижасида кейинги йилларда минтақамизда кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида республикамизда сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда сув муносабатларини янада такомиллаштириш, шунингдек, сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш юзасидан кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилаяпти. Шунга қарамадан, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш, сув танқислиги шароитида истеъмолчилар ўртасида сув тақсимлаш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда сувдан фойдаланиш самараси пастлигича қолаётган эди.



Шундан келиб чиқиб, сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида 2022 йил 1 март куни мамлакатимиз Президентининг “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

кластерларни ўз ҳудудида сувни бошқариш ва тақсимлаш ишларига жалб қилиш;

сув истеъмолчиларини сув билан таъминлашга давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш;

сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш ва бошқалар.

Туманлар ичидаги (қуйи бўғин) сув хўжалиги объектларини бошқариш ҳамда сув ресурсларини тақсимлашда қуйидаги тартиб ўрнатилади:

кластерлар ўз балансига олган ер майдонларидаги сув хўжалиги объектларини ўзлари бошқаради;

57 та мева-сабзавотчилик ҳамда шолчиликка ихтисослашган туманларнинг 1 млн. гектарга яқин майдонга хизмат қиладиган сув хўжалиги объектлари бошқарувига хусусий сектор жалб қилинади;

қолган 2,7 млн. гектарга яқин майдонда фаолият кўрсатаётган сув истеъмолчилари туман ирригация бўлимлари билан сув етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузади.

Бунда, туман ирригация бўлимлари қошида юридик шахс мақомига эга бўлмаган хўжалик ҳисобидаги махсус

хизмат ташкил этилади.

Мазкур бўлиниш орқали жами 1,5 млн. гектар ёки суғориладиган ерларнинг 37 фоизидида сув хўжалиги объектларини бошқаришда давлат органларининг фақат назорат қилиш билан боғлиқ функциялари қолади, бунда хусусий секторнинг бошқарувига 11,1 минг км. канал, 10,5 минг км. коллекторлар, 580 та насос станцияси, 1 648 та суғориш қудуқлари ҳамда бошқа объектлар берилади.

Қуйи бўғиндаги сув хўжалиги объектлари:

битта сув истеъмолчисига хизмат кўрсатадиган бўлса – ушбу истеъмолчи балансига;

икки ва ундан ортиқ сув истеъмолчисига хизмат кўрсатадиган бўлса – хизмат кўрсатувчи ташкилот, яъни хусусий корхона ёки туман ирригация бўлими балансига ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан сув хўжалиги ташкилотлари томонидан сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тасдиқланади. Бунда сув етказиб бериш ва кўрсатилган сув хизматлари учун тўловлар миқдорини ҳисоблаш, уларни ундириш ҳамда тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби белгилаб берилади.

Қарорда Сув хўжалиги вазирлигига тегишли сув хўжалиги объектларини тендер ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш орқали давлат шеригининг қарорига мувофиқ битим тузишга рухсат этилиши белгиланди.

Ушбу қарор сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув хўжалигининг қуйи органлари фаолиятини такомиллаштириш, сув хўжалигига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни камайтириш ва соҳага хусусий сектор маблағларини жалб этишни рағбатлантириш ҳамда сув истеъмолчиларига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга хизмат қиладиган.

Зокир ИШПУЛАТОВ,

Сув хўжалиги вазирлиги Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.



Президентимиз Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) тамойилини жорий этиш борасида тегишли вазифалар белгилаб берилган.

Мухбиримиз бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида маълумот олиш учун Жиззах вилояти сув ҳўжалиги соҳасида давлат хусусий-шерикликни ривожлантириш ва ишлаб чиқиш бўйича ташкил қилинган ишчи гуруҳ раҳбари Арслон Мустақовга мурожаат қилди.

ЯНГИ ТАМОЙИЛ – ДАВР ТАЛАБИ

– Ўтган 2021 йилда Президентимиз Фармони ва ҳукумат қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида 4 та лойиҳа жорий этилиб, уларга асосан 10 та насос станцияси (НС) хусусий шерикларга топширилди. Арнасой тумани ҳудудидаги ДХШ га ўтган 4 та НСнинг умумий қиймати 216 миллиард сўмни ташкил этади. Ушбу иншоотларни 10 йил муддатга ижарага олган тадбиркорлик субъекти - “Ғаллаорол хусусий қурилиш таъмирлаш корхонаси” МЧЖ дастлабки 3 йил давомида 15 ярим миллиард сўм инвестиция киритишни зиммасига олди.

Бундан ташқари Зомин ва Зарбдор туманларидаги 6 та НС ҳамда Янгиобод туманидаги 22 дона суғориш қудуқлари ҳам (умумий қиймати 30 миллиард сўмга яқин) хусусий шерикларга топширилди. Ушбу иншоотларни ижарага олганлар ҳам иншоотлар умумий қийматининг 15 фоизи миқдорида инвестиция киритади. Бу эса, давлатнинг ана шу суммаларга тенг миқдордаги маблағи иқтисод қилинади, деган гапдир.

– Сув ҳўжалиги объектларини ижарага олган тадбиркорлар қандай ва қайси манбалардан фойда олади?

– Шартнома тузилишидан олдин хусусий шерикнинг молиявий, моддий, техник ва бошқа имкониятлари ўрганилади. Зеро, салоҳиятли субъект электр энергияси, иш ҳақи, транспорт, ЁММ ва бошқа мақсадлар учун давлат томонидан ажратиладиган маблағни тежашга интилади. Масалан, тадбиркор дастлабки йилда электр энергиясининг 5, иккинчи йили 10 ва учинчи йилда 15 фоизини иқтисод қилишни зиммасига олади. Техника воситалари, ЁММ, ишчи кучидан оқилона фойдаланишга интилади. Охир оқибатда тежалган маблағ тўғридан-тўғри тадбиркорнинг ҳисоб-рақамига келиб тушади.

– Хусусий шерик фойда ортидан қувиб, ўз зиммасидаги вазифаларни қўл учиди, аниқроқ айтганда, сифатсиз бажармайдими?

– Биз ирригация объектларни 2021 йилнинг сўнгги чорагида шартнома билан хусусий шерикларга топширдик. Ушбу битим ва унинг талаблари сўзсиз бажарилиши Сирдарё-Зарафшон ИТХБ, унинг ҳузуридаги насос станциялари бошқармаси ва Молия вазирлиги қошидаги Давлат хусусий шериклик агентлиги томонидан мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Ортда қолган қисқа муддат ичида ҳар бир лойиҳа доирасида 3 марта ўрганиш амалга оширилди. Жараён давомида бирон марта қонун ёки шартнома талабларининг бузилиши қайд этилмади. Аксинча, ДХШ тамойилининг афзаллиги яққол кўзга ташланди. Уч-тўрт ой ичида хусусий шериклар 1 миллиард сўмдан ортиқ фойда кўрди. Арнасойдаги “Оқтош” НС олинган даромад ҳисобига тўлиқ реконструкция қилинди.

– Бу борадаги ишлар 2022 йилда ҳам давом этадими?

– Сув ҳўжалиги вазирлиги топшириғига биноан жорий йилда ҳам 4 та лойиҳани амалга оширишимиз лозим. Электр энергиясини тежаш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Шароф Рашидов тумани ҳудудидаги барча НС ва суғориш қудуқлари, Бахмал туманидаги 3 та НС хусусий шерикларга топширилади. Сирдарёдан сув олувчи Марказий чап тармоқ каналини ҳам янги тизимга ўтказиш режалаштирилмоқда.

Арнасой, Мирзачўл ва Дўстлик туманлари ҳудудларидаги зовурларни тозалаш ишига ҳам тадбиркорлар жалб қилинади. Ихтиёрида 20-30 та экскаватор, бульдозер, дренаж ювиш ва юк ташиш машиналари бўлган тадбиркорлар бор. Улар давлат маблағининг 15-20 фоизини иқтисод қилишга интилиб, мелиоратив тадбирларни амалга оширишни зиммаларига олишмоқда.

Сўрашда: ДХШга ўтган “Арнасой-3” НС фаолиятидан лавҳалар.

Сухбатдош ўз мухбиримиз Худойберди КАРИМОВ.



БИР АСРЛИК ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Ғаллаорол туманининг Қизилқўрғон қишлоғида фарзандлари, невара-чеваралари қуршовида умргузаронлик қилиб келаётган Отабой бобо Омонов Иккинчи жаҳон уруши фахрийси. Жорий йил узоқ ва мазмунли умрининг 100-баҳорини қаршилаган ота қирғинбарот уруш майдонларидан соғ-саломат қайтгандан кейин узоқ йиллар ҳудуднинг аграр соҳаси, айнан сув хўжалигида меҳнат қилди.



— 1942 йилда фронтга отландим, дея хотирлайди Отабой бобо. — Дастлаб собиқ Иттифоқнинг Кубань деб аталган ҳудудини немис-фашистлардан тозалашда иштирок этдим. Кейин Украина, Польша, шарқий Пруссиядаги аёвсиз жангларга ўз кўзим билан гувоҳ бўлдим.

1945 йилнинг 9 май куни Берлин марказидаги Рейхстаг биносига ғалаба байроғи қадалди. Бутун дунё қарийб тўрт йил давом этган даҳшатли урушнинг ғалаба билан якунланганини тантана қилди. Аммо лавҳамиз қаҳрамони учун ҳарбий хизмат ҳали тугамаган эди.

Отабой Омонов яна тўрт йил, то 1949 йилгача армия сафида бўлди. Украина ўрмонзорларида дайдиб юрган, мағлубиятни тан олмай, аҳолининг тинч ҳаётига раҳна солаётган қора кучларни бартараф қилишда иштирок этди.

Етти йиллик ҳарбий хизматни ўтаб қайтган О.Омонов Ўзбекистонга, она қишлоғига келибоқ, бунёдкорлик ишларига шўнғиб кетди. Меҳнатсеварлиги, жамоадошларига қўлдошлиги билан обрў-эътибор қозонди. Ойзодаҳон отли исми жисмига монанд қизга уйланиб, бахтли, тинч-тотув турмуш кечири бошлади. Аҳил оила, йирик сулола асосчисига айланди.

Ғаллаорол ҳудуди бўйича ҳам, аҳоли нуфуси бўйича ҳам юртимизнинг йирик туманларидан бири саналади. Мамлакатимиз ҳудудидаги энг кўҳна, ривоятларга кўра, барпо этилганига икки минг йил бўлган. Абдуллаҳон даврида қайта тикланган ирригация иншооти — Туятортар ариғи айнан шу туман экинзорларини оралаб оқади.

— Отабой бобонинг меҳнат фаолияти айнан ана шу сув иншооти, яна ҳам аниғи, туманнинг сув

хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ, — дейди Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Музаффар Турдибоев. — Бу инсон оз эмас, кўп эмас, 36 йил шу соҳада меҳнат қилди. Мироб, гидротехник сифатида туман маришкорларининг ҳосили мўл бўлишига ҳисса қўшди.

— Азалдан нафақат Жиззах вилояти, балки бошқа кўшни ҳудудлар бозорларида ҳам ғаллаороллик соҳибкорлар етиштирган мева-сабзавот харидоргир бўлиб келган, — дейди Отабой бобо. — Биз зиммамизга ана шу ноз-неъматлар етиштирилаётган майдонларнинг оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжини қондиришдек масъулиятли вазифа юкланганини

англаган ҳолда ишлашга ҳаракат қилганмиз. Меҳнатимиз самарасини кўрганда эса, чин дилдан хурсанд бўлганмиз. Бир гал Самарқандга йўлим тушганда, бозордаги сотувчининг “Келиб қолинг, манави олма-узум Ғаллаоролники, сабзи-пиёз ҳам шу тарафдан, сифатига гап йўқ!” деган чорловини эшитганимда хурсанд бўлиб кетдим, ана

шу эътирофларда камтарона улушим

борлигидан гурурландим...

Отабой бобо Омонов 8 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Бугун яна 100 нафарга яқин невара-чевара, ҳатто, эваралар тарбиясига ҳам бош-қош.

Яқинда бир асрлик тўйини нишонлаган отахоннинг хонадонига Ғаллаорол тумани ҳокими Жамолиддин Оқбоев бошчилигида бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришди. Бир пиёла чой устида самимий суҳбат қурилди. Отабой бобо дориломон кунларнинг қадрига етиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Элу юртга тинчлик, халқимиз ҳаётига равнақ тилаб, дуо қилди.

Ўз мухбиримиз.



Меҳнат инсонни улуғлайди. У ўзининг миннатсиз меҳнати туфайли элга танилади, эъзозли бўлади. Учқўрғон туманидаги “Иминжон, Муҳаррам, Бону” фермер хўжалиги раҳбари Азизахон Раҳимова ана шундай инсонлардан. Яқинда Президентимиз томонидан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланиши унинг кўп йиллик заҳматли меҳнати эътирофидир. Биз Азиза опа билан унинг ҳаёт йўллари ҳақида суҳбатлашдик.

МЕҲНАТИМ – БАХТИМ

— Мен туманимизнинг Шаҳрихончек қишлоғида оддий оилада таваллуд топганман. 1978 йилда туманимиздаги режа-иқтисод техникумини имтиёзли диплом билан тамомлаганман. Бундан 15 йил муқаддам давлатдан қарз ботқоғига ботган ширкат хўжаликларининг экин майдонларига юкланган қарзи билан 46,6 га ерда хўжалигимиз фаолият бошлади.

Албатта, ўша даврларда маҳаллий ва кимёвий ўғитларнинг етишмаслиги, ернинг эгасизлиги экин майдонларига жиддий зарар етказган эди.

У пайтлари фақат пахта экар эдик. Ер бир хил экин экилаверганидан ҳолдан тойган, майдонлар четиға экилган тут дарахтлари кесиб кетилган, қишлоқ хўжалик техникалари етишмас-

ди. Хўжайиним Ёқубжон Раҳимов ширкат хўжалигида тракторчилик қиларди. Хўжалик раҳбарларидан рухсат олсаккина ўзимизнинг ерларимизда ишларди. 17 нафар доимий ишчиларимиз билан экин майдонларимизни маҳаллий ўғит билан босқичма босқич озиклантира бошладик. Ёввойи ўт-ўланлардан тозалаб, сифатли ишлов бериш тизимини жорий қилдик. Экин майдонлари четларига тут кўчатларини экиб, аввалги ҳолиға қайтардик. Натижада 2008 йилдан ҳар гектар экин майдонидан 33 центнердан ҳосил ола бошладик.

— Ер ҳам суйганни суяди, дейишади. Деҳқончиликда ерга муҳаббат кўп нарсани ҳал қилади...

— Гапингиз тўғри. Қийналиб қилинган меҳнатнинг меваси ширин бўлади. Мана, йиллар ортидан йиллар ўтди. Ҳозирда бизнинг экин майдонларимиз туманимизнинг олди ҳосилдор майдонларига айланган. Экин майдонларимиз ҳам кенгайиб 81,2 гектарга етди. Доимий ишчиларимиз сони ҳам ортиб 41 нафарни ташкил қилади. Ўтган 2021 йил ғалла майдонларини ҳар гектаридан 68 центнердан, пахта майдонларидан эса 41 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдик. Жорий йил 31 гектар экин майдонига ғалланинг маҳаллий “Бобур” навини экиб парваришляпмиз. Ривожига кўз тегмасин, кўнгилдагидай. 45 гектар майдонни пахта экиш учун тайёр ҳолатга келтирдик. Насиб қилса, Андижон-35 навини экишни режалаштиряпмиз. Меҳнат фароғат келтиради — деб бежиз айтишмаган. Шу меҳнатнинг ортидан эл ичида обрў топдик. Хўжайиним

билан беш нафар фарзандларимизни вояга етказиб, олий маълумотли, уйли-жойли қилдик.

— Иш бор жойда камчиликлар, муаммолар ҳам бўлади. Ҳозирги замон фермерларини қандай муаммолар қийнапти?

— Камчилик ва муаммолар ҳамма вақт бўлган. Уларни енгиб ўтиш ҳар бир меҳнаткашнинг омилкорлигига боғлиқ. Туманимизда кластерларнинг ташкил қилингани яхши бўлди. Фосфорли, калийли ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари муаммолари бартараф этилди. Лекин, уларнинг нархи фермерларни бир оз чақиб қўйяпти. Натижада сотилган маҳсулотларимизнинг талайгина қисми уларнинг нархини қоплаш учун кетмоқда. Хўжаликларнинг соф даромадининг камайишига олиб келяпти. Шу борада туман ва вилоят Фермерлар кенгашлари раҳбарлари ва юристлари иш олиб боришса яхши бўлар эди.

— Туман фермерлари сизни ҳазиллашиб “Яхшигина шоира опа”, — дейишди...

— Ҳа, ишдан чарчаган пайтларим баъзан шеърлар машқ қилиб тураман. Бу ҳам яхши хордиқ чиқаришни бир турида.

Азиза опа билан ишларга омад, ижодий илҳомлар тилаб хайрлашдик. Келгусида орденли миришкор опанинг ижод намуналаридан журналхонларни ҳам баҳраманд этишни кўнгилга тугиб қўйдик.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

ОРЗУЛАР РЎЎБИ

Муҳаббат эндигина 19 ёшга тўлган кезлар эди. Бир ой тинимсиз, кеча-кундуз ишлаган пиллакор ойлик ололмас, энг кўп пилла етиштирганга бир кийимлик адрас ёки атлас бериларди.

Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани “Азад” ҚФЙда туғилиб ўсган Муҳаббат раҳматли отаси Шермон Аннамуротовнинг тавсияси билан пиллачилик касбини танлади. Тумanning таниқли ҳосилоти қизининг пиллакор бўлишини истади. Муҳаббат шу куйи 1992 йилда Тошкент давлат аграр университетининг “Ипакчилик” факультетида ўқиб, сиртқи бўлимини тугатди. Анча йиллар пилла ҳосилоти бўлиб ишлади. Тенгдошларининг ойлик маош олиб ишлаётгани, ўзининг эса энг қолоқ соҳани танлагани, қийинчиликлари ҳақида ўқиниб, отасига: “Нега мени бу соҳада ўқитдингиз, отажон?” деган эди. Бу сўз унинг юрагини оғритиб, дилидан узилиб чиққан эди ўшанда.

— Қизим, ҳали шундай замонлар келадики, бу ишга эътибор қаратилади, сен ўзинг одамларнинг эҳтиёжини ўйлайсан, кўлинг пул кўради. Ҳамма сени излайди, ҳурматинг баланд бўлади, сабр қил, болам, — деган эди Шермон ота ўшанда.

У сабр қилди. 1986 йилдан 2012 йилгача Беруний туманида пилла ҳосилоти, пилла бригадаси бошлиғи вазифаларида ишлади. Беруний туман агропилла корхонаси раҳбари бўлганига ҳам 10 йилдан ошди.

2018 йилда “Ўзбекипаксаноати” ташкил қилиниши билан улкан ўзгаришларга йўл очилди. Янги қарор ва фармонлар ижроси соҳага татбиқ этилди. Пилла боқувчи бир ой ишласа, бир йиллик иш стажига эга бўла бошлади, пилланинг таннархи ошиб, пиллакор оилалар даромад кўпайди. Тутзорлар кенгайтирилиб, касаначи пиллачиларга бўлиб бе-

рилди. Энди Муҳаббат бахтли, оилада ҳам, туманда ҳам эъзозли аёллар сафида, чехрасида ишга чанқоқлик, фидойилик барқ урар, ахир, отаси айтган ўша орзусидаги давр келган эди.

У 2020 йилда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўрак нишони билан, куни кеча эса хотин-қизлар байрами арафасида мамлакатимиз Президенти томонидан 38 йиллик самарали меҳнати учун Муҳаббат опа “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

72 ёшли Олтиной момо қизига берилган юсак мукофот ҳақида ҳаммадан олдин эшитди ва табрикланди. Беруний тумани ҳокими Атабек Сапарбаев ва бошқа яқинлари, дўстлари самимий тилаклар билдирдилар. Севинч сурури ва турли ўй-хаёллар билан самолёт трапидан тушар экан, яқинлари, дўстлари, катта ўғли — банк ходими Охун Аметов, кичик ўғли — “Болалар ва ўсмирлар мактаби” бош тренери, спортнинг карате тури бўйича Осиё ўйинлари чемпиони Жайхун Аметовлар ўз оилалари ва фарзандлари даврасида қўллари тўла гуллар билан кутиб олишди. Турмуш ўртоғи Ойбек Қазақовнинг қувончи чексиз. Бу дамларни унутиб бўлмайди.

— Соҳамиз тўлиқ кластер тизимига ўтди. “KKR IPAK CLUSTER” МЧЖ тузилди. Уйда бекор ўтирган аёллар касаначиликка жалб қилинди, улар оила тўқинлиги учун меҳнат қилмоқдалар, — дейди орденли пиллакор. — Биринчи марта пиллачиликда субсидия қўлланилди. Ким 100 килограмм пилла



етиштирса, қўшимча 500 минг сўм субсидия олади. Туманимиздаги камхарж оилаларнинг 2135 нафар бекалари касаначилик билан шуғулланади. Бир йилда 4 марта пилла ҳосили олишни йўлга қўйдик. Бу эса даромадни янада оширади.

Президентлик сайлови жараёнларидаги мулоқотда Ш.Мирзиёев Муҳаббат Аннамуротовага: “38 йил пиллачиликда сабр билан ишлаганингиз учун раҳмат!” деган эди.

“Сабрнинг таги — олтин” деганларидек, мана, бугун унинг йўллари равон, ҳамма унга ҳавас билан боқади. Энди у ушбу соҳани танлаганига хафа бўлмайди, қайтага ғурурланади, севилади. У ҳозирги Муҳаббат Аннамуротова бўлгунча кўпгина машаққатли йўлларни босиб ўтди, меҳнат қилди. Бугун уни Ватан қутламоқда. Биз ҳам “Орден муборак бўлсин, Муҳаббатхон!” деб, бу эл қизига — пиллакорлар маликасига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва омадлар тилаб қоламиз.

Сурамда: “Дўстлик” ордени соҳибаси Муҳаббат Аннамуротова.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

ИЛМГА САДОҚАТДАН САОДАТ ТОПИБ



Дунё пахтачилик илмида Ўзбекистон олимлари эришган натижалар жуда юқори баҳоланади. Чунки йиллар давомида кенг қўламли тадқиқотлар мунтазам олиб бориляпти. Етук олимлар ўз мактабларини яратиб, фанга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Зеро, мамлакатимиз пахта етиштирувчи энг шимолий ўлкадир. Бу эса пахтачилик илми олдида катта муаммолар қўяди ва уларнинг ечимини топиш олимлар зиммасида. Бу борада Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти етакчи даргоҳ ҳисобланади.

Мазкур муассасада ярим асрдан ошиқ меҳнат қилиб келаётган инсонлардан бири, камтарин олима, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор Феруза Ҳасанова яқинда Президентимиз фармонида биноан “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди. Бу шарафга Феруза опа йиллар давомида чеккан заҳматли меҳнатлари, қатъияти, изланувчанлиги боис эришди, албатта.

У ўрта мактабни битириб шундан оқибатда оддий лаборант бўлиб ишга ўтади. 1977 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини олим-агроном агрохимик ва тупроқшунос мутахассислиги бўйича сирдан тамомлаб, амалий ва илмий ишларини мунтазам давом эттиради.

1984 йили номзодлик диссертациясини Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтида “Умумий деҳқончилик” ихтисослиги бўйича ҳимоя қилган олимага 1990 йили катта илмий ходим, 2019 йилда профессор илмий унвони берилган.

Замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Айниқса, илм-фан ривожини шу қадар жадалки, кечаги янгилик бугун оддий фаолият турига айланмоқда. Қолаверса, ер юзиде кузатилаётган ҳароратнинг тобора кўтарилиб бориши, сув тақчиллиги, тупроқ эрозияси каби кўплаб экологик бўҳронлар ҳам олимларимизни янада кўпроқ ва жадалроқ изланишлар олиб боришга ундамоқда.

Шу жиҳатдан Феруза Ҳасанова пахтачилик фанини ривожлантиришда ресурстежовчи, тупроқни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш ҳисобига эртаки ва сифатли ҳосил

етиштириш, тупроққа минимал ишлов бериб, унинг унумдорлигини сақлаш ва оширишга ҳамда фермер хўжаликларида жорий этишдаги тарғибот ишларига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олималардан биридир.

Шунингдек, кузги буғдойни ғўза қатор орасига ишлов бермасдан махсус сеялка билан аниқ экиш технологияси олима томонидан илк бор ишлаб чиқилган. Бунинг ҳисобига уруғлик чигит экиш меъёрларини 50 кг камайтиришга эришилган. Ғўза ва бошқа экинларда учрайдиган бегона ўтларга қарши агротехник кураш ва гербицидлар қўллаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тавсиялар тайёрланган ва бугунги кунда чигит экиш билан уларни қўллаш фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотларида кенг жорий этилмоқда.

Феруза опа қишлоқ хўжалигида долзаб муаммоларга бағишланган 170 дан ортиқ илмий мақола, тавсия, монография ва қўлланмалар муаллифидир. Ҳозирда унинг “Бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари” монографияси чоп этишга тайёрланмоқда.

Қарийб 20 йилдан буён у амалий ва инновацион лойиҳаларга раҳбарлик қилмоқда. Бу лойиҳалар асосида олиб борилган тадқиқотлар натижалари фермер хўжаликларида тадбиқ этилиб, такрорий экин экишда минимал ишлов бериш технологияси қўлланилмоқда ва тупроққа ишлов бериш сонини 3-4 мартага камайтириб, экиш муддатини 7-10 кунга эрта бўлиши таъминланяпти. Ҳозирда бу ресурстежамкор технология мамлакатимизда 1 000 000 гектар майдонга жорий этилган.

Олиманинг хизматларидан яна бири, у олиб бораётган изланишларининг ижобий самаралари натижасида барча вилоятлардаги ғўза етиштирувчи фермер хўжаликларида тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, тавсиялар

берилиб келинмоқда.

Таъкидлаганимиздек, Ф.Ҳасанова кўп йиллик тажрибага эга юқори малакали олим-агроном сифатида тупроққа минимал ишлов бериш, ғўза навларини агротехникаси бўйича илғор услубларни жорий этиш борасида самарали меҳнат қилиб келяпти. Унинг иштирокида 2011-2015 йиллар ва 2016-2020 йилларга мўжалланган томчилатиб суғориш бўйича намунали технологик карта ишлаб чиқилган.

У айниқса, ёшлардан билим ва тажрибаларини, қимматли маслаҳатларини аямайдиган инсон. Феруза опа раҳбарлигида 2 та номзодлик, 3 та фалсафа доктори диссертацияси ҳимоя қилинган, ҳозирда 2 нафар таянч докторант илмий изланишлар олиб бормоқда.

Шу ўринда унинг Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти қошидаги нуфузли Илмий Кенгашнинг илмий котиби сифатида олиб бораётган фаолиятига ҳам мухтасар тўхталиб ўтиш жоиз. Илм толиблари ўзлари ёзган илмий ишларини Феруза Ҳасанова назаридан ўтказиб олишни биринчи ютуғи деб ҳисоблашади. Чунки Феруза опа диссертацияга Илмий Кенгаш низомидан, қолаверса, Олий Аттестация Комиссияси талабидан келиб чиқиб қатъий муносабатда бўлади. Бу талабчанлигидан кимдир оғринади, кимдир хурсанд бўлади. Ҳар қалай Феруза Ҳасанова назаридан ўтган илмий иш муаллифи Илмий Кенгашда ҳимоя жараёнидан муваффақиятли ўта олади. Шунинг учун бўлса керак, турли йилларда ўз диссертацияларини ҳимоя қилганлар олима опани ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан эслайди. Айтиш мумкинки, унинг талабчанлиги ортидан ютуқлар бўй кўрсатади.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.

ТЎКИН МАҲСУЛОТ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Бугун аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар сабаб, юртимизда деҳқончилик маданияти яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми кўпайди, ерларнинг унумдорлигини оширишга эришилди. Хусусан, томорқачиликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган минглаб оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ана шундай миришкор ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш эса, оилалар фаровонлигини оширишда янада муҳим ўрин тутди.

Нурота туманида фаолият олиб бораётган “Нурота томорқа” кластери жамоаси ҳам аҳоли томорқасига 12 турдаги хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳамиятлиси, икки тарафлама манфаатли бу жараёнда аҳоли томонидан етиштирилаётган сабзавот меваларни сақлаш ва сотиш борасида уларга ортиқча уринишга ҳожат йўқ. Томорқа кластерида мева-сабзавотларни сақлаш учун омборлар мавжуд бўлгани холда, Хитой технологияси асосида қуриштириш цехлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бозор талаблари асосидаги бу ҳамкорлик асосида аҳоли маҳсулот етказиб беради, кластер эса уларга кўмакчи бўлиб, кейинчалик тайёр маҳсулотларни ўзи сотиб олади. Пировард натижада аҳоли даромад кўради, бозорларда озиқ-овқат сероблиги таъминланади ва маҳсулот экспорти асносида иқтисодиёт ривожланади.

Албатта, ҳудудларда йилдан-йилга миришкорларимиз томонидан мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, бир даладан, бир мавсумда икки-уч ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад олиш, озиқ-овқат сероблигини таъминлаш чоралари амалга ошириб борилмоқда. Шу боис, жойларда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳсулот экспортини ривожлантириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд вилоятининг туманларида ҳам ҳар бир ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига асосланиб, экинлар

етиштириш ихтисослашуви йўлга қўйилган. Тайлоқ туманидаги “Тепакшилоқ” агрофирмаси аъзолари ҳам ернинг ҳар қаричини қадрлайдиган, тупроқ билан тиллашадиган миришкорлар.



Суратда: “Нурота томорқа” кластери раҳбари Илхом Самиев.

– Агрофирмаимизда 57 нафар фермер хўжаликлари 850 гектар ерда деҳқончилик қилиб келмоқда. Шундан 287 гектари ғалла, 300 гектари ток, 187 гектари эса боғлар. Агрофирмаимизда ҳар бир фермер баҳорги экинларга февраль ойиданоқ киришиб, иссиқхона асосида кўчатлар захирасини яратган эди. Эндиликда ерга эрта қадалган карам, сабзи, пиёз кўчатлари бозорларимизга биринчилардан бўлиб чиқади. Бу маҳсулотларимизнинг аксарияти экспортга йўналтирилади, – дейди агрофирма раҳбари Хотамқул Сиддиқов. – Бугун мазкур ҳудуд деҳқон-фермерлари учун етиштирилган маҳсулотни сотишда харидор қидиришларига ҳожат йўқ. Чунки уларнинг маҳсулотлари харидоргир ва уларга хорижий давлатларда талаб кўп.

Албатта, бу каби амалий ишлар, аввало, аҳолининг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиради, шу билан бирга, нахнавининг арзонлашувини кафолатлайди. Зеро, бугунги пандемия даврида бу олдимиздаги энг муҳим ва долзарб масалалар.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.



Суратда: Фермер Ғайрат Қурбонов, Агрофирма раҳбари Хотамқул Сиддиқов.

Мана, куёш тафтидан тоғу қирларда музлар эриб, ўлкамизга баҳор ташриф буюрди. Эй, бободехқон, қишда ҳам, мавжудот уйқу оғушига чўкканда ҳам дала кездинг. Кенг далалар билан сирлашиб, шўр ювдинг, текислаш, озукалаш ишлари билан банд бўлдинг. Йил – ўн икки ой тиним билмаган сиз азиз деҳқонимнинг баҳори муборак бўлсин...



“ПОЛВОН” БЎЙЛАРИДА БАҲОР НАФАСИ

Бугун ҳам субҳидам еллари билан сирлашиб дала кезаётган Шавкат ака Қурязов лазерда текисланган ерларнинг ҳолатини кўриб, атрофга назар ташлади. “Энди экишни бошласак ҳам бўларкан, ерлар тобига келибди”, деб ўйлади у. Эҳ, бу далаларда унинг қанча беором кун-тунлари ўтмади, дейсиз. Бугун унинг кўнгли тўқ. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон назардан четда қолмаслигини яхши билади. Мана шу меҳнат орқасидан обрў-эътибор топди, тўйлар қилди. Уйда ва жамоада фойдаланиш учун енгил автоуловлар, техникалар сотиб оляпти. Юрагининг четида эса шу кунгача чеккан заҳматларидан қолган бир доғ ҳам бор. Дастлаб ер майдонларига эга бўлиши осон кечмади. Аммо у барига чидади, курашди, тобланди.

Хикоямиз қаҳрамони Шавкат Қурязов 19 йилдирки, Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани “Овшар” қишлоғидаги “Полвонпир” фермер хўжалиғи раҳбари.

Фермернинг ерлари катта “Полвон” канали бўйида жойлашган бўлиб, бу сув йўли Тошсоқа тизими орқали келиб, Хива шаҳригача етиб боради. Каналнинг қурилиш лойиҳаси машҳур Паҳлавон Маҳмуд бобомиз кўрсатмасига асосан олиб борилган, дейишади. Шунга кўра, “Полвон” номини олган канал асрлар бўйи элни оби-ҳаёт билан таъминламоқда.

Канал бўйида бўлса-да, ҳосилдорлиги паст, қумлоқ ва шўр ерларда меҳнат қилиб, кутаётган натижасига энди эришаётган Шавкат аканинг бу жойларга меҳри бўлакча.

У 2003 йилда паррандачиликка ихтисослашган кичик хўжалик очган эди. 10 гектар ерда иш бошлаган. Ўшанда 100 бош паррандаси бор эди. 2005 йилда жамоа хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликлар ташкил қилина бошлаган, унинг кўнглида болалик орзулари қайта жўланади.

Туман ҳокимлигига ер сўраб мурожаат қилганда, унга 18 гектар қўшимча ер беришди. Энди хўжалик пахта ва ғаллага ихтисослаштирилди. Дастлабки даврда ҳосилдорлик гектарига 10 центнерга ҳам етмади. Орадан 8 йил ўтгач, 2013 йилда биринчи марта ҳосилдорлик юқори бўлиб, гектарига 35 центнерга кўтарилди. Ерларнинг шўрини ювиш, текислаш ва озиклантириш ишлари тинимсиз олиб борилди, ахли жамоа тинмай меҳнат қилди. Хўжалик раҳбарият эътиборига тушди.

— Ўша йили ер майдонларимиз яна кенгайтирилиб, жами 113 гектарга етди. Энди ишимиз кўпайди, — дейди у. — Шунга яраша аъзоларимиз сони ҳам ошди. Турмуш ўртоғим Гулсора билан бошлаган ишимиз хайрли бўлди. Бугун биз катта хўжаликмиз. 15 нафар ишчи-хизматчи доимий меҳнат қилмоқда. Мавсумда 100-130 нафар киши йигим-терим ишларида иштирок этади.

Меҳнаткаш деҳқонларга яратилган шароитни кўриш учун шийпонга йўл олдик. Далалар атрофидаги текис йўлнинг икки томонида дарахтлар бўй чўзган, сал юрилгач, гуллаган ўриклар кўзга ташланади. Катта, кенг ва узун қилиб қурилган 100 ўринлик бино.

— Бу ердан пилла мавсумида ипак қурти боқишда ҳам фойдаланамиз, — дейди Гулсора Маткаримова.

Маълум бўлишича, хўжалик ҳар йили 10 кути ипак қурти боқиб, пиллачилик тармоғига 750 кг соф пилла хомашёси топширади. Бир ойлик мавсумда хўжаликда иш қизғин бўлади. Фермернинг қизлари Гулбаҳор ва Барно Қурязова, келинлари Муборак Матмуродова ва Саодатжон Давлетовалар онасига ёрдамга келади. Ҳамма бир бўлиб ишга тушади. Аҳилликда барака бор, деганларидек пилла даври ҳам бирпасда ҳазил-мutoйиба ва тинимсиз меҳнат билан ўтиб кетади.

Ўтган йили 33 гектар ер майдонига экилган ғалладан 72 центнердан ҳосил олинди. “Боғот дон” МЧЖ билан келишилган шартномага кўра, 95 тонна ғалла етказилди. Ғалладан бўшаган майдонларнинг 9 гектари ишсиз аҳолига 20 сотихдан бўлиб берилди. Хўжаликда шоли, мош ҳам етиштирилди. 51 гектарга экилган пахта майдонининг ҳар гектаридан 51 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Тармоқлардаги ҳаёт ҳам йилдан-йилга яхшиланмоқда. Хўжаликда 32 бош қорамол, 1500 бош парранда боқияпти. 4 гектар ерда янги интенсив боғда олма экилган. Аралаш боғ эса 1 гектарни ташкил қилиб, турли мева ва кўчатлар етиштирилмоқда.

Ўтган йилги умумий даромад 780 миллион сўми, соф фойда 450 миллион сўми ташкил қилди. Фойда бекорга сарфланмади. Лизинг асосида сотиб олинган техникалар аста-секин кўпайтирилгани натижасида бировга муҳтожлик сезилмайди. Лизинг тўловидан ортган сумма керакли нарсаларга, аъзолар эҳтиёжларига сарфланди. Ҳамма нарса ҳисоб-китобли.

Бугдой ниш уриб, кўкка бўй чўзган айна баҳорнинг эрта кўкламида далаларни кезамиз. Фермернинг юзига тушган чизиклар меҳнатдан нурланган чеҳрасини ойдин қилаётгандек ўзига ярашади. Эрталаб 92 ёшли онажони Сафаргул момо ўглини дуолар билан алқаб ишга жўнатади ва то у келгунигача дуо қилиб ўтиради. Оила шарофати ҳам шундан.

Шундай саодатли кечаётир фермер ҳаёти...

Суратда: Шавкат Қурязов бугдойзорда.

Ўз мухбиримиз.

ОТА КАСБИ ОБРЎ КЕЛТИРАР

Рошидон Фарғона вилоятининг ҳозирда Риштон деб аталмиш сўлим ва кўҳна туманларидан бири. Тадбиркор ва уста деҳқон бўлган бу юрт фарзандлари азал-азалдан ўз масканликлари гўзаллиги ва саховати билан ғурурланиб келишади. Юртимизда бирор хонадон йўқки, Риштон мевалари ва сопол буюмлари кириб бормаган бўлса. Ўтган йили Президентимиз Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунли муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида энг фаол ва тадбиркор хўжаликлар қаторида тумандаги Аҳаджон Позилов раҳбарлик қилаётган “Моҳинур файзли гавҳари” фермер хўжалигини ҳам санаб ўтди.



Суратда: фермер Аҳаджон Позилов

Биз ҳам вақтни ғанимат билиб Риштон тумани сари йўлга чиқдик. Туманда кейинги тўрт-беш йил ичида одамнинг ақли шошадиган даражада ўзгаришлар бўлибди. Йўл четидаги эски уйлар ўрнида замонавий шаклу шамоийлдаги уйлар, ўқув бинолари, ошхона ва офислар қад ростлабди. Бизни туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассиси Ҳасанбой ака Деҳқонов “Моҳинур файзли гавҳари” фермер хўжалиги томон бошлади.

— Туманимизда 1265 та фермер хўжалиги бор, — деди Ҳасанбой ака йўлда кетар эканмиз. — Шундан 239 таси 13 830 гектар экин майдонида пахта-ғалла етиштиради. Жорий йил 7880 гектар майдонга ғалла экилди. Ҳозирги кунда ғалла майдонларида чилла суви бериб, ўғитлаб, керакли агротехник тадбирларни амалга оширдик. Хўжалик ишчилари ички ариқ ва зовурларга ишлов бериш, экин майдонлари четидаги дарахтларни оқлаб, шакл бериш ишларини олиб боришяпти. 5950 гектар экин майдонига пахта экишни режалаштирганмиз. Майдонларни куз ойларида маҳаллий ва кимёвий ўғитлар

билан озиқлантириб, белгиланган чуқурликда ҳайдов ишларини амал оширдик.

Ҳасанбой ака билан фермернинг дала шийпонига етиб келганимизни ҳам сезмай қолдик. Бизни 65-70 ёшларни қоралаган нуроний отахон кутиб олди. Кейин билсак, у фермернинг отаси Ўрмонжон ака Позилов экан. Ўрмонжон ака хўжаликни ташкил этилиш тарихи ҳақида гапириб берди:

— Бизнинг аجدодимиз деҳқон ўтишган, мен ҳам отамнинг ишини давом эттириб деҳқончилик фаолиятини бошлаганман. 2005 йил балл-бонитети паст бўлган 17 гектар экин майдонда фермер хўжалигимиз фаолиятини бошлади. У пайтлар фарзандларим ёш эди. Қишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги барча хўжалик раҳбарларини хуноб қиларди. 25 нафар доимий ишчи билан ҳар гектар пахтадан 19 центнер, ғалладан 25 центнер ҳосил берадиган ерга ишлов бериб, ҳосилдор майдонларга айланттирдик. Нафақага чиққач, хўжалик раҳбарлигини ўғлим Аҳаджонга топширдим. Барака топсин, иши пухта, режали.

— 1989 йил мактабнинг 9-синфини тамомлаб, Россия Федерациясининг Николайск областидаги Қишлоқ қурилиш техникумида таълим олиб, отамнинг ёнига қайтиб келдим, — деб гап бошлади фермер. — Аввалига оддий ишчи, сўнгра хўжалигимизда иш юритувчи бўлиб, деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўргандим. 2017 йил хўжалигимиз экин майдонлари

67 гектарга кенгайди. Натижада доимий ишчиларимиз сони ҳам 45 нафарга кўпайди. Уларнинг ҳар бирига ўртача 2-2,5 млн сўмдан маош тўлаб борамиз. Албатта, фақат ғалла ва пахта билан бунча харажатни қоплаш қийин. Шунинг учун хўжалигимизда 20 бош қорамол, 100 та товуқ парваришлаймиз. Бу ҳам қўшимча даромад келтиради. Хонадонимиз аёллари ва ўғлим Ғиёсжон Ўрмоновлар чорвачилик билан машғул бўлишса, укам Акрамжон Фозилов, Зокиржон Исмоиловлар қишлоқ хўжалик техникаларини бошқаради. Алижон Бозоров ҳамда Отабек Жиянов ёш сувчиларга ўз билим ва кўникмаларни ўргатиб боришади. Жорий йил 45,5 гектар экин майдонига ғалланинг маҳаллий “Замин” навини экиб, барча агротехник тадбирларни амалга ошириб боряпмиз. Мақсадимиз ҳар гектар ердан ўтган йилги каби 75 центнердан ошириб ҳосил олиш. 26,6 гектар майдонда пахта экиш учун тайёрлов ишларини олиб боряпмиз.

Ҳа, “Интилганга – толе ёр”, дейишади. Фермернинг режалари катта. Яқин кунларда чорвачиликни янада ривожлантириш, озуқа майдонига эга бўлиш ва сутни қайта ишлаш корхонаси қуриб, янада кўпроқ қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлашни истайди. Биз ҳам Аҳаджоннинг ишларига омад, ўйлаган режалари, албатта, амалга ошишини тилаб, у билан хайрлашдик.

Каримжон ҲАЙИТБОВЕВ,
ўз мухбиримиз.

ВЕТЕРИНАР ВА ЧОРВАДОР ҲАМКОРЛИГИ



Маълумки, инсон жамиятда яшар экан, кўп синоатлар ичида умр кечиради. Шу билан бирга, ўзига ва табиатга, ҳайвонот ва парранда, жонзотларга бефарқлик қила олмайди. Атроф-муҳит ободонлиги ва эл саодати учун қулайлик ва имконият ахтаради.

Йўлимиз эзгу ишларга бахшида умр кечираётган қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилаётган элдошларимиз томонга тушаркан, уларнинг ҳаётига назар ташлаймиз.

Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида айни кунларда иш қизғин. Раҳбарни ҳам, ходимларни ҳам аҳоли ҳовлилари ва чорвачилик хўжаликларидан топасиз. Бунга ўзимиз амин бўлдик. Масъулиятни ҳар дамгидан ҳам оширган бўлим раҳбари Қадамбой Қурбонбоевни эмлаш ишлари ўтказилаётган жойдан топишимиз мумкинлигини билиб, “Пичоқчи” қишлоғида жойлашган “Саломат” фермер хўжалигига етиб бордик.

1993 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини ветеринария врач мутахассислиги бўйича битказган Қадамбой Қурбонбоев ўз иш фаолиятини ветеринария врач вазифасидан бошлаган эди. Йиллар давомида тумандаги соҳага алоқадор бир қанча ташкилотларда ишлар экан, меҳнати, интилувчанлиги билан элга танилди. Бугун у туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари. Бўлимда 4 та гуруҳ ташкил қилиниб, долзарб 90 кунлик тадбири бўйича иш олиб борилмоқда. Бу тадбирнинг моҳияти шундаки, қишдан баҳорга ўтаётган шу кунларда чорва, парранда ва бошқа уй ҳайвонларида бўладиган касалликларнинг олдини олиш учун ёппасига эмлаш ишлари ўтказилади. Қорамоллардаги куйдирги, уй ҳайвонларида кузатиладиган қутуриш касалликларининг, йирик шохли қорамолларда учрайдиган қорасон, оқсил, нодуляр дерматит ва бошқа хавфли ва хавфсиз касалликларнинг олдини олиш бугун ветеринария ходимлари олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу ўринда ветеринария ходимлари иш бошлаб юборган фермер хўжалиги фаолиятига ҳам тўхталамиз.

Чорвачиликка ихтисослашган “Саломат” фермер хўжалигини тажрибали қишлоқ хўжалиги ходими, марҳум Шихназар ота Сўпиев ташкил қилганди. 1994 йилда хўжалиқда

бор йўғи 30 бош маҳаллий қорамол бор эди. Отахон 2015 йилда нафақага чиққанидан кейин хўжалик раҳбарлиги унинг ўғли Камолбек Сўпиевга ўтди. Давр руҳини ўрганиб бораётган, янгиликларни тез илғаб олган навқирон йигитнинг орзулари кўп. Шунинг учун у хўжалик ишини қайта тузди. 2019 йилда насли қорамоллар сотиб олишга эътибор қаратди. Россиядан 33 бош “Гольштейн” зотли қорамол келтириб, улар сонини кўпайтиришга бел боғлади. Натижа ёмон бўлмади. Бугун унинг молхонасида 140 бош насли қорамол боқилмоқда. Қорамолларни сунъий қочириниш пункти ҳам ишлаб турибди, соғлом ва насли бузоқ олиш ишлари доимий эътиборда. Кунига 45 бош соғин сигирдан 900-950 килограммдан соф ва тоза сут соғиб олинапти. Бу маҳсулот ўртадаги шартномага кўра Урганч шаҳридаги “Тилло домор” МЧЖ га топширилади.

Фермер хўжалигида 8 нафар асосий ишчи бор. Соғувчилар учун замонавий соғиш ускунаси ва шинам дам олиш хоналари, кунда иссиқ овқат ва бошқа керакли шароитлар яратилган.

Хўжаликнинг 30,06 гектар ер майдонига беда, маккажўхори, лавлаги, тритикале каби керакли озуқа экинлари экилади. Юқори унумли “140-MX” ва “MT3-80” тракторлари ва бошқа турли техникалар фермернинг яқин ёрдамчиси.

Пичан йиғувчи ва прессловчи техника билан ёзу кузда йиғим-терим ишларида қийинчилик сезилмайди. Ишни, техника хавфсизлигини қатъий назоратга олган раҳбарнинг топшириқлари вақтида бажарилади.

Аҳмаджон Шихназаров, Оғабек Шихназаров, Боғбек Қурбонов, Қосимбой Сўпиевлар ўзларига бириктирилган техникани авайлаб асраб, дала ишларига тайёрлайдилар. Мавсумий ишчилар Хусанбой Рўзибаев, Дилшод Қўчқоровлар экинларни вақтида суғориш ишларига доимо шай.

— Бизнинг оиламизда бекорчи йўқ, ҳамма иш билан банд, — дейди фермер шийпон томонга назар ташлаб. — Бизни қишлоқ хўжалиги ишларига тайёрлаган отам доимо маслаҳатчим эди. 2018 йилда дунёдан ўтди. Бизнинг бу кунларимизни кўрмадилар. Ҳар куни онамининг дуосини олиб ишга отланаман. Ишимиз яхши, ҳаётимиз фаровон, тўкин ва



саодатли яшаямиз. Халққа, Ватан равнақиға озгина бўлса ҳам, нафим тегса, ўзимни бахтли ҳис қиламан.

Бугун оила боши бўлиб ўтирган Бибисора онанинг 22 нафар невараси бор. Унинг оиласида туғилган 7 нафар фарзанднинг уч нафари чорвачиликни касб қилди. Сўпи отанинг руҳи шод бўлсинки, у бошлаган хайрли ишни фарзандлари давом эттиряпти.

Йилига тирик вазнда 12 тонна маҳсулот етиштирилади, сут топшириш 184 тоннадан ошди. 2021 йилда “Саломат” фермер хўжалигининг йиллик умумий даромади 700 млн. сўмни ташкил қилди, соф фойда эса 300 млн сўм бўлди. Фойда хайрли ишга сарфланди. Хўжалик “Исузу” юк машинаси сотиб олди. Бирдамлик ва ҳамжиҳатликни шиор қилган хўжалик аъзоларини ҳали улкан ишлар кутмоқда.

Соҳа ривожини учун, албатта, кўпчиликнинг меҳнати, эътибори керак бўлади. Бунини яхши билган Камолбек Сўпиев ветеринария ишлари бошланадиган бўлса, албатта, ўзи иш бошида туради. Ҳар бир ишни шахсан кузатувга олади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари Қадамбой ҳам доимо иш олиб бораётган 4 гуруҳини назорат қилади, зарурий ашёлар, дори-дармонлар етарли, эмлаш ишларида бирорта ҳам аҳоли ихтиёридаги қорамоллар, парранда ва хайвонлар четда қолмаслигини эътиборга олади. Биз бу муҳим ишлар билан банд ҳазорасплик фермер ва ветеринария соҳаси ходимлари билан хайрлашар эканмиз, халқимиз иқтисодиёти ва юртимиз равнақи йўлида эзгу ишлар олиб бораётган биродарларимизга яқинлашаётган баҳор, Наврўзи олам кутлуг келишини, ёз ва куз ҳосиллари баракали бўлишини тиладик.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: (чапдан) Бактериология, паразитология, токсикология бўлими мудири ветврач Марҳамат Қурбонов ва ветеринария врач Сухроб Абдуллаевлар эмлаш ишларини олиб бормоқдалар.

“Саломат” фермер хўжалиги раҳбари Камолбек Сўпиев қорамоллар озукасига доимо эътибор беради.

ҚОРАКЎЛЧИЛАР ЭКСПОРТНИ КЎЗЛАМОҚДА



Суратда: “Чора насл” вакили Тохир Рахимов, “Нурота” наслчилик МЧЖ ветврачи Ўрозкул Бўриқулов билан.

Қоракўлчилик сермахсул тармоқ бўлиб, кейинги йилларда мазкур тармоқнинг тобора ривожланишида, наслчилик ишларининг такомиллашиши ва чўл озукабоп экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этиш, ҳамда яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, қоракўлчилик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим омил бўлмоқда. Синовли қишнинг қорқировли кунлари аввало чорвадорлардан ўта ҳушёрликни ва сабрлиликни талаб этган бўлса, кўклам келиши билан яйловлар, қир-адирлардаги чорвадору чўпонларнинг оғири енгил бўлди. Ўтган йилги қурғоқчиликдан сегак чўпонлар, табиатнинг серёгин кунлари кўнглига умид бағишлаб, бу йилги кўкламга яхши кайфият билан қадам куйди. Бугун Нуроталик тажрибали чорвадорлар ҳам асосий мақсадлари миллий маҳсулотимиз ҳисобланган қоракўл кўйларини туёғини кўпайтириш бўлгани ҳолда улкан режаларни кўзламоқда.

Тумандаги “Нурота” қоракўл наслчилик МЧЖнинг тажрибали чорвадорлари ҳам, ўтган қиш гарчи об-ҳаво ўз ҳукмини ўтказса-да, ўз имкониятларини тўғри баҳолаб, вақтида кўрилган тадгорликлар натижасида қаҳратоннинг синовларидан беталофот ўтиб олишди. Ҳозирда улар ҳам серёгин об ҳаводан мамнун бўлиб, бошланган мавсумга масъулият билан киришган. Қиру адирларда ниш ураётган майсага қараб таскин бўлаётган жамият аъзоларига отарларда ўтган қишлов даври олтидан жамғарилган мўл дағал ҳашак заҳираси кўл келди. Бугун “Нурота” наслчилик масъулияти чекланган жамияти отарларида жами 38 мингдан ортиқ майда шохли моллар боқилмоқда. Шунингдек, ҳозирда бу ерда Россия федерациясидан олиб келинган “Оренбург тивити” ноёб эчкиларининг тўл мавсуми давомида туёқ сони ошиб бормоқда.

Бугунги кунда тумандаги фаолият олиб бораётган барча қоракўл наслчилик МЧЖ ларида энг муҳим бўлган вазифа, бу тўл мавсумини кўнгилдагидек ўтказиб олишдир. Жумладан, тумандаги “Қизилча қоракўл наслчилик” МЧЖда ҳам мавсумга пўхта тайёргарлик кўрилди.

— Жамиятимиз таркибида 21 минг 93 бош майда шохли моллар бўлиб, шундан она қуйлар 13 минг 600 бошни ташкил этади. Бугунги вазифамиз соҳамизни ривожлантириш, шу орқали аҳолига арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва сифатли қоракўл терини хориж

давлатларига экспорт қилиш, — дейди, МЧЖ директори Икром Абдиев..

Бугун қоракўл соҳасига дахлдор кимки бўлса, барчанинг бор эътибори, энг муҳим ҳисобланган тўл мавсумига қаратилган. Пахтачи туманидаги “Қарнобота” наслчилик МЧЖ аъзолари ҳам тўл мавсуми олтидан 34 та отарларни, ёпиқ кўралар, сунъий қочирини пунктларини жорий таъмирланди. МЧЖ чорвашуноси Бекжон Зокировнинг айтишича бу йилги мавсум давомида мавжуд 9 минг бош совлиқлардан олинандиган кўзиларнинг аксарияти ўстиришга қолдирилиши кўзда тутилмоқда. Уларнинг ўсиш имкониятларини амалга ошириш мақсадида профилактик эмлаш ва қатор тадбирлар олиб борилмоқда.

Албатта, қоракўл тармоғи ходимларининг муҳим мавсумга масъулият билан ёндашувлари ва улкан режалари, ҳудудда чорва сони ошишига, пировардида иқтисодиёт ривожига хизмат қилиши аниқ.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: “Қарнобота” наслчилик МЧЖ аъзолари

ЭЛ ХИЗМАТИДАГИ ВЕТЕРИНАРЛАР

Маълумки, чорвачилик соҳасини ривожлантириш озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугун шу мақсадда қабул қилинаётган Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги ҳўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ташкил этилиб, чорвачилик, паррандчилик, йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, паррандчилик ҳўжаликлари ташкил қилинмоқда. Албатта, бу борадаги ишлар самарасини оширишда ветеринария хизматининг ўрни катта. Бу борада Самарқанд туман ҳудудида 42 минг 215 бош қорамол, шу жумладан, 15 минг 318 бош сизир, 80 минг 890 бош қўй ва эчки, 3 млн. 785 минг 724 бош парранда, 441 бош от мавжуд бўлиб, уларга туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими мутахассислари ветеринария хизмати кўрсатиб келмоқда. Туманда қорамол наслини яхшилаш, уларнинг сонини ошириш бўйича, туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли 19 та ветеринария шохобчаси ҳамда сунъий уруғлантириш пунктларида ветеринария мутахассислари ва техник оссеминаторлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган 2021 йилда сунъий уруғлантириш режасига асосан 8 минг 676 бош сизирлар сунъий уруғлантирилган, шунингдек, хорижий давлатлардан жами 1 минг 216 бош қорамоллар олиб келинган бўлиб, барча насли молларга тумандан мутахассислар бириктирилиб, ветеринар назоратига олинган.



Суратда: Туман ветеринария бўлими ходимлари.

– Туманимизда вилоят Ветеринария бошқармаси томонидан Самарқанд тумани бўйича эпизоотик тадбирлар режаси тузилган бўлиб, у туман ҳокими томонидан тасдиқланган, шу асосда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимидаги 19 нафар ветеринарлар томонидан тегишли вазифалар ойма ой бажарилиб келинмоқда. Бугунги муҳим вазифаларимиз чорва бош сонини кўпайтириш, мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш бўлиб, бу борада ҳам аҳоли ва фермер ҳўжаликлари ҳисобидаги сизирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган барча махсус воситалар билан жиҳозланган

участкаларимиз фаолият олиб бормоқда, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ш. Ҳабибов.

Туманда йилдан-йилга амалга оширилаётган дастурлар ижросига асосан хориждан олиб келинаётган қорамоллар, майда шохли моллар ҳисобига гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришда ҳам ўсиш суръати кузатилмоқда. Албатта, бу каби чора-тадбирлар бозорларда чорва маҳсулотлари арзонлигини таъминлаб, аҳоли дастурхонига файз-барака киритиш билан бирга иқтисодиётнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.



Маъмур нав“Яроқли-2010” ва “Picasso” навлари чатиштирилиб, олинган дурагай комбинациядан якка клонли танлаш йўли билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

Нав муаллифлари: Т.Остонақулов, Д.Абдукаримов,

КАРТОШКАНИНГ “БОҒИЗОҒОН” НАВИ

Р.Низамов, А.Исмойилов, С.Санаев, И.Амонтурдиев, Х.Хонкулов.

Навнинг ёруғда нишлатилган туганаклари ўсимтаси ўртача йирикликда, кенг цилиндр, кучли бўялган ва тукланган, ўсиш нуқтаси ёпик, илдиз тугунчалари кўплиги билан характерланади. Ўсимлик яримтик ўсувчи, баланд бўйли, яхши баргланган. Гултўплами йирик, яхши гуллайди. Гултожи йирик, кўкбинафша рангда. Резавор-мева ҳосил бўлиши кузатилади.

Ўртатезпишар бўлиб, ўсув даври 84-88 кунни ташкил этади. Эртаги ва иккиҳосилли экинга

мос. Ҳосилдорлиги эртаги экин сифатида гектаридан 31-35 тонна. Иккиҳосилли экин қилиб ёзда янги қовланган туганаклардан экилганда унвчанлиги 88-9%, поялар сони 2,8-3,1 дона, ҳосилдорлиги эса 26-28 т/га ни ташкил этади. Товар туганаклар чиқими 94-98%. Туганак ўртача массаси 80-87 г. Сақланувчанлиги яхши бўлиб, 6,8-7,0 баллни ташкил этади. Экологик ва вирусли айнишга чидамли бўлиб, айниган туганаклар салмоғи 1,8-4,5% дан ошмайди. Туганак узунувал, қизил рангда, кўзлари тўқ қизил, юза бўлиши билан фарқланади.

ХОРАЗМНИНГ ЯШИЛ ОЛАМИ



Суратда: Хива туманида “Яшил макон” лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар

Юртбошимиз ташаббуси билан дарахтлар кесилишига мораторий эълон қилиниши билан юзага келган умуммиллий ҳаракат ҳеч кимни четда қолдирмади. Аср муаммосига айланган экологик вазиятни яхшилаш учун мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон сарҳадларида “Яшил олам” лойиҳасига эътибор қаратди. Фан-техника, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, табиатга қарши таъсирларнинг кучайиши каби омиллар, сув муаммоси, яшил ҳудудларнинг бебошларча талон-тарож қилиниши, исрофгарчилик, эътиборсизликлар экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Ота-боболаримиз қадрлаган боғ яратиш, дарахт экиш каби ишларга эътибор бирмунча су-сайди. Буларнинг ҳаммаси биз яшаётган шароитни оғирлаштирди. Шунинг учун ҳам бутун Ўзбекистон аҳли бу лойиҳага жалб қилинди.

Тонгдан то уйкуга кетгунигача атроф гўзаллиги ва кўркамлигини асраш, халқимизнинг соғлом яшашига замин яратиш учун беътиборликка, худбинликка қарши курашиш ва яшил оламни кенгайтириш каби вазифалар элдошларимизнинг хайрли ишига айланди.

Хоразм табиати ва одамларининг фидойилиги билан танилган сўлим воҳа ҳисобланади. Экология учун масъул бўлган раҳбар Атабек Қличев ҳар кунгидан ҳам эртароқ иш бошлади. У кун режасини тузиб, ходимларга керакли топшириқлар берди. Кейин ишлар боришини кузатиш учун Урганч туманидаги яшил зонага йўл олди.

1995 йилда Нукус давлат университетини “Эколог” мутахассислиги бўйича тугатиб, илк фаолиятини биринчи тоифали мутахассис, кейинчалик давлат назоратчи сифатида бошлаганига ҳам 27 йил бўлибди. Ҳаётида янги саҳифалар юз очган, эзгу ишларга бойланган бу даргоҳ, ишчи-ходимлар унинг учун қадрли. 2003-2017 йилларда вилоят сув хўжалиги бошқармаси вилоят мелиоратив экспедицияси бошлиғи бўлиб ишлади. Яхши мутахассис ҳеч ерда хор бўлмайди, у сув хўжалиги ишлари ва муаммоларини ўрганди. Халқчиллик, табиатга муносабат унинг асосий иш омилига айланди.

У 2017 йилда ўзи дастлаб ишлаган Хоразм вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланди. Атабек Қличев қандай иш олиб боришни кўп ўйлади.

Ахир, вазифаси мураккаблашди, зиммасига улкан мажбурият юкланди. Экологик муҳитни яхшилаш учун масъуллиқ уни анча улғайтиргандек бўлди. Асрлар юкини тортиб келаётган бу кекса оламнинг кўп йиллик дарахтларидан виқорни, кўркамликни, ерга сингган томирларидан яшашга интилиш ва комилликни, мовий самодан тиниқликни, заминдан муҳаббат ва қадрни, оловдан ёрқинликни, иссиқликни ўрганди. Шунингдек, устозлардан Аллоҳ яратган бу жавоҳиротлардан қандай фойдаланмоқ кераклигини ўрганди. Унинг ҳаёти яшилликларга, сайхону қирлиқларни яшнатишга интилган, техникани севган, янгилликка ўч бўлган халқ билан эди. Вилоятдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик шароитни яхшилаш, чиқиндиларнинг муҳитга бўлган зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳолининг саломатлиги ва турмуш тарзи сифат даражасини ошириш учун қулайлик яратиш, экологик тизимни қайта ўрганиб чиқиш каби ишлар, “Ўзбекистон Республикасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланган топшириқларни бажариш, — ҳаммаси олдидаги ишлар эди.

2021 йилда вилоят ҳудудларидаги 526 та маҳаллада 100 фоиз тозалаш хизматлари ўтказилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 5 миллион 825 минг донна манзарали ва мевали кўчатлар экилди. Урганч, Хива шаҳарлари, Қўшқўпир, Тупроққалъа, Гурлан ва Янгиариқ туманлари ҳудудларида 29,4 гектар майдонда боғлар, истироҳатгоҳлар бунёд қилинди.

Жорий йилда вилоятда 123,8 гектар майдонда яшил боғлар, 128 гектар майдонда яшил жамоат парклари барпо этилиши бошлаб юборилган. Янгибозор туманида яшил жамоат парки куриш ишлари жадаллашди. Ажратилган 16 гектар ер майдонига 1 млн. туп кўчат, бута ва гуллар экилмоқда. Бу ерда иншоот ва аттракционлар бўлмайди, фақат соф ҳаволи яшил ҳудуд барпо қилинади.

2021 йилда дарахт кўчатлари экилган 5 та намунавий кўчалар ташкил қилинди. Саноат корхоналарига тегишли 35 та чанг-газ тозалаш ускуналари таъмирланди ва янгиланди. Натижада, 6,9 тоннадан зиёд ташланмалар чиқарилишининг олди олинди. “Урганч ёғ мой” АЖ, “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ саноат корхоналарида мавжуд оқова-сув тозалаш қурилмалари ҳам янгиланди.

“Яшил макон” лойиҳаси ишларини 2022 йилда яна давом эттираётган соҳа ходимлари илк баҳорда 14 млн. 490 минг донна манзарали ва мевали дарахт, бута кўчатлари, қаламчалар экиш, ҳар бир туманда яшил боғлар ташкил қилиш, жами 123,8 гектар ҳудуд яшиллантирилиши кўзда тутилган Автомобил йўллари ёқаларига, қишлоқ хўжалик ерларига, ижтимоий соҳа объектларига, ободонлаштириш тасарруфидаги бинолар атрофлари, маҳалла ҳудудларигача кенг қамраб олинмоқда.

— Бу ишлар, албатта, ҳамкорликни талаб этади, — дейди суҳбатимиз давомида А.Қличев. — Жумладан, Хоразм давлат ўрмон хўжалиги 1 млн. 597 минг донна кўчатлар, “Хоразмйўлқўклам” унитар корхонаси 1 минг 250 донна манзарали дарахтлар, Гурлан ва Қўшқўпир туман ободонлаштириш бошқармалари 102 минг 500 донна манзарали дарахт ниҳоллари, “Агропилла” МЧЖга қарашли пилла питомникларида 705 минг

дона тут кўчатлари етиштирилди. Яна юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчатхоналарида етиштирилаётган 2 млн. 129 мингдан ошиқ кўчат ниҳолларини олиб экиш ишларини бошлаб юбордик.

Экилган ниҳолларга сув керак. Ўрганиб чиқиш натижасида суғориш тизимлари бўйича 383,3 км ариқлар, 82 дона электр насослар, 76 та қудуқ, 1871,5 км. суғориш қувурлари, 104 та ерости сув қудуқлари ишлари қайта тикланган. 19 та махсус суғориш техникалари ишга туширилган. Шу каби, 197,3 км. ариқ ва лотоклар тозаланиб, 32 та насос, 570 км суғориш қувурлари таъминланган. 34 та ерости қудуқлари қайта тикланиб, 5 та янги насослар ўрнатилган. Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий. Бир қанча муаммолар бор, жумладан, айрим шаҳар ва туманларда кўчатхоналар ташкил қилинмаган, ёки кўчат захиралари яратилмаган.

Атроф-муҳит яшиллиги учун кенг иш олиб бораётган Шовот, Боғот, Янгибозор туманларида белгиланган режага нисбатан кўчат етиштириш захираси мавжудлиги дилни қувонтиради. Қилинаётган ишлар ҳисоб-китобини юритиш, “Yashilmakon” мобил иловаси бўйича иш олиб борадиган ходимларга беркитилган. Кўчат тури, сони, етиштирган, эккан ташкилот, экилган майдон, натижалар ва бошқа иш қўламлари ҳақида электрон ахборот шакллантирилган.

Президентимизнинг: “...Ўтган йилларда “қоғозда” экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бўш жой қолмаслиги керак эди..., деб айтган эътирозини унутмаслик керак. Тизим ва қаров бўлмаганлигидан экилганларнинг кўпи қуриб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Юрт келажagini ўйлаган халқ раҳнамоси ҳаммани ёппасига сафарбар қилар экан, экологик вазиятни яхшилаш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини таъкидлади.

Бунинг учун аниқ ҳисоб-китоблар ва аниқ маблағлар, экиладиган ҳудуд эгаси, суғориш тизими — бари қатъий амалга оширилиши белгиланди. Республикамиз бўйича 2022 йил баҳорида 10 миллион 222 минг дона дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган.

Бугун дарахт экиш ва боғлар яратишдан мақсад нима эканлигини ҳар бир хоразмлик яхши билади. Вилоят муҳитини эътиборга оладиган бўлсак, қиш — қуруқ совуқ, баҳор — қуруқ ва салқин шамоллар гирдобиди, ёз — жуда иссиқ гармселли, куз — ижобати ила гўзал ва шиддатли меҳнат жабҳасида ўтадиган ўлка. Маълумки, 1 гектар ердаги 10-15 йиллик яшил дарахтлар бир йилда 50 тонна чангни тутиб, филтёрлаб, 3 тонна кислород, 5 тоннагача карбонат ангидрид газини ютаркан. Бир инсоннинг ўзига бир кунда 25 кг. тоза кислород зарур бўлса, битта етук дарахт ўзидан 1 йилда 3 кишига етадиган кислород ишлаб чиқаради. Бир тул гужум ёки чинор дарахти 10 та кондиционернинг ўрнини босаркан. Энди ўйлаб кўрайлик-чи, чинордан ҳам шохлари қалин, барглари гуж-гуж, боши катта ва дум-думалоқ

чўғирмага ўхшаб ўсадиган салқинтоб ва бардошли гужумлар кўпайтирилса, қандай бўларкан...? Бу каби дарахтларни экиш ва кўпайтириш атроф-муҳитнинг ифлосланаётган, маиший ҳаётда дуд ва ҳидларнинг кўпаяётган, атмосферадаги ўзгаришлар, муаммо ва қийинчиликларга ечим изланаётган техника асрида келажакни ўйлашда бир қадам бўлмоғи мумкин. Хоразмда ота-боболаримиз совутгичлар ўрнига гужум ва қорасўвит деб номланган дарахтлардан фойдаланишган. Ҳатто, ёзда кимдир вафот этса, вақтинчалик сақлаш учун қорасўвит толларини киритиб, атрофига қўйишган. Шунда 40-50 даража иссиқда ҳам тана бузилмай сақланган. Адабий тилда қоратол деб айтиладиган бу дарахт кўпроқ Хоразм ва Қорақалпоғистонда экилган. Хоразмликларнинг минг йиллик сеvimли, салқинтоб дарахти гужум бугунги кунда камайиб қолди. Ҳозир ҳам кўпчилик хонадонларга экилган, аммо кейинги йилларда қаров бўлмай, турли кемирувчи хашаротлар туфайли кескин камайди. Қадимда қароргоҳлар ва хонликлар саройларини безаган бу дарахт хоразмликларнинг совутгичи, табиатни тозалагувчи манбаси бўлган.

Яшиллик салтанати қанча ривожланса, табиат софланиб, об-ҳаво тозаланади, баҳри дилингиз яйрайди, кўнгилдан ғуборлар кетади. Айтишларича, 1 гектар ерга экилган ўсимликлар 10 кг фитоцид ишлаб чиқараркан. Бу модда

дизинтерия, дифтерия, сил касалликларига қарши даво бўлиб, замбуруғлар ва бактерияларни йўқотаркан. Шу билан бирга, юрак-қон томирларини мустаҳкамлаб, асабни тинчлантирувчи хусусиятга эгаллиги билан фанга маълум. Арча, гужум, қоратол, чинорлар умрбоқий дарахтлар ҳисобланиб, минг йилдан зиёд умр кўради. Инсонларга, табиатга фойда беради. Толлар, тераклар ернинг захини олса, ихоталанган дарахтлар ерларни ша-



Суратда: (чапдан) Бекзод Абдурашидов — Хоразм вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи, Атабек Қличев — бошқарма бошлиғи, Азамат Мавлонов — бошқарманинг Боғот туман инспекцияси бошлиғи.

мол, гармсел, довуллардан асрайди. Бу билан ер майдонларида ҳосилдорлик ошиши муқаррар. Арчазорларнинг яна бир хусусияти — улар магнит тўлқинлари ва радиацияни ютиб, борлиқни софлар экан.

“Яшил олам лойиҳаси ҳаммамизни яқдилликка чорлайди”. Атабек Қличев бу сўзни секингина айтиб қўйди. Бу баралла айтиладиган мурожаат! Бунда ҳаёт бор, бунда халққа бўлган меҳр мужассам.

Азиз элдошим! Бугун мамлакатимиз аҳли қутлуг ва хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Атроф дунёмиз гўзаллигига яшилликка, кўркамликка ҳар биримиз ҳисса қўшайлик. Сахийлик, олижаноблик ва одиллик билан ҳаракат қилмоқ миллатимизга хос удумдир. Ниҳол экин, табиатга ҳамкор бўлинг, шунда келажак биздан, сиздан рози бўлади. Тоза ҳаво ва мусоффолик яратмоқ ишида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ходимларга ҳаммамиз мададкор бўлайлик!

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

КАДАСТР ХИЗМАТИ:

ОДИЛЛИК – БОШ МЕЗОН

Бугунги кунда Навоий вилоятида жами 269 минг 731 та кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлиб, жорий йилнинг 2 ойи давомида 863 та янги кўчмас мулк объектларига манзил берилган. Бундан ташқари, палата томонидан “е-ijaga” дастурига 75 158 гектар деҳқон хўжалигига ер майдони киритилган. “Ўздаверлойиҳа” институти томонидан эса 17 229 та лотлар тайёрланган ҳамда 8684 та лотлар бўйича танлов ғолиби аниқланиб, 2297 лот бўйича 640 гектар ер майдони давлат рўйхатидан ўтказилган.



Бу ҳақда Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди. Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ўтказилган анжуманда бошқарма бошлиғи Мансур Носиров ва “Ўздаверлойиҳа” Навоий вилояти ер-лойиҳа бўлинмаси бошлиғи Ахат Шавқиев давлатимиз раҳбарининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ва ижроси юзасидан ахборот беришди. Маълум бўлишича, қарорга асосан, эндиликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 10 йил муддатга ижара асосида берилади. Оилавий тадбиркорлик қилиш мақсадида юрган фуқароларимизга ушбу қарор асосида бўш ер участкаларини олиб фойдаланишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, “Ёшлар”, “Аёллар” ва “Темир” дафтарларида рўйхатда турувчи фуқароларимиз учун бир қатор имтиёзлар ҳам мавжуд. Бу эса фуқароларимизга қулайликлар туғдирмоқда. Тадбирда, шунингдек, кадастр идоралари томонидан кўрсатиладиган 8 та давлат хизматлари — кадастр паспорти тайёрлаш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека ва ижара шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, сервитут тўғрисидаги келишувларини давлат рўйхатидан ўтказиш, манзил бериш (геокод), фуқароларнинг номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш, аукционга ер чиқариш, қурилиши тугалланган биноларни фойдаланишга қабул қилиш каби вазифалар хусусида айтиб ўтилди.

— Биз кўрсатадиган хизматлар учун мурожаатлар Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz сайти) орқали ҳам амалга оширилади, — дейди М.Носиров. — Бугун биргина Навоий вилояти мисолида кузатадиган бўлсак, Давлат кадастрлари палатаси бошқармаси ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан аҳоли учун 119 та кадастрсўёмка ишлари амалга оширилди. 580 та якка тартибдаги уй-жойлар, 604 та квартиралар, 278 та нотурар жой объектларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Нотурар жой объектларига мўлжалланган ер участкаларининг 108 тасига ер кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Хусусан, 2022 йил январь-февраль ойлари давомида давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган жами 3584 та турар ва нотурар жой объектлари давлат рўйхатидан ўтказилди. 7 та ижара ҳуқуқи, 239 та бино ва иншоотларнинг ипотека шартномалари ҳам давлат рўйхатидан ўтказилди. Номида турар-жой борлиги (йўқлиги) ҳақида 15 сўровномага жавоб берилди.

Кўшимча ахборот берилишича, эндиликда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган 200 минг гектар экин майдонлари 2022-2025 йилларда захирага қайтарилиб, мазкур ер майдонлари деҳқон хўжалиги ташкил этилган ҳолда сабзавотчилик, поллиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда очик электрон танлов орқали 10 йилга ижарага берилади.

Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтган анжуманда мутасаддилар томонидан журналистларнинг бир қатор саволларига батафсил жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз.



МАҲАЛЛАНИНГ МАСЛАҲАТГУЙИ

Мироблик касбини танлаб, сув илми ва амалиётининг етук билимдони, бағрикенг, қатъиятли раҳбар ва ўз замонасининг таниқли раҳбарларидан бири бўлган дўстимиз, устозимиз Илҳом Қобилловни кўпчилик Жиззах чўлини ўзлаштирган ҳамда бу заминга бебаҳо оби-ҳаёт етказиб беришда ўз ҳиссасини қўшган фидойи инсон сифатида яхши танийди.

У 1950 йилда Жиззах шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1966 йил ўрта мактабни тамомлагач, дастлабки иш фаолиятини Жиззах вилояти 32-сонли автобазасида оддий ишчиликдан бошлаган. 1971-1974 йиллар Жиззах политехника техникумининг гидротехника иншоотлари қурилиши йўналишини имтиёзли диплом билан тамомлайди.

1979 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг гидроиншоотлари ва гидроэлектростанцияларнинг гидротехник қурилишлари ихтисослиги бўйича қизил диплом олади.

Институтни аъло баҳоларга битиргач, қайси лавозимда ишламасин, доимо чуқур билими, ташкилотчилиги, ўта талабчанлиги ҳамда етук раҳбарлик салоҳияти билан одамлар меҳрини қозонган.

1979-1990 йилларга қадар ПМК-1 Жиззах сув қурилиш трестиди бир қанча лавозимларда фаолият юритди. 1990-1996 йиллар давомида Жиззах сув хўжалик трести бошлиғи лавозимида ишлади.

1996-1999 йилларда Жиззах вилоят қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси биринчи ўринбосари, 1999 йилдан Фориш тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, 2001 йилдан эса Жиззах тумани ҳокими ўринбосари, 2009 йилдан №7-сонли қурилаётган корхоналар бирлашмасида назорат бўлими бошлиғи каби турли лавозимларда фаолият олиб борди. 30 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида “Сувсиз ҳаёт бўлмайди, шу сабабли унинг ҳар томчисини асраш бурчимиздир” шиорини фаолиятининг асосий йўналиши деб билди.

Жиззах вилояти ирригация ва мелиорация ишларига муносиб ҳисса қўшган Илҳом Қобиллов ҳалол меҳнати ва билими, иш тажрибасини янги ишга келган ёш мутахассисларга ўргатиб, кўплаб етук кадрлар, яъни шо-

гирдлар тайёрлашга улгурди. Ҳозирги кунда у кишининг шогирдлари вилоятимизнинг барча ҳудудларида сув хўжалиги ташкилотларида самарали ишлаб келмоқда.

У 2011 йилда нафақага чиқиб, ҳозирги кунга қадар ўзи истиқомат қилаётган “Зилол” маҳалласида “Фаол оқсоқоллар” раиси вазифасида иш фаолиятини олиб бормоқда.

Маҳаллада ҳамон эл-юрт ташвишига ечим топиш билан ҳамнафас яшаётган бу инсон доим бугунги кунимизга шукроналик келтириб, Юртбошимиздан миннатдор бўлиб яшашни таъкидлайди. Зеро, мамлакатни тинч сақлаш, аҳоли турмушининг фаровонлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди.

2022 йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланиши ҳам миннатдор бўлишимизнинг яна бир далилидир деб кўп бора ўқтиради.

Илҳом Қобиллов рафиқаси Нуриниса ая билан 4 нафар фарзандларни камол топтириб, уларнинг олий маълумотли бўлиши учун барча шароитларни яратиб берди. Бугун Илҳом ака ва Нуриниса ая 15 нафар неvara ва 3 нафар эваранинг севимли бобоси ва бувисидир.

Биз, дўстлари ва шогирдлари унинг чарчамай, шижоат билан узоқ йиллар давомида Жиззах вилоятининг мелиорация-ирригация ишларини янада яхшилашга интилиб, ўз маҳалласининг ҳаётига фаол ҳисса қўшиб юришларига тилақдошмиз.

Махсут ТўРАЕВ,
меҳнат фахрийси,
Худоёр АРОЛОВ,
доцент,

Ўзғул ҚОБИЛОВА,
катта ўқитувчи,

Жиззах политехника институти.



АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯ СУДИ – ИМКОНИЯТ ВА ВАКОЛАТЛАР

Дарҳақиқат, амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шунки кўрсатмоқдаки апелляция инстанциясида ишларни кўриб чиқиши биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим қадрлатига айланди.



Апелляция тартибида иш кўришнинг асосий мазмуни биринчи инстанция судининг қарорларини қонунда белгиланган асос ва муддатларга мувофиқ, ваколатли органлар томонидан апелляция тартибида қайта кўрилишида намоён бўлади.

Апелляция институтининг аҳамияти шундаки, бунда биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган суд қарорларини қайта текшириш имконияти яратилади. Бу босқич орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги текширилади. Бу эса биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция инстанцияси судида қайта кўришда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим қадрлати бўлиб, биринчи инстанция судларининг ҳатолари ва қонун бузилишларини тезкорлик билан бартараф этишга имкон беради.

Ишларни апелляция тартибида кўрувчи суднинг ваколатлари чегарасини аниқлаш эҳтиёжи судьяларнинг мустақиллиги ва биринчи инстанция суди томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнида қонунга бўйсунуш ҳамда биринчи инстанция томонидан йўл қўйилган хатони тўғрилаш имконияти борлиги билан изоҳланади. Апелляция инстанцияси суди қонунда бел-

гиланган ваколатлар доирасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларини шикоят (протест) бўйича қайта кўриб чиқиш янги босқич ҳисобланади. Ушбу қоидага асосан, апелляция инстанцияси суди агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, ажримини қонуний, асосли, адолатли деб топган тақдирда, уни ўзгаришсиз қолдиришга, берилган шикоят ёки келтирилган протестни қаноатлантирмасликка ҳақли.

Юқори турувчи суд учун ҳал қилув қарорини қонунийлигини текширишда “чеклов” вазифасини ўтамаслиги лозим. Апелляция инстанцияси суднинг иш бўйича далилларни баҳолаш ва бошқа масалаларни ҳал қилишга доир ҳуқуқларнинг чегараси билан белгиланади. Ушбу ҳуқуқлар етарли даражада кенг бўлиши керак. Бунда суд томонидан йўл қўйилган ҳар қандай хатоликни тузатиш юқори турувчи суд ваколатини чегаралаш билан бир қаторда, биринчи инстанция судларининг тегишли масалаларни ҳал қилишда мустақиллигига путур етказмаслиги лозим.

Биринчи инстанция судининг чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан апелляция судига берилган шикоят(протест)лар ишда иштирок этувчи шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига қанчалик салбий таъсир кўрсатилишини олдини олиш

мақсадида берилаётганлигини судьялар таҳлил қилиб бериши лозим.

Мадомики, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 276-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларга кўра, суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шартлиги белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимизда апелляция институтини жорий этилиши тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштишига олиб келди.

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ажрими устидан фақат апелляция шикоятини (протестни) бериш мумкинлиги процессуал қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидан ва бу борадаги қонун нормалари такомиллашув жараёнида эканлигидан далолат беради.

Бехзод МАХМУДОВ,
Сирдарё вилоят судининг
иқтисодий ишлари бўйича
судьяси.



НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛМА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Инсон яшаши, фаровон турмуш кечириши учун ернинг аҳамияти жуда катта. Зеро, она замин ризқ-рўз манбаидир. Қонун доирасида ерга эгалик қилиб ишлаган одам ўзи учун ҳам, халқ учун ҳам катта манфаат келтиради.

Мамлакатимизда аҳоли сонининг йилдан-йилга ўсиб бораётгани сабабли халқимизни етарли ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Бунда эса мавжуд ўзгармас бойлигимиз бўлган ердан унумли фойдаланишга эришиш устувор масала бўлиб қолмоқда.

Афсуски, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, улардан самарасиз фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Ердан ноқонуний фойдаланган ва ўзбошимчалик билан уй қурган фуқароларда на ерга, на мулкка нисбатан ҳуқуқни берувчи ҳужжатнинг ўзи йўқ.

Қуйида ана шундай ҳолат ҳақида баён этамиз.

Ҳазорасп туман ҳокимининг 2019 йил 27 январдаги қарорига асосан тумандаги пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги “Гулрух Наврўзбек Бекзодбек” фермер хўжалигига туман захирасидаги Бўстон қишлоғи қишлоқ хўжалиги ер харитасининг контурларидан қўшимча жами 60,4 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага ажратиб берилган.

Фуқаро Х.Носиров ва К.Носировлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) томонидан Ҳазорасп туманидаги “Гулрух Наврўзбек Бекзодбек” фермер хўжалигига қарашли ер харитасининг 55-контурида жами 110 кв.метр ер майдонида ноқонуний равишда молхона ва турар-жойга мўлжалланган бино қурилганлиги аниқланиб, мутахассислар иштирокида далолатнома тузилган.

Улар қурилишни бузиш тўғрисида огоҳлантирилган, лекин жавобгарлар томонидан ноқонуний қурилиш ишлари бартараф қилинмаганлиги сабабли даъвогар Ҳазорасп туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер хўжалиги манфаатида жавобгарларга нисбатан ноқонуний қурилишни бузиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгар Х.Носиров ва К.Носировлар томонидан “Гулрух Наврўзбек Бекзодбек” фермер хўжалигига қарашли ер харитасининг 55-контурида жами 110 кв. метр ер майдонида қурилган молхона ва турар жой биносини уларнинг ҳисобидан бузиб ташлаш ва ер майдонини олдинги ҳолатга келтириш;

жавобгарлардан даъвогар Ҳазорасп туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фойдасига почта харажати учун тўланган 19 600 сўмни ундириш;

жавобгарлардан давлат фойдасига 490 000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 91-моддасига кўра, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкала-

рини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасида ҳам ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмаслиги, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозимлиги белгиланган.

Жавобгарлар апелляция шикоятда биринчи инстанция суди, низоли бинолар “Гулрух Наврўзбек Бекзодбек” фермер хўжалигига қарашли ер харитасининг 55-контурида ёки “Беруний-3-1” хўжаликлараро коллекторнинг ўнг ва чап соҳили ҳимоя зонасида жойлашган-жойлашмаганлигига аниқлик киритмасдан, нотўғри қарор қабул қилганлигини ваз қилиб келтирганлар.

Судлов ҳайъатининг сўровига асосан берилган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Хоразм вилоят бошқармасининг жавоб хатида Х.Носиров ва К.Носировлар томонидан жами 110 кв.метр ер майдонида қурилган молхона ва турар жой биноси Ҳазорасп туман ҳокимининг 2019 йил 27 январдаги қарорига асосан “Гулрух Наврўзбек Бекзодбек” фермер хўжалигига ажратилган. Ҳазорасп тумани, Бўстон қишлоғи қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 55-контурида жойлашганлиги маълум қилинган.

Аниқланган иш ҳолатларидан келиб чиқиб Хоразм вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Амалдаги қонунларга кўра агар фуқаро ёки тадбиркор ер участкасини ноқонуний, яъни ҳеч қандай ҳужжатсиз (ҳаттоки ёнидаги бўш турган “ҳеч кимга керак бўлмаган” ерни ҳам) эгаллаб олса, ушбу ер участкаси унинг розилигисиз олиб қўйилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ердаги бино бузилади. Ноқонуний эгаллаб олинган ердаги бино учун компенсация берилмайди, аксинча, қонунни бузган шахс жаримага тортилади ва у ўз ҳисобидан ерни аввалги ҳолатига қайтариши шарт.

Хулоса ўрнида айтганда ердан самарали фойдаланиш орқали фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк ҳуқуқи ва дахлсизлиги, фуқароларнинг сифатли ҳамда арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига эришиш айнқса, умуммиллий бойлигимиздан унумли фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир.

Хушнуд БАЛТАЕВ,

Хоразм вилояти Фуқаролик ишлари бўйича судининг судьяси.

ОРГАНИК ПАХТА ЕТИШТИРИШДА ЗАРАРКУНАНДА ХАШАРОТЛАРДАН ХИМОЯ ТАДБИРЛАРИ

Дунёда ҳозирги глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги экинларига зараркунанда ва касалликлар босимининг ортиб бориши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири бутун дунёда зарарли организмларга қарши курашда кимёвий усулга катта эътибор қаратилиши натижасида чидамли популяцияларнинг вужудга келиши, биологик занжирнинг бузилиши ва биохилма-хилликка салбий таъсир кўрсатиши деб қаралмоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида органик, яъни экологик тоза маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёж кун сайин ортмоқда. Дунё бўйича органик маҳсулотлар бозори 72 млрд. АҚШ доллари (1999 йил 5 млрд. доллар)дан ошди. Органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Германия ва Франция давлатлари анча илгарида кетмоқда. Ўзбекистонда ҳам органик маҳсулот етиштиришга катта имкониятлар бор.

2019 йилда АҚШ бозорларида 1 тонна органик пахта хомашёси анъанавий турига нисбатан 155 АҚШ долларида 225 АҚШ долларида юқори нархда баҳоланган.

Республикаимиз шароитида кенг қўлланиб келинаётган ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимидаги экинларни зарарли организмлардан уйғунлашган химоя қилиш тизимида агротехник усул энг мақбул ва атроф-муҳит учун зарарсиз ҳисобланади. Деҳқончиликда агротехник тадбирлар (алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш, озиклантириш, ерга ўз вақтида ишлов бериш, қишқи совуқлар олдида ҳамда вегетация даврида меъёрида суғориш, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш ва б.) ҳамда бошқа профилактик тадбирлар ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказилса, кимёвий усулга ҳолат қолмаслиги мумкин. Бу усулсиз бошқа усуллардан юқори самара олишнинг имконияти ҳам бўлмайди.

Чунки ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизими агроценозда айрим зарарли организмлар (айниқса, монофаг зараркунандалар)нинг жадал ривожланиш жараёнида экологик суксессия сабабли янги шароитга тез мослаша олмаганлиги туфайли уларнинг айрим турларининг табиий камайиши, бошқаларининг эса табиий равишда кўпайиб кетишига олиб келиши кузатилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизими шароитида энтомоценознинг шаклланиш жараёнидаги ўзгаришларни илмий тадқиқ қилиш ва зараркунандалар миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Маълумки, ғўзанинг дастлабки ривожланиш давларида ёш ниҳолларига шира, трипс, кейинроқ ўргимчаккана сингари сўрувчи зараркунандалар зарар етказиши. Айниқса, ноқулай нам об-ҳаво, жала, ёмғирлар ерларни қатқалоқ бўлишига олиб келганда шира ва трипснинг зарари ошиб, ғўза ниҳолларини ривожланиши 10-15 кун кечикади. Бунинг натижасида ғўзанинг пастки ярусдаги бўлиқ қўсақлар ривожланмаслиги натижасида 15-30% ҳосил йўқотилишига олиб келади. Бундай пайтда ғўза ниҳолларини химоя қилишда инсектицидларни қўллаш фойдали энтомофагларнинг ёппасига қирилиб кетишига олиб келади. Бироқ шундай ҳолатларда ерни қатқалоқдан юмшатиш ҳамда ўсишни соловчи моддаларни суспензияларга қўшиб сепиш ниҳолларни зараркунандалардан сақлаб қолишда муҳим агротехник тадбир саналади.

Ғўзани сўрувчи зараркунандалардан химоя қилишда биологик усулда олтинкўз энтомофаги қўлланилади. Бироқ бу усул катта майдонларга бир вақтда ҳамда етарли миқдорда чиқарилгандагина яхши самара беради. Аммо амалда бунга ҳеч ким риоя этмайди. Бундан ташқари, олтинкўз энтомофагини қўллаш тамаки трипсига қарши етарли самара бермайди. Натижада, бу ҳолат ғўза ниҳолларининг шира, трипс билан қаттиқ зарарланишига олиб келади. Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда пахта етиштирувчи хориж давлатларида табиий энтомофагларга зарар етказмаслик учун турли инновацион усул ва воситалардан фойдаланилади.

Ғўза-ғалла навбатлаб экишда экинларни жойлаштиришнинг мақбул тизими танлаб олинса, ғўзадан кейин экилган ғаллада касалликлар (занг ва б.), бегона ўтлар (ёввойи сули, райграс ва б.), зараркунандалар (хасва, буғдой трипси, шилимшиқ курт) назоратга нисбатан 2-3 марта камайиши, ғалладан кейин ғўза экилган далада ўргимчаккана миқдори 3-4 баробар ҳамда касалликлар 20-30% камайиши кузатилган.

Башорат қилинган ғўза майдонларида эрта муддатларда (ғўзани 3-4 чин барг даври) 20-30 метр кенликда ёнламасига ишлов берилганда шира, трипс ва ўргимчаккана тарқалишининг 60-70% камайиши ҳисобига ортиқча харажатларнинг олди олиниб, гектарига 81,0-100,0 минг сўм иқтисод қилиниши аниқланган.

Олтингугуртнинг СП 80 (сиртки фаол модда сувда эрувчи полимер) СПВ 1 (сиртки фаол модда чигитдан мой олишдаги қолдиқ модда) стабиллаштирилган суспензияси препарат шакллари ўргимчакканага қарши ғўзада 1-2% ли қилиб, 400-600 л/га ишчи суюқлиги сарфлаб қўлланилса, ўргимчаккана билан кучли зарарланганда ҳам 95,5-98,0% самара бериши, ғўзанинг умумий ҳолати яхшиланиши ва ҳосилдорлиги ошиши имконини берган.

Ўсимликларнинг ўсишини соловчи моддалардан Узгуми (0,3-0,4 л/га) ва Албит (40 мл/га) стимуляторлари карбамидли (6 кг/га) суспензияга қўшиб қўлланилганда, сўрувчи зараркунандаларининг камайиши (барглариининг қалинлашиши) ҳисобига ҳосилдорлик 15% га ошган.

Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида охириги йилларда ўтказилган илмий тадқиқот ишларимизда қишлоқ хўжалигида интенсив деҳқончилик тизимига ўтилиши, ғўза-ғалла навбатлаб экилиши, такрорий экинлар майдони ортиб, беда майдони қисқариши шароитида энтомофаунанинг шаклланиши ҳамда ғўза зараркунандалари миқдорини бошқариш усулларини ўрганиш асосида органик пахта етиштириш бўйича қуйидагилар аниқланди ҳамда амалиётда қўллаш учун мажмуий фенологик жадвал ишлаб чиқилди (1-расм).

Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида зарарли организмлар миқдорини бошқаришда фермер хўжаликлари:

- ғўза ва ғалла экин далалари атрофида ўсаётган ёввойи ўсимликларда экинларнинг ўзига хос (айниқса, сўрувчи) зараркунандалари бўлишидан ташқари, фойдали ҳашаротлар (энтомофаг, чангловчилар)нинг ҳам қишлаш ва шаклланиш ўчоқлари ҳамда тарқалиш манбалари эканлигини эътиборга олган ҳолда кураш чораларини ташкиллаштириш;

- такрорий экинларни жойлаштиришда маккажўхори ва мош экинлари ғўзанинг асосий зараркунандалари бўлган тунламлар (кузги, ғўза ва б.), ўргимчаккана ҳамда ширалар-

нинг, картошка экини эса асосан ер остки тунламларининг шаклланиш ўчоқлари ва тарқалиш манбалари бўлишини инобатга олиш;

– ғўза-ғалла экинларини навбатлаб экишни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш, яъни бегона ўтлар (айниқса, ғалласимонлар) хавфи бор бўлган ғалла экинидан бўшаган далага 1-2 йил ғўза экинини экиш, ўргимчаккана ва сўлиш (вилт) касалликлари хавфи бўлган ғўза экинидан бўшаган далага 1-2 йил ғалла экинини жойлаштиришни режалаштириш;

– ғўзани дастлабки ривожланиш даврида башорат қилинган далаларда шира, трипс, ўргимчаккананинг кўпайиши ва тарқалишининг олдини олишда, энтомофаглар пайдо бўлмасдан экиннинг чекка қисмига 20-30 метргача кенгликда изоляция тариқасида, (ўргимчаккана учун, айнақса, йўл томондан) кам заҳарли, комплекс таъсир этувчи препарат билан ишлов бериш;

– ғўзада ўргимчаккана зарарининг олдини олиш ва унга қарши курашда энтомофагларга кам заҳарли бўлган олтин-

гугуртнинг янги шаклдаги СПВ-1 ҳамда СП-80 сувда стабиллаштирилган препаратларини 1-2% ли суспензиялари билан 300-400 л/га ишчи суюқлиги сарфлаб ишлов бериш;

– ғўза ва ғалла зараркунандаларини мониторинг ва башорат қилиш ҳамда уларнинг миқдорини бошқаришда ишлаб чиқилган мажмуий фенологик жадвалидан фойдаланиш;

– ғўзани стресс ҳолатлардан олиб чиқиш, ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш, сўрувчи зараркунандалар (шира, трипс ва ўргимчаккана)га чидамлилигини оширишда Узгуми (0,3-0,4 л/га) ёки Альбит (40 мл/га) стимуляторларини карбамидли (6,0 кг/га) суспензияга қўшиб ишлатиш тавсия этилади.

Ботир БАЛТАЕВ,
қ.х.ф.н., доцент.

ТошДАУ.
Шухрат АБДУЛИМОВ,
қ.х.ф.д. профессор.
ПСУЕАИТИ.

ЎЎТ: 631.54

ТАДҚИҚОТ

РЫЖИК НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИ ВА ҚИШЛОВГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗГАРИШИГА ЭКИШ МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

The article notes that the winter hardiness of camelina varieties is studied on the basis of field experiments, the winter hardiness of camelina varieties depends not only on air temperature, soil moisture and soil temperature, but also on planting norms and timing. Delays in sowing have led to a 6-7% decrease in winter hardiness of camelina seeds, and an increase in sowing rates to 8-10%.

Республикаимиз аҳолисининг озиқ-овқат, шу жумладан, ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида янги ноанъанавий мойли экинлар агротехнологияларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Шу боис, мойлилик даражаси юқори бўлган мойли ўсимликларни минтақамиз тупроқ-иқлим шароитига мослаштирган ҳолда мамлакатимизга кенг жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Рыжик мойи озиқланиш қиймати ва таркиби жиҳатидан шифобахш кучи билан машҳур қарағай ёнғоғининг ёғига ўхшайди. Таркибидаги организм учун зарур бўлган тўйинмаган ва тўйинган ёғ кислоталарнинг оптимал нисбати, шунингдек, Омега-3 ва Омега-6 концентрациясининг ортиши билан ажралаб туради.

Е витамини миқдори бўйича рыжик мойи садр, зиғир уруғи, кунгабоқар ва хантал мойлари каби ўсимлик маҳсулотлари орасида етакчи ҳисобланади

Организмда синтезланадиган провитамин А нинг таркибига кўра, рыжикдан олинган маҳсулот кунгабоқар ва соя мойидан устун туради.

Сугориладиган майдонларда кузги мавсумда ундириб олинган экинларнинг қишга чидамлилигини аниқлаш ва унинг ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш муҳим омиллардан саналади.

Кузги рыжикнинг қишга чидамлилиги Ф.Ф. Адаменнинг Қримда ва Пенза вилоятидаги ўтказилган тадқиқот йилларида юқори бўлиб, ҳар икки етиштириш минтақасида 92,6-98,9% гача бўлган. Бироқ, Қримда гектарига 9 млн.

дона меъёрда уруғ экилганда қишга чидамлилиги энг юқори (98,8%) бўлганлиги аниқланди. Пенза вилоятида 8 млн. дона меъёрда уруғ экилганда қишга чидамлилиги 98,9% ни ташкил этди. Ўсимликнинг маҳсулдорлигини белгиловчи муҳим хусусият - 1000 дона уруғнинг массаси. Қрим ва Пенза шароитида ҳам экиш меъёрлари бу белгига сезиларли таъсир кўрсатмади. Экин структурасининг элементлари полифакториал бўлиб, ҳам қишлоқ хўжалиги амалиётига, ҳам ташқи шароитга боғлиқ. Шу муносабат билан, доимо ўзгариб турадиган экологик шароитда, рыжикни етиштиришнинг барча агротехник усуллари юқори сифатли маҳсулдор новдалар, дуккакли уруғларни максимал даражада шакллантиришга қаратилган бўлиши керак[1]

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан минтақанинг иқлим шароитига боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Ҳосилдорликнинг ўзгарувчанлигида иқлим компоненти 30-60% оралиғида ўзгариб туради, йиллик ўзгарувчанлик 25% га етади. Шу билан бирга, кузги рыжик бугунги кунда қарам оиласининг ягона вакили бўлиб, унинг ўсимликлари қийин қишлаш шароитларига бардош беради [2].

Бироқ, юқори қишқи чидамликка қарамай, баъзи йилларда кузги рыжик экинлари сезиларли даражада йўқолади. Ўсимликларнинг нобуд бўлиши ва ҳосилдорлиги пасайишининг асосий сабабларидан бири ўсимликларнинг музлаши эканлиги қўзғатилган[3].

Тадқиқотлар Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот

институту марказий тажриба агро-участкида олиб борилган бўлиб, дала тажрибаларида кузги рыжикнинг “Пензяк” ва “Карат” навлари турли меъёр ва муддатларда экиб ўрганилди.

Тадқиқотларимизда рыжик навларининг дала унувчанлиги 10 октябрда экилганда 82-88%, 20 октябрда экилганда 77-85%, 1 ноябрда экилганда 72-79% ни ташкил этган бўлса, қишга киришдан олдин туп сони бевосита униб чиққан уруғлар сонига мос даражада бўлди.

Қишга киришдан олдин 1 м² майдондаги ўсимлик сони белгиланган майдончада санаш йўли билан аниқланганда, 10 октябрда 8 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” ва “Карат” навларида ўртача 588 дона, экилган уруғқа нисбатан 74% (униб чиққан уруғга нисбатан 84%) ни ташкил этди (1-жадвал).

10 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” навида 724 дона, “Карат” навида 722 дона, экилган уруғга нисбатан 72% (униб чиққан уруғқа нисбатан 83%), 12 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” навида 833 дона, “Карат” навида 840 дона, экилган уруғқа нисбатан 70% (униб чиққан уруғқа нисбатан 81%), 14 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” навида 904 дона, “Карат” навида 913 дона, экилган уруғқа нисбатан 65% (униб чиққан уруғқа нисбатан 79%) ни ташкил этди ва қишловга киришгача бўлган даврда ҳам ўсимликнинг нобуд бўлиши аниқланди.

Шу тариқа, 20 октябрда экилганда 8 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” навида 559 дона, “Карат” навида ўртача 568, дона, экилган уруғқа нисбатан 71% (униб чиққан уруғқа нисбатан 84%), 10 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” навида 688 дона, “Карат” навида 686 дона, экилган уруғқа нисбатан 69% (униб чиққан уруғқа нисбатан 83%), 12 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” навида 792 дона, “Карат” навида 787 дона, экилган уруғқа нисбатан 66% (униб чиққан уруғқа нисбатан 81%), 14 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда “Пензяк” навида 851 дона, “Карат” навида 852 дона, экилган уруғқа нисбатан 61% (униб чиққан уруғқа нисбатан 79%) ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экиш муддатлари бўйича қишловгача бўлган даврда ўсимлик сони ўзгариши таҳлил қилинганда, рыжикнинг “Пензяк” ва “Карат” навлари ўртасида кескин фарқ аниқланмади. Қишловгача бўлган

Рыжик навлари уруғларининг дала унувчанлиги ва қишловгача бўлган даврда ўзгаришига экиш меъёр ва муддатларининг таъсири

Экиш муддати	Экиш меъёри	Нав номи	Униб чиққан ўсимлик сони		Қишга киришдан олдин туп сони	
			дона/м ²	%	дона/м ²	%
10. окт	8 млн. дона	Пензяк	700	88	588	74
		Карат	700	87	588	73
	10 млн. дона	Пензяк	876	88	724	72
		Карат	873	87	722	72
	12 млн. дона	Пензяк	1033	86	833	69
		Карат	1041	87	840	70
20. окт	8 млн. дона	Пензяк	1144	82	904	65
		Карат	1156	83	913	65
	10 млн. дона	Пензяк	666	83	559	70
		Карат	676	85	568	71
	12 млн. дона	Пензяк	832	83	688	69
		Карат	830	83	686	69
01. ноя	8 млн. дона	Пензяк	982	82	792	66
		Карат	976	81	787	66
	10 млн. дона	Пензяк	1077	77	851	61
		Карат	1078	77	852	61
	12 млн. дона	Пензяк	627	78	527	66
		Карат	633	79	532	66
01. ноя	8 млн. дона	Пензяк	779	78	644	64
		Карат	771	77	638	64
	10 млн. дона	Пензяк	922	77	744	62
		Карат	920	77	742	62
	12 млн. дона	Пензяк	1009	72	797	57
		Карат	1006	72	794	57

даврда ўсимликнинг сақланиши 10 октябрда 8 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда энг юқори кўрсаткич (74%), 1 ноябрда 14 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда энг паст кўрсаткич (57%) бўлганлиги аниқланди.

Қишловгача нобуд бўлиш даражаси таҳлил қилинганда, экиш меъёрининг ошиб бориши билан нобуд бўлиш даражаси ортиб бориши аниқланди, бунини ўсимликнинг озикланиш майдонининг қисқариб бориши ва ердаги макро-микро элементларни ўзлаштиришда рўй берадиган танқислик билан изоҳлаш мумкин.

Аброр ШОЙМУРАДОВ, к/х.ф.ф.д.,
Дилдор АЛЛАЕВА,
таянч докторант,

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Адамень Ф. Ф. и др. Агроэкологические особенности формирования урожайности маслo семян рыжика озимого // Известия сельскохозяйственной науки Тавриды. – 2019. – №.17 (180). С. 17-18.
2. Семенова Е.Ф., Буянкин В.И., Тарасов А.С. Масличный рыжик: биология, технология, эффективность. Новочеркасск, 2005.
3. Преснякова Е.В. Агроэкологическое изучение зимостойкости сортов озимой пшеницы в лесостепной зоне Поволжья. Канд. дис., 2003.

КУЗГИ СИДЕРАТЛАРНИ УРУҒГА ЎСТИРИШ, УНИНГ ЯШИЛ ЎҒИТ СИФАТИДА КАРТОШКА ҲОСИЛИ ВА УРУҒЛИК СИФАТИГА ТАЪСИРИ

The article presents the results of studying the features of growth, development, the productivity of biomass and seeds of wintergreen manure, as well as the influence of the use of green manure crops as a green fertilizer on growth, development, yield, the output of marketable and seed crops, multiplication factor, and the proportion of degenerate tubers. It was found that favorable for optimal growth, development, formation of productive bushes of potato variety Sylvana with the formation of a leaf surface area in the range of 69.3-72.0 thousand m²/ha was observed in green manure - rapeseed, pea, blue mustard, and pea + oil radish. At the same time, the highest yield of potatoes was obtained with a high yield of marketable, seed crop of tubers, a multiplication factor with the lowest degenerate tubers.

Сўнги йилларда органик (маҳаллий) ўғитларнинг танқислиги, суғориладиган ерларда картошка + оралиқ экин + кузги дон экинларини қисқа навбатлаб экиш тизимининг татбиқ этилиши сидерат экинларнинг тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига самарали таъсирини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти ортиб, картошка ва кузги дон экинларини навбатлаб экиш тизимида картошка + оралиқ экинларни парваришlashда тупроқ-иқлим ва ҳўжалик шароитларидан келиб чиққан ҳолда сидерат экинларининг мақбул турларини белгилаш, турли (ёзги ва кузги) муддатларда етиштириш учун экиш муддати ва меъёрларини аниқлаш, яшил ўғит сифатида қўлланилганда экинлардан юқори ва сифатли экологик тоза ҳосил олиш ҳамда тупроқ унумдорлигининг сақланишини таъминлайдиган изланишлар заруратини қўяди [1,2,5].

Тадқиқот мақсади – Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги сидерат экинлар ўсиши ва биомасса ҳосилдорлиги, уларнинг уруғлик ҳосили, яшил ўғит сифатида қўлланилганда картошка Sylvana ўртатезпишар навининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, уруғлик сифати ва кўпайиш коэффициентига таъсирини ўрганишдан иборат.

Дала тажрибалари Китоб тумани Янгибой фермер ҳўжалиги суғориладиган типик бўз тупроқларида ўтказилди.

Дала тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинларни парваришlash, ҳосилни йиғиш ва ҳисобlash, барча кузатиш, ўлчаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услўб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари дисперсион таҳлил усули бўйича Microsoft Excel дастури ёрдамида статистик қайта ишланди [3,4,6].

Картошканиннг ўртатезпишар Sylvana нави қуйидаги кузги сидерат экинларда баҳоланди:

1. Кузги шудгор (назорат)

2. Рапс – “Нимерчанский-2268” нави
3. Мойли турп – “Радуга” нави
4. Горох (кўк нўхат) – “Востов-55” нави
5. Кўк хантал – “Юбилейная” нави
6. Горох + мойли турп.

Делянканиннг майдони – 56 м², такрорлар сони – 3 та. Экиш 18-20 октябр кунлари рапс – 16,0 кг/га, горох – 70 кг/га, кўк хантал – 14,0 кг/га, мойли турп – 20,0 кг/га, аралаш вариантда эса экиш меъёрлари яримдан олинди. Экишдан олдин гектарига N₃₀P₁₀₀K₆₀ кг солиниб, эрта баҳорда N₃₀ билан озиклантирилди. Экилгач 600-700 м³/га меъёрда 3 марта суғорилиб, шундан биттаси эрта баҳорда амалга оширилди.

Картошка экилишидан 10-12 кун олдин сидерат экинлар ҳосилдорлиги аниқланиб, сўнгра КИР-1,5 русумли агрегатда ўриб, янчи ташланди, устидан дискаланди ва 28-30 см чуқурликда шудгорланди.

Кузатиш натижаларига кўра, март ойи учинчи ўн кунлигида сидерат экинларда гуллаш рўй берганлиги аниқланди. Шу даврда ўсимлик бўйи рапсда 117,2, мойли турпда 124,1, горохда 209,4, кўк ханталда 223,1 ва горох+мойли турпда 219,0 см, 1 м² даги туп қалинлиги эса, мос равишда 478,0; 484,6; 199,6; 478,5 ва 493,0 донани ташкил этди. Ўрганилган сидерат экинларда биомасса ҳосилдорлиги гектаридан 27,5-35,3 тоннани ташкил қилди. Энг юқори (34,6-35,3 т/га) биомасса ҳосилдорлиги мойли турп соф ва горох+мойли турп аралаш ҳолда экилганда олинди. Кузги сидерат экинлар уруққа ўстирилганда уруғ ҳосилдорлиги рапсга - 23,7 т/га, кўк ханталда - 19,0 т/га, мойли турпда - 23,0 т/га, горох (кўк нўхатда) - 28,0 т/га ни ташкил этгани қайд этилди. Турли кузги сидерат экинлардан сўнг картошканиннг ўртатезпишар “Sylvana” нави уруғлик туганакларининг дала унвчанлиги, ўсиши, ривожланиши, палак ва туганак, барг сатҳи шакллари

1-жадвал.

Картошканиннг кузги сидератлардан сўнг экилган “Sylvana” нави ҳосилдорлиги, товар ва уруғбop ҳосил чиқими ҳамда кўпайиш коэффициенти (2020-2021 й.)

№	Сидерат экин номи	Ҳосил-дорлик, т/га	Шу жумладан				Кўпайиш коэффи-циенти	Айниган туганаклар салмоғи,%
			товар ҳосил		уруғбоп ҳосил			
			т/га	%	т/га	%		
1.	Кузги шудгор (назорат)	28,1	25,0	89,5	15,4	61,1	4,6	3,7
2.	Рапс	33,8	32,7	96,8	22,8	69,8	6,9	1,2
3.	Мойли турп	33,5	31,9	95,5	21,9	68,8	6,6	1,5
4.	Горох (кўк нўхат)	39,3	38,8	98,9	29,0	74,8	8,8	1,1
5.	Кўк хантал	38,0	37,3	98,3	27,5	73,8	8,3	1,1
6.	Горох+мойли турп	38,6	38,0	98,6	28,3	74,4	8,6	1,1

ЭКФ₀₅ = 0,7-1,1 т/га

ниши сезиларли фарқланди.

Маълумотларнинг кўрсатишича, кузги шудгор (назорат) вариантыга нисбатан сидератлар қўлланилганда уруғлик туганаклар дала унвчанлиги 96,7 дан 99,9% гача ошганлиги, униб чиқиш 3-4 кунга жадаллашганлиги, ўсув даври 5-7 кунга узайгани қайд этилди. Айниқса, сидерат экин горох бўлганда бу кўрсаткичлар энг юқори миқдорини ташкил этди.

Сидерат экинлар, горох, кўк хантал, рапс, мойли турп ва горох+мойли турп аралаш қўлланилганда баланд бўйли (75,7-82,8 см), серпоя (4,3-4,6 дона), бақувват палакли (462,1-494,5 г) ва барг сатҳили (0,99-1,03 м²) ўсимликлар шаклланиши эвазига юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари, яъни бир туп туганак ҳосили 838,5-997,6 г., туганаклар сони 10,0-11,2 дона, битта туганак ўртача вазни 83,8-89,5 г. кузатилди.

Картошка ҳосилдорлиги сидерат экинлар бўйича гектари-дан 28,1 дан 39,3 тоннагача ўзгарди (1-жадвал).

Энг юқори (38,0-39,3 т/га) ҳосилдорлик сидерат экинлар – горох (кўк нўхат), кўк хантал, соф ҳолда ва горох – мойли

турп аралаш қўлланилганда олинди. Шунда энг товарбон (37,3-38,8 т/га), уруғбон ҳосил (27,5-29,0 т/га) ҳамда кўпайиш коэффиценти (8,3-8,8) энг кам айниган туганаклар (1,1%) салмоғини ташкил этди.

Демак, Қашқадарё вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида сидерат экинларидан – горох, кўк хантал соф ҳолда, горох+мойли турп вариантыни аралаш ҳолда кенг жорий этиш ҳамда картошканинг “Sylvana” на-вини экиш орқали ҳар гектаридан 30-35 тоннадан ошириб товар, 25-27 тонна сифатли уруғбон ҳосил олиш имкони юзага келади.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,

профессор,

Хусниддин ХУРРАМОВ,

магистрант,

Сохиба СУННАТОВА,

ўқитувчи,

ҚаршиДУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Григорьев С.С., Седова Н.А. Индустриальное рыбководство. Учебное пособие. – Петропавловск, 2008
2. Шерман И.М., Чижик А.К. Прудовое рыбководство. Учебное пособие. – Киев, 1989 г.
3. Гамыгин Е.А., Лысенко В.Я., Скляр В.Я., Турецкий В.И. Комбикорма для рыб. - М.: Агропромиздат, 1989 г.
4. Л.С. Кожаров «Основы комбикормового производства», – Москва ПИЩЕПРОМИЗДАТ, 2004 г.
5. Ковриков, И.Т., Кириленко, А.С. Повышение производительности пресс- грануляторов путем ограничения рабочего пространства дополнительными контактными поверхностями // Известия вузов. Пищевая технология. – 2011.
6. Камиллов Б.Г., Халилов И.И. Разведение форели в условиях Узбекистана. Практические рекомендации для фермеров. – Ташкент, 2014.

УЎТ: 636.28/22.72.75.10

ТАДҚИҚОТ

КРУИЗ ЭКСТРА ОРИГИНАЛ ПРЕПАРАТИНИНГ ИЛДИЗҚИРҚАР ТУНЛАМЛАРГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

В данной статье Cruise Extra Original 362 г/л к.с., (тиаметоксам 350 г/л + мефеноксам 3,34 г/л + флудиоксонил 8,34 г/л) результаты применения представлены в порядке возрастания.

In this article, Cruise Extra Original 362 g/l q.s., (thiamethoxam 350 g/l + mefenoxam 3.34 g/l + fludioxonil 8.34 g/l) the results of the application are presented in ascending order.

Кириш. Соя ўсимлиги ўзининг ҳар томонлама озуқабоплиги, инсон саломатлигига яхши самара бериш-лиги, айниқса, саноатда ва чорвачилик йўналишларида катта аҳамият касб этади. Шунинг учун турли мамлакат-ларда кенг майдонларда соя етиштирилишининг боиси шундаки, унинг дони ва яшил массаси тўйимли бўлиб, озиқ-овқат, чорвачилик, техника ва тиббиёт соҳаларида ишлатилиши мумкин. Сояда навга ва етиштириш шаро-итларига боғлиқ ҳолда 40-48% гача оқсил, 22-26% гача ёғ, 25-30% гача углеводлар, 6% гача минерал моддалар ва 12 хил асосий витаминлар мавжуд. Ҳозирги кунда соя Ўзбекистоннинг импорт маҳсулоти бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ -2832- сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган соя етиштириш-

ни ривожлантириш, соянинг серҳосил навларини яратиш ва экин майдонларини кенгайтириш ҳамда соя селекцияси ва бирламчи уруғчилигини тизимли ташкил этиш бўйича республикада кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқот услублари ва материаллари. Тажрибалар-дан маълумки, илдизқирқар тунламлардан кузги тунлам, соя ўсимлигининг кўчат сонига, бу эса, ўз навбатида, ҳосилдорлигига жиддий зарар етказади. Кузги тунлам таъсирида соя ўсимлигининг ҳосилдорлиги анча пасайи-ши кузатилди. Сабаби шундаки, кузги тунлам тушган соя майдонларида режадаги кўчатлар сони кескин камайиб, сийраклашиб кетади. Асосан, уруғ қадалгандан сўнг соя уруғининг униб чиқиш даврида илдизқирқар тунламлар би-лан зарарланиш оқибатида кўчатларнинг сўлиб сарғайиши ва юзаси буришиб қолишига сабаб бўлди. Чунки зарар-кунандалар ўсимлик униб чиқиш даврининг дастлабки даврида пайдо бўлди, соя бандидан ташқари энди пайдо

бўлган чинбарглари ҳам зарарланди. Кузги тунламлар билан зарарланган ўсимликларда физиологик ва биохимик жараёнлар бузилади. Буларнинг ҳаммаси соя ўсимлигини кучсизлантириб, кўчатлар сони камайишига олиб келади, натижада, ҳосилдорлик пасайиб, ҳосил сифатсиз бўлади.

Кузги тунлам ғўза, ерёнғоқ, соя ва бошқа кўплаб турдаги экинларга зарар етказилади.

Илдиз курти 34 та ўсимликлар оиласига мансуб бўлган юзлаб турдаги ўсимликларга зарар етказилади. Унинг энг хуш кўрган ўсимлиги ғўза, соя, беда, қанд лавлаги, маккажўхори, ғалла ва полиз экинларининг ёш ниҳоллари, бегона ўтлардан: шўра, печакўт ва бошқалар ҳисобланади.

Соянинг Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган ва давлат реестрига киритилган "Тўмарис" навидан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба-дала участкасига экилиб, қуйидаги тажриба тизими бўйича тажриба олиб борилди.

Тажриба даласи тупроғи азалдан суғорилиб деҳқончилик қилиб келинаётган, механик таркиби ўтлоқи соз тупроқ бўлиб, шўрланмаган, ерости сувлари сатҳи чуқурлиги 5-8 м.гача жойлашган. Балл бонитети 60 баллни ташкил этган дала майдонларида олиб борилди.

Тажриба 3 вариант, 4 қайтариқдан иборат бўлиб экилди. Тажриба делянкаларнинг узунлиги 200 метр, эни 7.2 метрни ташкил этиб, делянкаларнинг умумий майдони 1440 м² ни ташкил қилди. Илмий тадқиқот ишлари 2021 йил давомида Андижон вилояти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба участкасида ўтказилди.

Тажрибада сояга экиш олдида 3,0 л/т. меъёрларда кимёвий препаратлар билан ишлов берилди.

Лаборатория таҳлиллари эса институтнинг "Ўсимликлар ҳимояси ва агрокимё" лабораторияси ҳамда "Ўсимликлар физиологияси ва дон сифатини баҳолаш" лабораториясида олиб борилиб, ҳар бир тажрибалар бўйича таҳлил натижалари ўрганилди.

Тажрибада экилган соянинг "Тўмарис" навининг илдизқирқар кузги тунламлар билан зарарланиши ҳамда вариантлар бўйича қўлланилган кимёвий препаратларнинг ҳашаротларга қарши биологик самарадорлиги ўрганилганда қуйидагича кузатилди:

Соя ниҳоллари чинбарг чиқариш даври бошланишида апрелнинг охири кунлари ва май ойининг бошларида илдизқирқар кузги тунламлар билан зарарланиши кузатилди. Тажрибаларда назорат вариантыга нисбатан таққослаб таҳлил қилинганда:

Уруғлик чигитларга экишдан олдин Круизер Экстра Хлопок 362 сус.к 3.0 л/т. ва янги Круиз Экстра Оригинал 362 гр/л к.с препарати 3,0 л/т меъёрларда уруғдорилагич препаратлар билан дориланган вариантларда маълум вақтгача (30-35 кун) назорат – ишлов берилмаган вариантга нисбатан илдизқирқар тунламлар ҳашаротларидан самарали ҳимоя қилингани тажриба вариантларида кузатилди.

Кузги тунлам зараркунандасига қарши кимёвий кураш чорасининг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажрибамизда ишлов берилгандан кейинги зараркунандалар сони назоратга нисбатан 3 кундан сўнг 1.2 тага, 7 кундан сўнг 0.9 тага, 14 кундан сўнг 0.6 тага камайганлигини, шу билан биргаликда, биологик самарадорлик назоратга нисбатан 3 кундан сўнг 76,4 фоизга, 7 кундан сўнг 82,3 фоизга, 14 кундан сўнг 91,6 фоизга ошганлигини ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичи эса назорат вариантыда 25,0 ц/га бўлган бўлса, тажриба вариантыда 32,5 ц/га ташкил қилиб, қўшимча ҳосилдорлик 7,5 ц/га ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Олиб борилган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга қуйидаги хулосаларни бериш мумкин: Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соя ўсимлигининг илдизқирқар тунлам зараркунандасига қарши Республика Давлат Кимё комиссияси томонидан тасдиқланган препаратлардан янги Круиз Экстра Оригинал 362 гр/л к.с. препаратини 3.0 л/т. қўллаганимизда 7,5 ц/га қўшимча ҳосилдорликка эришилди.

Мадинахон РАХМОНОВА,

қ.х.ф.ф.д, доцент,

Кимсанбой ҲАМДАМОВ,

катта ўқитувчи,

Фазлиддин УЗОҚОВ,

магистр,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Р. Сиддиқов, М.Маннопова ва бошқ. Ўзбекистонда соя ўсимлигини асосий ҳамда такрорий қилиб ўстириш агротехнологияси бўйича тавсиянома.
2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш ҳамда агротоксикология асослари. Тошкент, 2014.
3. Доспехов Б.А. "Дала тажрибаси методикаси". Москва 1985 й, 12-30-бет.

УЎТ: 636.28/22.72.75.10

ТАДҚИҚОТ

СИРДАРЁ ШАРОИТИДА ЧОРВА ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришда чорвачилик муҳим ўринни эгаллайди. Кейинги йилларда ушбу соҳани янада ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 18 мартида "Чорвачи-

лик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №ПК-4243 қарорда чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш халқимизни арзон ва сифатли гўшт ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ

жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутуши қайд этилган. Мазкур қарорда озукабон экинларнинг янги навларини яратиш, уларнинг агротехнологияларини такомиллаштириш, бирламчи уруғчилик ишларини ташкил этиш, элита уруғларини етиштириш, ер таркибини яхшиловчи кучсиз ва ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитларига мос юқори оқсилли озукабон экинларни иқлимлаштириш ва бирламчи уруғчилик ишларини олиб бориш учун моддий-техника базасини яхшилаш масалаларига аҳамият қаратилган.

Оралик экинлар чорва озук сифатини яхшилайди, унинг базасини мустаҳкамлайди, экин майдонларидан самарали фойдаланишга ёрдам беради, сидерат экин сифатида тупроқ унумдорлигини оширади, шамол ва ёмғир эрозиясидан сақлайди, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди.

Оралик экинларнинг Сирдарё вилояти табиий иқлим шароитига мос турлари ва навларини танлаш мақсадида Сирдарё чорванасл маркази, Гулистон давлат университети ва Озиқа экинлари илмий-тажриба станцияси билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада вилоятнинг табиий иқлим шароитига мос оралик, озукабон экинлардан деб топилди:

Тритикаленинг “**Армуғон-60**” нави. Бошоқли, озукабон ва сидерат экин. Мазкур нав паст бўйли бўлиб ётиб қолишга чидамли. Поя таркибидаги хом протеин миқдори 6-6.4% ни, клетчатка 38,0% ни ташкил этади. Ҳосилдорлиги 250-280 ц/га, дуккакли экинлар билан бирга экилганида 310-330 ц/га ташкил этади.

Виканнинг “**Мирзачўл-1**” нави. Мазкур нав 2020 йилдан давлат реестрига киритилди. Кузги дуккакли, озукабон ва сидерат экин бўлиб, тўйимлилиги жиҳатидан бедага тенг. Поя таркибидаги хом протеин миқдори 19.5%, ёғ -3.9 ва клетчатка 26.9% ни ташкил этади. Бошоқли ва дуккакли экинлар агроценозининг компонентларидан ҳисобланиб кузда бошоқли экинлар, жумладан, тритикале билан қўшиб экилса, қўшимча 35-40 ц/га сифатли озук етиштирилади.

Арпанинг “**Ўзбекистон-30**” нави. Мазкур нав 2021 йил-

дан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказига синонга топширилди. “Ўзбекистон-30” арпа нави дони одатдаги арпа навларидан пўстсиз бўлганлиги билан фарқ қилади. Оқсил миқдори 9-10% ни, клетчатка 37-38% ни ташкил этади. Кузги дуккакли дон экинлар билан бирга оралик экин сифатида кузда экилади. Дон ҳосилдорлиги 33-34 ц/га ни ташкил этади. Мазкур арпа навидан озук экин ва биологатория маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлади.

Кузги виканнинг “**Мирзачўл-2**” нави. Ушбу нав 2021 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказига синонга топширилди. Дон ҳосилдорлиги 16-18 ц/га, унинг таркибидаги оқсил 20-25% ни ташкил этади. Озуқа ва сидерат экин сифатида бошоқли дон экинлари билан қўшиб экилади. Унинг донидан паррандалар учун омухта ем ишлаб чиқариш мумкин.

Мазкур навлардан оралик, озукабон, сидерат экин сифатида фойдаланишда қуйидаги масалаларга аҳамият бериш керак деб ҳисоблаймиз:

1. Оралик, озукабон экинлар уруғчилигини ташкил этиш.
2. Бошоқли ва дуккакли дон озукабон экинларнинг илмий асосланган агроценозини шакллантириш. Дунё тажрибасидан маълумки, бундай агроценоз ҳосилдорлигини оширади ва маҳсулот сифатини яхшилайди.
3. Озуқа рационини такомиллаштириш. Бу кейинги йилларда республикамизга четдан зотли қорамолларни олиб келиш билан боғлиқ.

Юқорида масаларнинг ечими келгусида Сирдарё вилоятида оралик экинлар майдонини 10000 гектарга етказиш, сифатли озук етиштириш унинг базасини янада мустаҳкамлашга имконият яратилади.

Тожидин КУЛИЕВ,

ГулДУ доценти,

Кобулжан АЗИЗОВ,

Озиқа экинлари илмий-тажриба станцияси катта илмий ходими,

Рахим НЕМЕТОВ,

Сирдарё чорванасл маркази раҳбари.

УЎТ: 636.

ТАДҚИҚОТ

ГЎШТЛИ ҚОРАМОЛЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада гўшти чорвачиликдаги йўл қўйилаётган камчиликлар ва унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабабларни очиқ бериш ҳамда соҳани инқироздан олиб чиқиш йўллари асослаш келтирилган.

The article discusses the disclosure of the shortcomings of beef cattle breeding and the reasons hindering its development and substantiate ways to bring the industry out of the crisis.

Чорвачиликнинг энг мураккаб муаммоси - бу мол гўшти ишлаб чиқариши бўлиб, у йиллик балансда аҳоли жон бошига жаҳон бўйича гўшт истеъмолида 333 млн. тоннани ташкил этади. Мол гўшти етиштиришни кўпайтиришнинг иккита манбаси мавжуд: бу сут чорвачилиги ва нисбатан янгиси – ихтисослаштирилган гўшти чорвачилик. Инсоннинг сутни истеъмол қилиши бундан 12 минг йил олдин, уларни уй шароитида боқшдан бошланган. Дунёда 6 млрд.дан

ортиқ одамлар сут ва сут маҳсулотларининг истеъмолчилари ҳисобланади ва 1 млрд.га яқини сут фермалари хўжаликлари фаолияти ҳисобидан кун кечиради. 2030 йилга бориб сутга бўлган талаб 35 фоизга ёки 304 млн. тоннага ошади. Бу вақтга келиб 1,2 млрд. янги сут истеъмолчилари қўшилади. Дунёда аҳоли жон бошига сут истеъмоли ўртача 12 фоизга ошади. Ҳозир дунёда 876 млн. тн. сут ишлаб чиқарилади, унинг 95% сигирлар сутига тушади [1].

Нашрларда, асосан, гўштли насли буқаларни сутли ва қўшма аралаш насли урғочилар билан саноатли чатиштириш натижалари, шунингдек, гўштли чорвачиликнинг ижобий томонларини, янги насл, йўналиш ва турларини кўпайтириш муаммолари ёритилган.

Гўштли чорвачиликда йилнинг барча фаслларида ҳайвонларни кўпайтириш, боқиш ва парвариш қилиш асосий ҳисобланади. Шундай қилиб, илм-фан ва ишлаб чиқаришни муаммоларни ечишга – ҳайвонларни кўпайтириш, боқиш ва парваришнинг кам харажатли, иқтисодий самарали тизимларини, шунингдек, яйловлар негизда ем-хашак етиштиришни ишлаб чиқишга қайта йўналтириш зарур [2].

Ҳайвоннинг ўзи ишлаб чиқарадиган биологик энергиядан, шунингдек, озуқа олиш, об-ҳаводан яшириниш, туғиш ва ўз наслини улғайтириш каби табиий инстинктлардан максимал даражада фойдаланишни асослаш керак. Гўштли қорамолларнинг асосий камчилиги сигирнинг паст маҳсулдорлигидир. У йилига битта бузоқни боқиши мумкин. Хўжаликда нотўғри бошқарувда унинг иқтисодиёти сут чорвачилигидан икки, баъзан уч баравар паст. Гўштли чорвачиликда ўсиш учун улар сут чорвачилигига қараганда 2-3 баравар кўп озуқа бирликларини сарфлайдилар, чунки чорва учун ишлатиладиган барча емлар битта маҳсулотга – ўсишга тегишлидир.

Пода айланмаси тугалланган гўштли чорвачилик тизимида ҳосил бўлган ёш ҳайвонлар битта хўжаликда сотиш учун етиштирилганда сигирлар улуши 45% ни ташкил этади, бу сут чорвачилигидан кам. Шу сабабли, худди шундай ўлчамдаги гўштли подаларда сигирлар камроқ бўлади ва улар ҳар битта бошига камроқ бузоқ беради. Бузоқларни боқишда сигирларда бузоқ туғилгандан кейин тухумдонларнинг сариқ танасининг йўқолиши кечикиб, уларнинг туғмаслигига олиб келади.

Гўштли чорвачиликнинг камчилиги сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг пастлиги бўлиб, боқиш даврида бузоқларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади, ҳайвонларнинг ҳаддан ташқари қўзғалувчан асаб тизими, айрим насли урғочиларнинг оғир туғиши ҳисобланади.

Гўштли чорвачиликнинг катта камчилиги наслдор ва

сотилиши мумкин бўлган чорва моллари подалари сони ўртасидаги рационал муносабатларнинг бузилишидир. Наслчилик чорва моллари подаларида одатда 12 насл турининг ярмидан кўпи боқилади. Шунинг учун ҳам ёш ҳайвонларга бўлган талаб минималдир. Наслчилик корхоналари ёш ҳайвонларни фақат сўйиш учун арзон нархларда сотадилар, ва шунинг учун катта зарар кўради, наслчилик маҳсулотлари сифатини пасайтиради ва ҳайвонлар сонини камайтиради.

Гўштли чорвачиликда мол гўшти етиштириш учун бузоқли сигирлар боқиш бўйича арзон фермер хўжаликларини қуриш ва модернизация қилиш учун ўрта ҳамда узоқ муддатли кредитлар ажратиш имкониятларини кенгайтириш, гўшт фермалари ва комплекслари учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини қуриш ҳамда яйловлар ва пичанзорларни ташкил этиш ёки хусусий корхоналарга қурилиш харажатларини қисман қоплаш зарур.

Гўштли чорвачилик ҳайвонларни турли хил ва арзон озуқа билан таъминлайдиган яйловлар етарли бўлган жойларда самарали ҳисобланади, чунки ўтларни ўриш, уни етказиб бериш ва чорва молларига тарқатиш, ҳайвонларни парвариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни ишлаб чиқариш циклидан чиқариб ташлайди. Ҳайвоннинг махсус технологиясидан фойдаланган ҳолда бу операцияларнинг барчаси инсон аралашувисиз ўз-ўзидан амалга оширилади. Табиий яйловлардан олинган ем-хашак маҳсулот таннархига кам таъсир қилади.

Хулоса. Йилига бир бузоқ ва маҳсулот учун юқори озуқа харажатлари билан чекланган, гўштли чорвачилик сут чорвачилиги ва бошқа ҳайвонлар турлари билан маҳсулдорлик бўйича қуйидаги шароитларда иқтисодий рақобатга бардош беради: сут чорвачилигига ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга нисбатан озуқа бирлигининг 2 баравар арзон бўлишига йилнинг барча фаслларида яйловларни яратиш ва улардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

Смагул АБУОВ,
Гулмира АМАНОВА,

СамВМИ Нукус филиали профессор-ўқитувчилари.

АДАБИЁТЛАР

1. Сулейманов Е.Н. Рекомендации по разведению крупного рогатого скота мясных пород. - М.: «Ось-89», 2011.
2. Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асослари. Дарслик. Т.: «Ношир» нашриёти. 2010.

УЎТ: 628.218

ТАДҚИҚОТ

СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН ИШОНЧЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Ушбу мақолада сув омборларини эксплуатация қилиш ишончлилигини баҳолаш бўйича тадбирлар келтирилган ва тадқиқот натижалари акс эттирилган.

This article presents measures to assess the reliability of the operation of reservoirs and reflects the results of the research.

Ҳар қандай сув омборида – ер қимирлаганда, тошқин вақтида ва бошқа фавқулодда шароитларда авария рўй бериш эҳтимоли ортади. Гидротехник иншоотлар (ГТИ) ни кундалик ишлатиш жараёнида эса кўп йиллик эксплуатация давридаги турли таъсирлар, лойиҳа, қурилиш ва эксплуатация қилишдаги камчиликлар натижасида сув омбори ишончлили-

гига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлиб боради.

Олиб борилган кузатувлар натижаси ва эксплуатация маълумотлари шуни кўрсатдики, ирригация сув омборларини эксплуатация қилиш жараёнида уларни авария ҳолатларига олиб келувчи ва ишончлилигига таъсир этувчи гидрологик, техник ва экологик омиллар рўй бериши мумкин. Сув омбор-

лари эксплуатацияси ишончилигига техник, гидрологик ва экологик омиллар таъсиридаги ишончилиқнинг элементлари аниқланди ва қуйидагича ифодаланди:

- Сув омборининг меъёридан ортиқ тўлиб кетиши;
- Сув омбори ҳавзасининг лойқа-чўқиндиларга тўлиб бориши;
- Тўғон юқори қиялигидаги ҳимоя элементларининг бузилиши;
- Тўғон танасидаги фильтрация жараёнларининг ўзгариши;
- Тўғон танасининг меъёридан ортиқ чўқиши ва силжиши;
- Сув чиқарувчи иншоотдаги носозликлар;
- Дренаж ва бошқа туннеллардаги ўзгаришлар;
- Иншоотлардаги электр ва механик қисмларнинг ишдан чиқиши;
- Пастки бьефнинг ювилиши, охириги туташтирувчи иншоотларнинг бузилиши;
- Сув омборида электр тармоқларининг узилиб қолиши ёки захирадаги электр-энергия манбасининг ишдан чиқиши;
- Сув омборига қуйилувчи ва ундан чиқувчи каналларнинг бузилиши;
- Сув омборидаги сув сифатининг ёмонлашуви (агрессивлашуви);
- Сув омбори ҳавзасининг сув муҳофазаси чегараларининг бузилиши.

Сув омбори ишончилигига гидрологик омилларнинг таъсири сув омборини тўлдириш ва бўшатиш тартиботига амал қилмасликда, ҳавзанинг лойқага тўлиб боришида, тўлқин таъсиридаги ўзгариш жараёнларида намоён бўлса, техник омиллар таъсири тўғон танасининг меъёридан ортиқ чўқиши ва силжишида, сув чиқарувчи иншоотлардаги носозликларда, механик жиҳозларнинг ишдан чиқишида ва бошқа ҳолатларда,

экологик омилларнинг таъсири эса, ҳавзадаги сув сифатининг ўзгариши натижасида (агрессивлигининг ошиши, сув юзасида турли чиқиндиларнинг сузиб юриши, ва бошқа) сув омбори ГТИ да рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларда, ҳавзанинг сув муҳофазаси чегаралари чизигининг бузилиши натижасидаги ўзгариш жараёнларида намоён бўлади. (1-расм)

Ҳар бир омилнинг юзага келмаслиги ёки унинг таъсири кам бўлишини таъминлаш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашув асосида уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш ва ушбу сабабларнинг олдини олиш чораларини белгилаб, амалга ошириш лозим. Шунинг учун сув омбори иншоотларини ишлатувчи ходимларнинг биринчи галдаги асосий вазифаси –уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласидир. Бунинг учун сув омбори, унинг иншоотлари ва жиҳозларини техник ишлатиш жараёнида уларнинг иш қобилиятини таъминлаш ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатларининг олдини олиш учун қуйидаги энг асосий вазифаларни бажариш керак:

- иншоотлар, улардаги механик ва электр жиҳозларнинг техник ҳолатини ҳар куни визуал кузатиб бориш ва йўриқномада белгиланган тартибда назорат-ўлчов ишларини бажариш;

- кузатув натижаларини зудлик билан қўлланма ва белгиланган дастурлар асосида қайта ишлаб, таҳлил қилиш асосида иншоотнинг иш ҳолати бўйича хулоса чиқариш, бажарилган ишлар бўйича барча маълумотни тегишли журналларга қайд қилиш ва компьютер хотирасига киритиш;

- кузатувлар натижалари асосида иншоот ва жиҳозларнинг жорий таъмирлаш ишларини режалаштириш, тўлиқ ва режадаги таъмирлаш ишларига аниқликлар киритиш ва уларни ўз вақтида талаб даражасида бажариш;

- захирада керакли қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар, назорат-ўлчов аппаратлари, электр-энергия манбаи ишга яроқли ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларни ўз вақтида бутлаб туриш;

- иншоотларни техник ишлатишни такомиллаштириб бориш, фан-техника янгиликларини, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиб бориш;

- ходимларнинг маънавиятини ошириш билан доимий равишда шуғулланиш, илмий-амалий семинарларда иштирок этиш ёки ўз ҳудудида ташкил этиш, тегишли мутахассисларни таклиф этиш;

- бош қармада, иш жойларида керакли лойиҳа ва ижроия ҳужжатлари, техник адабиётлар, йўриқномалар, қўлланмаларнинг доимо мавжуд бўлишини ва яхши сақланишини таъминлаш.



1-расм. Сув омборлари эксплуатацияси ишончилигига таъсир этувчи омиллар схемаси.

Ушбу тадбирларни шароит тақозоси билан эмас, балки илмий асосланган ҳолда доимий, айнан кузатишлар натижалари асосида режалаштириб олиб бориш керак. Бунда иншоотлар ва жиҳозларнинг техник ҳолати ҳақидаги маълумот қанча кўп ва узоқ муддатли бўлса, ҳисоблар шунча аниқ бўлади. Ушбу маълумотларни ишончлилик назарияси усуллари билан қайта ишлаб, ҳар бир элемент ва умуман сув омбори мажмуасининг ишончлилик мезонлари аниқланади. Улар асосида сув омбори мажмуаси ва унинг элементлари ишончлиликка баҳо берилиб, юқорида айтилган тадбирлар режалаштирилади.

Ирригация сув омборларини эксплуатация қилишда шошилиш чора-тадбирлар ўз вақтида режалаштирилиб олиб борилса, уларда учраб турадиган носозликлар, авария

ҳолатларининг олди олиниб, сув омбори эксплуатацияси ишончлилик янада ортади ва такомиллашади, сув омбори захирасидаги сувдан эса, самарали фойдаланишга эришилади.

Фурқат ГАППАРОВ,
т.ф.д., катта илмий ходим,
Илҳомжон МАХМУДОВ,
т.ф.д., проф., бош илмий ходим,
Жасурбек НАРЗИЕВ,
таянч докторант,
Муштарийбону ҒАФФОРОВА,
таянч докторант,
ИСМИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Справочник по надежности. Том 1. М.: Мир, 1969. 340 с.
2. Сув омборларининг техникавий эксплуатацияси бўйича намунавий йўриқнома/ САНИИРИ. Тошкент, 2007 й. 75 б.
3. Сув омборларида иншоотларнинг техник ҳолатини айнан кузатиш бўйича қўлланма/ САНИИРИ. Тошкент, 1994 й. 60 б.

УЎТ: 631.3(575.1)

ТАДҚИҚОТ

ҒАЛЛАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ХУСУСИЙ МАШИНА ПАРКИ ВА ТАЪМИРЛАШ-ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БАЗАСИНИ АСОСЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

The article describes the principles of substantiation of the fleet of machines and the repair and maintenance base of grain-growing clusters

Ғалла – бу нон. Нон эса одамзотнинг асосий емиши, тириклик манбаи. Шу боис, ғалла ҳосилини етиштириш, уни қайта ишлаб, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига айлантириш республикамызда ғаллачилик кластерларига юклатилган. 2022 йил январ ойи ҳолатига 157 та шундай кластер фаолият юритмоқда. Ўтган йили юз фоиз ғалла кластерларда етиштирилди.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш бўйича 2021 йилнинг октябр ойида ўтказган видео йиғилишида нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўп етиштириш, балки ҳосилни қайта ишлаш даражасини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла ўтиш долзарблигини аниқ рақамлар асосида кўрсатиб берди. Бу вазифаларни бажаришда илмнинг роли алоҳида эканлигини таъкидлаб, қатнашчиларга бир неча бор “илм”, “илм” ва “яна илм” деб ўқитиб ўтди.

Бу фикрлар ғаллачилик кластерлари учун ҳам тўла ўринлидир. Зеро, кластерда экин майдонларидан унумли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ғалла етиштиришдаги технологик операцияларни машина ва механизмлар ёрдамида оптимал муддатларда адо этиш, ўсимликларни ва ҳосилни касаллик ва зараркундалардан ишончли ҳимоя қилиш каби деҳқончилик ва муҳандислик тадбирлари илм-фан ютуқларига таянган ҳолда такомиллаштирилса ва жорий этилсагина кўзланган мақсадга эришилади. Бу йўналишда кластер учун зарур бўлган машина-трактор парки ва техник хизмат кўрсатиш (ТХК) базасининг таркибий ва миқдорий кўрсаткичларини асослашга доир мақсадли илмий изланишларни бажариш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 апрелда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур”ида жумладан, “Пахта – тўқимачилик, ғаллачилик, мева–сабзавотчилик ва шолчилик модел кластерларининг юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлайдиган қишлоқ хўжалиги машиналари ва таъмирлаш техник-хизмат кўрсатиш объектларининг рационал таркиблари ва миқдорларини асослашнинг ҳисобий моделлари ва ҳисобий дастурларини ишлаб чиқиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда ғаллачилик кластерларнинг бош моделини яратиш, ғаллачиликдаги агротехник мавсумларнинг давомийлиги ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг ўртача иш унуми мезонлари асосида бош модел кластерининг хусусий машина паркини шакллантириш, бош моделнинг таъмирлаш ва ТХК базаси таркибини танлаш ва уни зарур технологик қурилмалар билан жиҳозлаш муҳим омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (ҚХМИТИ)да бажарилаётган ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4410-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги “Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги 806-сонли Қарори ҳамда мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар (кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, агрохолдинглар ва бошқалар) моделларини яратиш, машина-трактор парки (МТП) таркиби ва миқдорларини аниқлаш, бундай паркка ТХ кўрсатувчи базани барпо этиш ва унинг самарасини ошириш бўйича бир қатор хорижий ва мамлакатимиз олимлари илмий тадқиқот ишларини бажаришган.

Бу тадқиқотлар давомида шакллантирилган ғоялар, таклифлар ва тавсиялар трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига ТХК системасида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо уларда ғаллачилик кластерларининг ер майдонлари бўйича ҳудудий ва бош моделларини яратиш, модел кластерлар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган машиналарнинг рационал сонларини асослаш, машиналарнинг ишловчанлигини таъминлайдиган таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базасини ташкил этиш масалалари ўрганилмаган.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади модел ғаллачилик кластерида ғалла экинларини етиштириш учун талаб этиладиган машиналарнинг рационал сонларини асослаш ва таъмирлаш – ТХК базасини ташкил этиш орқали машина-трактор паркининг созлогини таъминлашдан иборатдир.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган ғаллачилик кластерлари, уларнинг балансидаги ғалла майдонлари ва қишлоқ хўжалиги машиналари, кластерларнинг бош ва ҳудудий моделлари, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базалари олинган.

Тадқиқот предмети ғаллачилик кластерларининг ҳудудлар кесимидаги гуруҳлари, 1000 гектар ғалла майдони учун талаб этиладиган машиналар таркиблари ва миқдорларини аниқлашнинг меъёрий методи, кластер бош моделининг рационал ғалла майдони ва техника сони, пунктларнинг намунавий лойиҳалари ва самарадорлиги каби параметр ва кўрсаткичлардан иборат.

Ишнинг кутилаётган илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1000 гектар ғалла майдони учун талаб этиладиган машиналар таркиблари ва миқдорларини аниқлашнинг агротехник мавсумлар давомийлиги ва машиналарнинг ўртача иш унуми каби мезонларга таянган меъёрий методи ишлаб чиқилади;

ғаллачилик кластерининг бош модели яратилади;

бош модел ер майдонида ғалла етиштириш учун талаб этиладиган техника воситаларининг таркиблари ва сонлари асосланади;

ғаллачилик кластери бош моделининг кўчма устахонага бўлган эҳтиёжи аниқланади.

ғаллачилик кластери бош моделининг ТХК базаси ва технологик қурилмалар таркиби асосланади.

Шундай қилиб, ғаллачилик кластери балансида туриши лозим бўлган техника воситаларининг турлари ва миқдорларини асослаш ҳамда ТХК пунктини ташкил этиш уларнинг йил давомида бузилмасдан ишлаш, демакки, кўп ва қайта ишлашга мос сифатли ғалла ҳосили етиштириш имкониятларини яратади.

Тохиржон ХАМРАҚУЛОВ,
ҚХМИТИ таянч докторанти.

УЎТ: 368,5

ТАДҚИҚОТ

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

В статье освещены порядок и практическое значение страхования урожайности сельскохозяйственных культур в условиях изменения климата и его практическое значение. Также был обсужден опыт зарубежных стран в области страхования сельскохозяйственных культур.

The article highlights the procedure and practical importance of insurance of crop yields in the context of climate change and its practical significance. The experience of foreign countries in the field of agricultural crops insurance was also discussed.

Бугунги кунда дунё давлатларини ташвишга солаётган глобал исийш ва иқлим ўзгаришларининг юзага келиши бево-сита атмосфера ҳавосига чиқарилаётган турли ташланмалар миқдорининг ортиб бораётганлиги, бу эса охир-оқибат инсоният олдида турган энг жиддий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мол-мулки ва етиштираётган маҳсулотларини суғурталаш, қутилмаган табиий офатлар ва стихияли ҳодисалар натижасида қўрилган молиявий зарарларни қоплаш кафолатининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, ҳосил суғуртаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни турли қалтисликлардан ҳимоя қилувчи кафолат ҳисобланади. Бу

билан аграр секторнинг барқарорлиги таъминланади, озиқ-овқат, экспорт қилинувчи маҳсулотлар ишончилиги, валюта тушуми ва иқтисодий эҳтиёт режалаштириш савияси кўтарилади. Шу боис, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ва қишлоқ аҳолиси учун барқарор суғурта бозорини изчил ри-вожлантириш долзарб вазифага айланди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида, шу жумладан, ҳосилни етиштиришда мавжуд таваккалчиликларни суғурталашни халқаро андоза даражасида йўлга қўйиш унинг қатор янги вазифа ва муаммоларини ҳал этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигида бозор инфрату-зилмаси таркиби ва бошқаруви такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитда:

- биринчидан, ҳосилни суғурталашни халқаро андо-

залар даражасида амалга оширилишини йўлга қўйиш, суғурталанувчилар томонидан мазкур хизматни тўлалгича ўзлаштириш учун унинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини мукамаллаштириш зарурияти мавжудлиги;

- иккинчидан, ҳосилни етиштиришда мавжуд таваккалчиликларни суғурталашнинг ташкилий-услубий шаклланиши ва такомиллашуви жараёни давом этаётганлиги;

- учинчидан қишлоқ хўжалиги соҳасини суғурталашни такомиллаштириб бориш зарурияти ушбу масалани долзарб қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда қабул қилинган 505-сонли “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори муҳим қадамлардан бири бўлди. Ушбу қарорда “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектларига пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиштириш учун бериладиган имтиёзли кредитларнинг 4 фоизи миқдорида суғурта харажатларига ажратиш бўйича ҳар йили:

-бошоқли дон экинлари ҳосили учун -1 февралгача;

-пахта ҳосили учун - 1 июнгача бўлган муддатларда суғурта шартномаларини расмийлаштириш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қарорда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш бўйича расмийлаштирилган суғурта шартномаларига асосан тўланиши лозим бўлган суғурта тоvonлари, пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи хўжалик субъектларидан тушган жами суғурта мукофотларининг 80 фоизгача бўлган қисми «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан қопланиши; суғурта тоvonларининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Ўзагросуғурта» АЖ га ажратиладиган бюджет субсидияси орқали қопланиши назарда тутилган.

Амалда ушбу механизм қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг тўлиқ суғурта ҳимоясини бермайди ва бир қатор муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Чунки, юқоридаги қарорда асосан давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчилари қамраб олинган. Боғ ва узумзорлар, сабзавот, полиз экинлари ҳосилини суғурталашда бундай механизм мавжуд эмас. 2021 йилдан бошлаб эса бошоқли дон экинлари учун ҳам давлат буюртмаси бекор қилинди.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш “Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги суғуртаси тўғрисида” ги қонунини қабул қилиш заруриятини тақозо этади.

Бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турли табиий офатлар натижасида кўрган зарарларини қоплаш механизми сифатида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини мажбурий суғурта қилиш тизимини амалиётга жорий қилиниши билан ажралиб туради. Кўпгина мамлакатларда жумладан: АҚШ, Канада, Европа Иттифоқига кирувчи барча мамлакатлар МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Латвия каби мамлакатларда қишлоқ

хўжалиги мажбурий суғуртаси тўғрисида қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан, Россияда “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонун 2011 йилда қабул қилинган.

Белоруссияда 2007 йилда “Қишлоқ хўжалиги экинлари, чорва моллари ва паррандаларни мажбурий суғурталаш масалалари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинган.

Қўшни Қозоғистон Республикасида 2004 йилда “Қишлоқ хўжалиги соҳасида мажбурий суғурта тўғрисида” қонун қабул қилинган.

Хорижий мамлакатлар амалиётида суғурта мукофотларининг бир қисмини (50 фоизгача) тўлаш учун фермер хўжаликларига субсидия маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Субсидия маблағларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига суғурта мукофотларини бир қисмини тўлаш учун ажратилиши механизми амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда қабул қилинган 505-сонли қарорида кўзда тутилган суғурта тоvonлари учун субсидия маблағлари ажратилишига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Жумладан:

- субсидия маблағлари тўғридан-тўғри фермер

хўжаликларига суғурта мукофотлари тўлаш учун ажратилади; - суғурта қамрови даражаси ошиши натижасида суғурта компанияларида зарарларни қоплаш учун етарли даражада захира маблағлари шаклланади.

Амалдаги тартиб бўйича субсидия маблағлари суғурта ташкилотига фақатгина суғурта тоvonлари ҳажми тушган суғурта мукофотларининг 80 фоизидан ошган қисмини қоплаш учун йўналтирилади. Бунда суғурта шартномасини кучга киритмаган, таъминот олинмасдан ишончли кредит ажратилган, лекин, табиий офатлар натижасида ҳақиқатда зарар кўрган фермер хўжаликларининг кўрган зарарлари қопланмасдан қолади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса, ишлаб чиқариш натижалари тўғридан-тўғри об-ҳавонинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган деҳқончилик соҳасида юзага келадиган таваккалчиликлар даражасининг юқорилиги, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва қишлоқ аҳолисининг молиявий иқтисодий ҳолатига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришига кенг қўламдаги инвестиция маблағларининг жалб этилишига сезиларли таъсир ўтказди. Бу борада кафолатланган суғурта ҳимоясининг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ажратиладиган кредит ресурсларини олиш учун кенг йўл очиб беради ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига инвестицияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий барқарорлигини ошириш, қишлоқ аҳолисини бандлиги ва турмуш даражасини ошириш имконини беради.

Абдурашид ВАХОБОВ,
“Ўзагросуғурта” АЖ бошқарувининг Суғурта
департаменти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси
бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди,

Акрам ЯДГАРОВ,
ТДИУ “Тармоқлар иқтисодиёти”
кафедраси доценти, и.ф.н.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармони. 2021 йил 3 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги 505-сонли қарори.

3. А.А.Ядгаров. Агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини суғурталаш. Монография. Тошкент-2020

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АГРОКЛАСТЕРЛАР ХУДУДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

The article reveals the effectiveness of the organization of the territory of agroclusters in the conditions of Uzbekistan.

В статье раскрыты эффективности организации территории агрокластеров в условиях Узбекистана

Қишлоқ хўжалигида кластер ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, пахта хомашёси, бошоқли дон ва бошқа маҳсулотларни етиштиришнинг самарали усуллари жорий қилиш, маҳсулотларни етиштириш ва чуқур қайта ишлаш ҳудудини ташкил этишда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда агрокластерлар ҳудуди фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифларни тўғри ва тизимли йўлга қўйиш, бундан ташқари, мамлакатимиздаги агрокластерлар ҳудудидаги мавжуд ресурс базаларини ўрганган ҳолда иқтисодиёт тармоқларида янги ишлаб чиқариш занжирларини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирда мамлакатимизда 122 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритмоқда, пахта ва тўқимачилик кластерлари ҳудудини ривожлантириш ва уларга муносиб шарт-шароит яратиш борасида хорижий тажрибалар асосида давлатимиз томонидан етарлича ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, пахта ва тўқимачилик корхоналари ҳудудини ташкил этишда босқичма-босқич иш олиб бормоқда.

Кластерлар ҳудудини шакллантиришдан мақсад – вилоят туман ва шаҳар ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборат.

Яна бир муҳим масала шундаки, қутилаётган натижага қишлоқ хўжалигида агрокластерлар ҳудудини ташкил этишда фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий қўллаб-қувватламасдан эришиб бўлмайди.

1-расм.



Умуман олганда, кластерлаштириш, бу — битта географик ҳудудда концентрациялашган ва маълум бир вазифани ечиш-

га қаратилган, ягона бошқарувдаги занжирга боғланган корхоналар гуруҳи бўлиб, улар бир-бири билан узвий алоқадаги, жамоавий рақобатлашувни мустақамлаш мақсадида ички кучларни ўзаро бирлаштирувчи илмга асосланган жараён ҳисобланади.

Кластер тизими афзаллигини юқори натижага эришаётган пахтачилик, боғдорчилик ва балиқчилик кластерлари мисолида таҳлил қиламиз, “ТСТ cluster” Тошкент пахта-тўқимачилик кластери Қуйи Чирчиқ туманида ташкил этилган кластер тизимига ўтгунча ҳудудда 10 йиллаб пахта тайёрлаш шартнома режаси бажарилмаган ер унумдорлиги пасайиб, ҳосил олишга ярамай қолган кластер қуруқ режа билан эмас, катта миқдордаги инвестиция ўз сармояси билан кириб келди 3000 дан ортиқ замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатлари келтирилиши, бошқарувнинг тўғри ташкил этилиши қишлоқ меҳнаткашларида ишонч уйғотди уларнинг бир мақсад йўлида бирлаштирди ва ҳудуд ривожига хизмат қилди 2019 йилда гектарига ўртача 35 центнердан пахта етиштирган бўлса, 2020 йилда гектарига 40 центнердан пахта етиштирилди, гап фақат центнерда эмас кластергача фаолият кўрсатган 370 та фермер хўжалигида жами 850 нафар доимий ишчи бўлган, 2020 йил якуни билан доимий ишчилар сони 8700 нафарни ташкил этди, солиқ тушумлари 4 млрд. сўмдан 53 млрд. сўмга кўтарилди, шу йилнинг охиригача қўшимча яна 2000 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Кластерлар ҳудудини ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклифларни тўғри ва тизимли йўлга қўйиш.
2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлиги паст бўлмаслиги учун, кластерлар ҳудудини тўғри ташкил қилиш ва табиатни ҳисобга олиш зарур.
3. Кластер тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш зарур, бунинг учун касб-хунар коллежларидан бирини тизимда шу соҳага ихтисослаштирилган коллежга айлантириш, пахта-тўқимачилик кластерида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни ташкил этиш.
4. Пахтачиликда янги замонавий илғор технологияларни жорий этиш, пахтачиликда ишга солинмаган катта имкониятлар мавжуд, бунинг учун пахта саноатининг замонавий технологияларини жалб қилиш зарур.

Санобар АБДУҚОДИРОВА,

таъин докторант,

Бурхон МИНАСИПОВ,

мустақил изланувчи,

“ТИҚХММИ” МТУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Volkov S.N. Автоматизированные системы проектирования в землеустройстве [Automated systems of land management projecting]. The textbook. Moscow: 2018. 667 p. (in Russian).
2. Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. Монография. Т.: «Фан». 2005., - 211 с.
3. Рахматов М. А, Зарипов В.З. Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Т.: Zamin Nashr, 2018. 165 б.

АГРАР СОҲАДАГИ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

The article describes the financing of research aimed at improving the quality and competitiveness of agricultural products in the agrarian sector of our country, carrying out special research work.

Республикамизда аграр соҳадаги илм-фаннинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши, унинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиши ўз навбатида илмий тадқиқот ишларининг мунтазам равишда барқарор молиялаштирилиши амалга ошмоқда. Илмий тадқиқот ишлари учун ажратилаётган маблағнинг мақбул ҳажмини аниқлаш келажакда соҳа илм-фанининг ривожланишига етарлича шароит яратиш берилишига боғлиқ.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида ўқув жараёни сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабаларда мустақил равишда янги билимларни эгаллаш кўникмасини шакллантиришга имкон яратди. Шу билан бирга, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси, кадрлар тайёрлашда аграр соҳа тармоқлари билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, илмий тадқиқот натижаларини тарғиб ва жорий қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш талаб этилмоқда. Мамлакат аграр соҳа илм-фани ривожланишининг ҳар бир босқичида илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришни тўғри ташкил қилиш лозим. Бугунги кунда қисқа муддатда натижа берувчи тадқиқотлар зарурлиги, келажак учун илмий изланишлар йўналишларини белгилаб олиш ва илмий тадқиқот олиб боришда тадқиқотчи илмий ходимларнинг малакаси муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда аграр соҳа илм-фанини изчил ривожлантириш мақсадида фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш билан бирга, унинг йўналишларини замон талабларига мос белгилаш, инновацион янгиликларини мунтазам ва тезкорлик билан жорий этиш каби устувор йўналишларда амалга оширилмайдиган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш лозим.

Аграр соҳада илм-фан тараққиётини тезлатиш учун мутлақо янги иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бу механизм аввало тадқиқотчиларнинг мураккаб илмий тадқиқот ишларига ёндашишдаги тушунчасини ўзгартириши, тадқиқот ишларини ташкил қилиш механизмини ва соҳада инновацион жараённи ташкил қилишга қаратилган бўлиши лозим. Илмий тадқиқотларнинг ҳўжалик ҳисобига ўтиши, тадқиқотни молиялаштириш бюджет ҳисобидан эмас, балки илмий тадқиқот институтларининг ишлаб топган маблағи ҳисобига амалга ошади. Бу, ўз навбатида, институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, моддий рағбатлантириш механизмини эркин белгилаш имкониятини беради.

Аграр соҳада илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришга етарли даражада инвестициялар жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари стратегик вазифалардан бири тарзида ҳал этилади. Илм-фанга йўналтирилган инвестициялар соҳага янги технологияларни жорий қилиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга қишлоқ ҳўжалиги тармоғини тез суръатда ривожлантиради ва аҳоли даромадининг ошишига олиб келади. Инвестициялар фақатгина илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришга эмас, балки тадқиқот натижаларини тарқатиш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш учун ҳам йўналтирилиши лозим.

Интеллектуал мулкдан самарали фойдаланиш соҳанинг ривожланиши учун олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Аграр соҳанинг бошқа соҳаларга нисбатан ўзига хос

хусусиятлари, айнан мазкур соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришни ҳам ўзига хослик жиҳатлари билан фарқланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг амалдаги механизми бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Лойиҳа мавзуларини тор маънодаги муаммолар ечимларига бағишланаётганлиги, илм-фанга ажратилган маблағлар самарадорлигининг пастлиги, инновацион тадқиқот ишларини молиялаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлиги ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этилмаган ва шу каби бошқа бир қатор муаммолар мавжуд.

Аграр соҳада илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга; мураккаб илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишни бир хил тартибда ҳал қилиш; илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг бир меъёрга ушлаб турилиши; илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда илмий-тадқиқот натижаларини жорий қилишга бир-бирига тенг даражада қаралиши ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишга катта аҳамият берилиши; табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича катта ҳажмда тадқиқотлар олиб борилиши, экинларни жойлаштириш структураси ва кетма-кетлигининг илмий асосда амалга оширилиши; аграр соҳани илмий тадқиқот ишларида меҳнат унумдорлигининг бош масала қилиб қўйилиши; иқтисодий масалаларга устуворлик берилиши лозим.

Соҳа олимларини рағбатлантириш қишлоқ ҳўжалиги тармоғини ривожланиши асосий манба бўлади. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этилган пахта, ғалла ва буғдой навлари уруғчилигидан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги тармоғида бошқа навлар учун ҳам уларнинг муаллифларини рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Мамлакатимизда аграр соҳа илмий тадқиқот ишларини яхшилаш ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади: қишлоқ ва сув ҳўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қўроқчиликка чидамли экинларни жойлаштириш, сувни тежовчи технологияларни жорий этишга йўналтирилган амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш; қишлоқ ҳўжалигида экинларнинг қўроқчиликка ва касалликларга чидамли янги серхосил навларини яратиш устида мураккаб илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; қишлоқ ҳўжалигида механизация даражасини ошириш учун машина ва механизмлар тизимини яратиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш; қишлоқ ҳўжалигида тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадларига хизмат қилувчи озук, дуккакли ва мойли ҳамда озиқ-овқат экинлари улушини кўпайтириш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш; қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда тежамкор технологияларни яратиш бўйича мақсадли илмий изланишлар олиб бориш; қишлоқ ҳўжалиги экинлари касалликлари ва зараркундаларига қарши курашишнинг биологик усулларини кенг жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш; қишлоқ ҳўжалигида чорва молларининг наслдорлигини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Аграр соҳа илм-фани ривожланишида иқтисодий муаммолар ечимини ҳал этишга қаратилган амалий тадбирлар механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Аграр илм-фанининг қишлоқ хўжалигига таъсири, биргина илмий-тадқиқотлар якунида эришилган натижалар билан эмас, балки илмий-техникавий фаолият натижалари, интеллектуал мулк ва технологияларнинг амалиётга жорий қилиниши билан белгиланади. Илмий ишланмаларга бўлган талаб илмий маҳсулот натижаларидан фойдаланувчи аграр ишлаб чиқаришнинг ва унинг соҳаларида илмий таъминот сифатини яхшилашга бўлган талаб асосида шаклланади.

Бугунги кунда аграр соҳа амалиёти билан боғлиқ амалий фанларни аграр бозорнинг таркибий ажралмас бир қисми сифатида тижорат асосига ўтказиш ва унинг ўзига хос механизмларини шакллантириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, илмий муассасаларнинг жойлардаги агросаноат мажмуаси субъектлари билан ҳамкорлигини ривожлантиришни талаб қилади. Аграр илм-фанининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига бераётган маҳсулоти якунланган товар бўлиши ва бунда ҳар бир илмий натижа муаллифи ўз илмий ишланмасининг амалиётга жорий қилинишидан олинadиган иқтисодий самарани аниқ кўрсата билиши лозим.

Давлатнинг бош ислохотчи мавқеи остида аграр фани ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принципаи янги механизмини ишлаб чиқиш ло-

зим. Шунингдек, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш асосан соҳа ичида тузилган дастур орқали амалга ошириш ва илмий тадқиқотларни ўз вақтида мувофиқлаштириб бориш; ишлаб чиқилган дастурлар якунланган илмий маҳсулотни амалиётга жорий қилишнинг аниқ чора-тадбирларини, шу жумладан, уни молиялаштириш ва назорат қилишни ҳам ўз ичига олиши; аграр илм-фанининг ишлаб чиқариш билан ўзаро боғлаб турувчи, тайёр илмий ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга самарали жорий қилувчи тизимни яратиши керак.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлаб турувчи бўғинлардан бири бу инновацион ахборот ва маслаҳат таъминоти ҳисобланади. Ҳозирги кунда республика вилоятларида илмий-тадқиқот институтларининг филиаллари, тажриба станциялари бу вазифани бажаришга ҳаракат қилмоқда. Аммо, яхлит бир дастур билан иш олиб бормасликлари, улар фаолияти самарадорлигининг паст бўлишига сабаб бўлаётганлиги, ушбу тизимнинг интеграциясини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш, илм-фани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, маҳаллий бюджет маблағлари ва илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг янги тизими жорий этилиши аграр соҳа илм-фанининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Абдурашид БАБАДЖАНОВ,
и.ф.н., к.и.х., ("ТИҚХММИ" МТУ).


АДАБИЁТЛАР

1. Babadjanov A. Investment in the Water Supply and Economic Problems: – Journal. Solutions. Journal of Scientific Research Reports. India. 2020. 26(6): – Pp. 100-109.
2. Davydova L. Formation and strategy to develop the investment potential of the region based on the evaluation of investment processes. Journal. Economic Analysis, - Moskow. 2007:13.
3. Ахмедов А. Расчёт эффективности использования воды при применении математических основ в результате теоретических и практических исследований. –Ж: Вестник Прикаспия научно-теоретический и практичекий журнал, № 4 (23) 2018. С.24-26.



ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ



Надёжная полимерная продукция от производителя



Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

(+998) 94-638-33-33

(+998) 95-142-31-19

(+998) 97-342-50-08

polimergalantery@mail.ru

www.polimergalantery.uz

КУЛИНГ. УМРИНГИЗ УЗАЯДИ!

Ўзбек халқи ўзининг кулгусеварлиги билан ажралиб туради. Шундан бўлса керак, аҳолимиз ҳазил-муйишбани, айниқса, аскияни хуш кўради, мириқиб кулади. Тўйларимиз ҳам қизиқчилар, сўз усталарисиз ўтмайди. Бир сўз билан айтганда ҳангома қилиш, латифа эшитиш ёки бирор қизиқ воқеани эслаб кулишиш барчага яхши кайфият бағишлайди. Қаерда бўлсак-да, халқимиз қизиқчиларни, ҳажвия жанрида қалам тебратаетган ижодкорларни алоҳида меҳр билан кутиб олади, олқишлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда Кулгу кунни муносабати билан сизнинг эътиборингизга бир қатор ҳажвия ва латифаларни тақдим этмоқдамиз.



“Энг муҳими — сабр-қаноат”

Бир кишининг қалин ўртоғи мансабга минди. Дўсти унга насиҳат қила бошлади:

- Доимо эсингда тут, энг муҳими сабр-қаноатдир.
- Яхши, — деди ошнаси бунга жавобан.
- Эсингдан чиқмасин, энг муҳими, бу — сабр-қаноат, — ўғит иккинчи бор такрорланди.
- Ҳўп, — деди мансабдор, — маслаҳатингга доимо амал қиламан.
- Куюнчак дўст энди оғайнисига учинчи марта панд-насиҳат қилишга киришди:
- Илло-билло унутмагин, энг муҳим нарса — сабр-қаноат...
- Шунда амалдор тутатиб, биродарига ўшқирди:
- Нима, мени жинни деб ўйлаяпсанми? Ўргилдим ўша каро-матингдан!
- Ана кўрдингми, — деди босиқ дўст, — сенга шунча айтганим билан барибир сабр-қаноат қилишга кучинг етмади.

Эски ашула

Янги ишга тайинланган мансабдор ўзининг амалдор яқинларига зиёфат берадиган бўлди. Азиз меҳмонларнинг кўнглини хушнуд этмоқ мақсадида тадбирга таниқли хонанда ҳам таклиф этилди. Қўшиқчи мансабдорнинг номини мадҳ этиб, унга ҳамду санолар айтиб, хўп тараннум айлади. Мақтов мансабдорга хуш ёқиб:

- Ажойиб қўшиқ экан, менга жуда ёқди, — деди.
- Шунда хонанда ҳам ғурур билан:
- Сиздан олдинги амалдор акамиз ҳам худди шундай дегандилар.
- Нима?! Нималар деяпсан? — Ҳали сен ҳар гал шу қўшиқни айтасанми?
- Бошқа қўшиқ билмасам, нима қилай, — деди хонанда маъюсланиб.



Хандалар



– Дадаси, анча совуқ тушиб қолди. Болаларни кийинтириш керак! Қачон бозорга олиб борасиз?

– Кеча ҳисоблаб кўрдим. Болаларни иссиқ ўлкаларга уч ойга юборсак арзонга тушаркан, онаси...

– Дўхтир, туни билан уйку орасида хуррак отаман. Ўзимнинг хурагимдан ўзим уйғониб кетаман. Нима қилай?

– Бошқа хонага кириб ётинг!

Эркак денгиз бўйида шиша топиб олди. “Ҳойнаҳой, ичида жин бўлса керак” деди-ю, ишқалай бошлади. Бир соат ишқалади, икки соат ишқалади. Жиндан дарак йўқ. Охири чарчаб шишани бир четга қўйганди, ичидан овоз келди:

“Ҳой, аҳмоқ, аввал қопқоқни оч!”

Тиш дўхтири кабинетдаги каравотга беморни ётқизиб қўйди-да, ўзи йўлакка чиқиб, у ёқдан-бу ёққа асабий бориб келаверди. Шунда ҳамшира сўради:

- Нима, касали оғирмикан?
- Оғирдан ҳам оғир! Ярамаснинг бир дунё пули бор-у, лекин ҳамма тишлари соппа-соғ экан!

Буви неварасини чақириб деди:

- Неварагинам, гапларимни диққат билан эшит. Мен сенга ўлимни олдида ўз фермамни васият қиламан. Унда 3 та уй, 6 та трактор, 1 та омборхона, 1 та товўқхона, 15 бош сигир, 8 бош от, 9 бош эчки ва 10 та машина бор.
- Ростданми, бувижон? Ўша мен билмайдиган фермангиз қаерда ўзи?
- Фейсбукда!

– Мана, 5 йил бўлди, ҳар куни ишга кеч келасиз! Бўлди, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг!

– Ие, бугун 5 йиллик юбилей экан-ку! Кечира қолинг...

– Якшанба куни нима қилишим нега сени бунчалик қизиқтиряпти?

– Қаерга борсам, сени учратмас эканман, деб ўйлаяпман.

Ҳеч уйкум келавермади... Подадаги қўйларни биттама-битта санаб чиқдим ва охир-оқибат... чўпон билан танишиб олдим!

Бир одам адвокатнинг олдига келиб дебди:

- Илтимос, мени ҳимоя қилсангиз.
- Нимада айбланияпсиз?
- Пулларни сохталаштиришда.
- Майли, сизни ўз ҳимоямга оламан...
- Мана сизга нақд пуллар!

Овга отланаётган эрдан хотини сўради:

- Дадаси, сизга бўри ҳужум қилиб қолса нима қиласиз?
- Милтиқдан ўқ узаман.
- Ўқ қолмаса-чи?
- Пичоқ билан ташланаман.
- Пичоқ уйда қолган бўлса-чи?
- Дарахтга чиқиб оламан.
- Яқин ўртада дарахт бўлмаса-чи?
- Менга қара, сен ўзинг кимнинг хотинисан, меними ёки бўриними?!



O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,
Aprel №4.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan olindi,
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Пахта майдонларида тупрок унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида.....	1
О.СОАТОВ. Пахтакорлар учун яна бир рағбат	2
Ш.АБДУЛЛИМОВ, Ш.КАРИМОВ, Ф.АБДУЛЛАЕВ, К.ТАДЖИЕВ, Ф.ШАМСИТДИНОВ. Баҳорнинг ҳар куни ғанимат	4
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ИБРАГИМОВ. Чигит экиш ва дастлабки култивацияни сифатли бажариш	5
Р.СИДДИҚОВ. Ғаллакорлар шашти баланд	7
Ҳ.АБДУЛЛАЕВА. Боғбон ишлари қизгин паллада	8
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавотчилик хўжаликларида апрель ойи юмушлари	9
А.ОРИПОВ, Ш.ДЖАББОРОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ. Соғлом чорвада барака бор	11
М.МУҲАММЕДОВА. Сув хўжалиги ахборот-бошқарув миллий тизими	13
З.ИШПУЛАТОВ. Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш такомиллаштирилади	14
Х.КАРИМОВ. Янги тамойил – давр талаби	15
Бир асрлик ибратли ҳаёт	16
К.ЭРҒАШЕВ. Меҳнатим – бахтим	17
Ш.СОДИҚОВА. Орзулар рўёби	18
У.МАМАЖОНОВ. Илмга садоқатдан саодат топиб	19
Ш.НОРМУРОДОВ. Тўқин маҳсулот – фаровонлик омили	20
“Полвон” бўйларида баҳор нафаси	21
К.ҲАЙИТБОЕВ. Ота касби обрў келтирар	22
Ветеринар ва чорвадор ҳамкорлиги	23
Қорақўлчилар экспортни кўзламоқда	24
Эл хизматидаги ветеринарлар	25
Картошканинг “Боғизогон” нави	25
Ш.ЖАББАРОВА. Хоразмнинг яшил олами	26
Кадастр хизмати: одиллик – бош мезон	28
М.ТўРАЕВ, Х.АРОЛОВ, Г.ҚОБИЛОВА. Маҳалланинг маслаҳатгўйи	29
Б.МАХМУДОВ. Апелляция инстанцияси суди — имконият ва ваколатлар	30
Х.БАЛТАЕВ. Ноқонун қурилма бартараф этилди	31
Б.БАЛТАЕВ, Ш.АБДУЛЛИМОВ. Органик пахта етиштиришда зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя тадбирлари	32
А.ШОЙМУРАДОВ, Д.АЛЛАЕВА. Рыжик навлари уруғларининг дала унвчанлиги ва қишлоқчилик бўлган даврда ўзгаришига экиш меъёр ва муддатларининг таъсири	33
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, Х.ХУРРАМОВ, С.СУННАТОВА. Кузги сидератларни уруғга ўстириш, унинг яшил ўғит сифатида картошка ҳосили ва уруғлик сифати таъсири	35
М.РАХМОНОВА, К.ҲАМДАМОВ, Ф.УЗОҚОВ. Круиз экстра оригинал препаратининг илдиққарқар тунламларга таъсирини ўрганиш	36
Т.КУЛИЕВ, К.АЗИЗОВ, Р.НЕМЕТОВ. Сирдарё шароитида чорва озук базасини мустаҳкамлаш имкониятлари	37
С.АБУОВ, Г.АМАНОВА. Ўғитли қорамолчиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истикболлари	38
Ф.ГАПΠΑРОВ, И.МАХМУДОВ, Ж.НАРЗИЕВ, М.ҒАФФОРОВА. Сув омборларининг эксплуатацион ишончилигини баҳолаш	39
Т.ХАМРАҚУЛОВ. Ғаллачилик кластерларининг хусусий машина парки ва таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базасини асослаш тамойиллари	41
А.ВАХОБОВ, А.ЯДГАРОВ. Иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашнинг долзарб масалалари	42
С.АБДУҚОДИРОВА, Б.МИНАСИПОВ. Ўзбекистон шароитида агрокластерлар худудини ташкил этишнинг самарадорлиги	44
А.БАБАДЖАНОВ. Аграр соҳадаги фан-техника тараққиёти	45
Кулинг, умрингиз узаяди!	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam
bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 1-aprel.
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 1-aprel. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma № 8. Nuxyasi dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV



КАМТАРЛИКДАН КАМОЛ ТОПГАН ОЛИМА



Мамлакатимизда сабзавот селекционерлари орасида кўплаб янги, серхосил навларнинг муаллифи Махфират Аманованинг алоҳида ўрни бор. У халқаро ва республика миқёсида маълум ва машҳур, шу билан бирга, ўта камтарин олимлардан бири. Зеро, тинимсиз илмий изланишлари бугун уни етук олима сифатида элга танитди.

М.Аманованинг болалиги Самарқанд вилояти Нарпай тумани “Дедан” қишлоғида ўтган. 1990 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) “Мева, сабзавот ва узумчилик” факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу даргоҳда “Сабзавотчилик” кафедраси аспирантурасига ўқишга кирди. 1994 йили аспирантурани муваффақиятли якунлади ва бир йилда сабзавотчилик ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Ўша йили Ўзбекистон Ўсимлик-шунослик илмий-тадқиқот институти Мойли экинлар лабораториясига кичик илмий ходим лавозимига ишга қабул қилинди. Қисқа вақт ичида ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, қатъияти ва билими билан жамоатчилик ҳурматини қозонди. Икки йилдан сўнг мойли экинлар лабораторияси мудири вазифасига тайинланди. У қарийб 20 йил умрини тажриба далаларида ўтказиб, сабзавот ва мойли экинларнинг янги, юқори маҳсулдор навларини яратишга бағишлади.

Бу даврда Махфират опа Ҳиндистон, Россия, Тайван, Жанубий Кореяда ўз малакасини ошириб, олган барча билим ва тажрибаларини амалиётда қўлади ва муҳим илмий-амалий натижаларга эришди.

Чет эл илмий-тадқиқот институтлари ва халқаро ташкилотларда ўз малакасини ошириш асносида республика-мизда илк маротаба мойли экинларда селекциянинг дурагайлаш технологиясини ишлаб чиқди. Бу технология бўйича яратилган услубий қўлланма асосида мамлакатимизнинг барча ви-

лоятларида етиштириш имкониятлари бўлган ер ёнғоқ, махсар, кунжутнинг истиқболли навларини яратди ва уни ишлаб чиқаришга жорий этди.

Олима томонидан илмий фаолияти давомида қишлоқ хўжалик экинларининг, жумладан, ер ёнғоқ, кунгабоқар, махсар, бақлажон, топинамбур ва қовоқнинг жами 13 та янги нави яратилган ва давлат реестрига киритилган. Бундан ташқари, яратган илмий янгилликлари учун интеллектуал мулк агентлигининг 4 та патентини ҳам олган.

2019 йилда “Мойдорлик даражаси юқори, эртапишар ва ҳосилдор мойли экинларнинг янги навларини яратиш” мавзусида қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган М. Аманова Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агро-технологиялари ИТИ ҳузуридаги PhD илмий даражаларини берувчи кенгаши ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси бўлди. У ҳозирги кунда Тошкент давлат аграр университети сабзавотчилик кафедраси профессори сифатида фаолият юритмоқда.

Олима икки нафар PhD илмий даражасини олган ва ўнлаб магистрантлар устозидир. Махфират опанинг 120 дан ортиқ илмий мақоласи, битта монографияси, кўплаб услубий қўлланма ва тавсияномалари чоп этилган.

Бугунги кунда олима томонидан яратилган кунгабоқарнинг “Жаҳонгир” нави Андижон ва Фарғона вилоятларида 5000 гектар, кунжутнинг “Қора шахзода” нави Хоразм вилояти ва

Қорақалпоғистон Республикасида 5000 гектар, ер ёнғоқнинг “Лидер”, “Мумтоз” ва “Саломат” навлари 1000 гектардан кўпроқ майдонда етиштирилмоқда. Кунжутнинг “Қора шахзода” ва “Садаф” навлари, топинамбурнинг “Мўжиза” нави қайта ишланиб, хорижга экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, 2020 йилда олима яратган ер ёнғоқнинг янги “Лидер” навидан “Агровер” МЧЖ далаларида ўртача 65 центнердан ҳосил олиниб, дунё бўйича рекорд натижага эришилди. Ваҳоланки, дунёда энг юқори ҳосилдорлик АҚШ да бўлиб, ўртача 40-45 центнерни ташкил қилади.

Ўтган йили у Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуманнинг “Инновацион ечимлар” йўналиши ғолиби бўлди.

Яқинда селекционер олима илмий ютуқлари, ибратли фаолияти, ташаббускорлиги ва изланувчанлиги, ўзининг фидойи меҳнати билан жамиятимиз равнақиға қўшган ҳиссаси учун давлатимиз раҳбари фармонига биноан “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

— Ҳаётда баъзан адолатсизликлар ёки ноҳақликларга ҳам дуч келаркансан, — дейди М.Аманова. — Рухим тушиб қолган бундай пайтарда мен оиламдан, далалардаги экинлардан куч оламан. Улар энг яқин сирдошларим, ҳамдардларим бўлади. Кимгадир кулгили туюлиши мумкин, лекин менимча экинлар билан ҳам гаплашмоқ мумкин, фақат уларнинг ҳолатини, табиатини фаҳм этсангиз бўлди. Шу касбни танлаб бахтимни топдим. Далалар, экинлар фаолиятим мезонига айланганини ўзимнинг саодатим, деб биламан.

Гулбодом БЎТАЕВА.



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz